З.М.Исломов

МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ: ГРАММАТИК РИСОЛАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ

З.М.Исломов

МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ: ГРАММАТИК РИСОЛАЛАР

29242
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TerDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2020

УЎК: 811.411.21
КБК: 811.411.21'36
И 80
Исломов З.
"Муқаддамату-л-адаб": грамматик рисолалар [Матн]: монография / З.Исломов. – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020. –128 б.
УЎК: 811.411.21
КБК: 811.411.21'36

Масъул муҳаррир: фил.ф.д., проф. **Қ. Омонов**
Тақризчилар: фил.ф.д., проф. **Қ. Содиқов**
фил.ф.д., доц. **С.Рустамий**
фил.ф.д.,проф. **Б.Абдушукуров**
фил.ф.н., доц. **М.Носирова**

Монография "Араблар ва ажамлар устози", буюк тилшунос олим Маҳмуд Замахшарийнинг грамматик меросида муҳим ўрин тутган "Муқаддамату-л-адаб" асари таркибидаги грамматик қисмлар таҳлилига бағишланган. Асар кўп тилли луғат ва араб тили грамматикаси бўйича нодир манба сифатида танилган. Манбанинг "Ҳарфлар", "Исмларнинг турланиши" ва "Феълларнинг тусланиши" қисмларида грамматик қоидалар баён этилган. Улар араб тили грамматикасининг кичик ҳажмли, содда, тушунилиши енгил рисолалари сифатида халқ орасида машҳур бўлган ва асрлар давомида таълим тизимида ўқитилган. Мазкур қисмлар котиблар томонидан кўплаб нусхаларда кўчирилган ва дунё фондларида уларнинг юзлаб нодир қўлёзмалари сақланиб қолган.

Монография Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг 2020 йил 9 ноябрдаги 6 сонли мажлиси баёни билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6718-6-7

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2020

КИРИШ

Маҳмуд Замахшарий ўзининг бой илмий мероси билан дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломалардан саналади. Унинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, исломшунослик ва бошқа фан соҳаларига бағишланган нодир асарлари жаҳон мамлакатлари олимлари томонидан эътироф этилган ва юксак баҳоланган. Давр илм аҳллари Маҳмуд Замахшарийга "Устозу-л-араб ва-л-ажам", "Жоруллоҳ", "Фахри Хоразм", "Каъбату-л-удабо", "Тожу-л-ислом" каби шарафли номларни берганлар.Ушбу эътироф ва олим маънавий меросининг илмий аҳамияти уларнинг яратилган давридан бошлаб кўплаб нусхаларда кўчирилишига ҳамда дунё бўйлаб тарқалишига сабаб бўлган. Дунёнинг кўплаб машҳур кутубхоналари ва фондларида олимнинг 70 дан ортиқ номдаги асарларининг нодир қўлёзмалари сақланмоқда.

Аллома илмий меросида *"Муқаддамату-л-адаб"* асари алоҳида аҳамиятга эга. Бу нодир асар исмлар, феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши қисмларидан иборат. Дунё олимлари ушбу асарга луғат сифатида қарайдилар чунки асарнинг дастлабки икки катта ҳажмли қисми луғат сифатида тузилган. Бугунги кунда асар илм аҳли орасида кўп тилли луғат сифатида танилган. Луғатнинг арабча-форсча икки тилли, арабча-форсча-туркий уч тилли, арабча-форсча-туркий-мўғулий тўрт тилли сўзлик киритилган қўлёзмалари мавжуд.

"Муқаддамату-л-адаб" ўзига хос таркибий тузилишга эга асар бўлиб, манбашунослик тарихида бу каби манба учрамайди. Маҳмуд Замахшарий етук тилшунос, луғатшунос олим сифатида араб тилини ўрганиш учун зарур бўлган барча маълумотларни жумладан, сўзлик ва грамматик қоидаларни асарга киритган. Олим тил ўрганувчи толиб учун етарли сўз бойлигини хусусан, исмлар қисмига 6250 та исм, феъллар қисмига 8650 та феъл киритган.

Асарнинг кейинги уч қисми грамматик қоидаларга бағишланган. Ҳарфлар қисми 8 фаслдан иборат ва араб тилидаги барча ёрдамчи сўзлар-ҳарфлар киритилган. Исмларнинг турланишига бағишланган қисмда турли грамматик ҳолатлар таъсири остида исмларнинг охирида юз берадиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар 31 фаслда баён этилган. Феълларнинг тусланишига оид кенг қамровли грамматик қоидалар бешинчи қисмда батафсил келтирилган. Мазкур қисмлар содда ва равон тилда ёзилганлиги боис қадимдан Мовароуннаҳр ва қўшни мамлакатлардаги таълим тизимида асосий грамматик қўлланмалар сифатида истифода этилган. Ушбу қисмлар мустақил рисолалар сифатида маҳаллий котиблар томонидан мадрасалар учун кўплаб қўлёзмалар шаклида кўчирилган ва улар халқ орасида матннинг бош жумласи билан машҳур бўлган. Жумладан, исмларнинг турланишига бағишланган қисм унинг биринчи жумласи "ҳаракоту-л-эъроб" номи билан аталган. *"Муқаддамату-л-адаб"* таркибидаги грамматик қисмлар давр ўтиши билан мустақил рисолалар мақомига эга бўлган. Мазкур рисолалар Маҳмуд Замахшарийнинг грамматик мероси сифатида махсус тадқиқ этилмаган.

Монография *"Муқаддамату-л-адаб"* асаридаги грамматик рисолалар тадқиқи билан бошланади. Унда олимнинг грамматик мероси хусусан, унинг *"Муфассал фи-н-наҳв", "Муқаддамату-л-адаб", "Унмузаж фи-н-наҳв"* асарлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарийнинг янги топилган "Муфид фи-т-тасриф" асари ҳақидаги илмий маълумотлар ҳам илк бора тақдим этилган. Илмий нашрга юқорида зикр этилган грамматик рисолаларнинг баёни, ўзбек тилига қилинган таржимаси ва арабий матни киритилган. Монография материалларидан исломшунос, шарқшунос, манбашунос, матншунос, тилшунос олимлар, тадқиқотчи ва талабалар илмий тадқиқот ишларида шунингдек, араб тилини ўрганиш жарёнида фойдаланиш тавсия этилади.

1. МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ ГРАММАТИК МЕРОСИ

Абулқосим Маҳмуд Замахшарий дунё илм аҳллари томонидан ҳақли равишда буюк қомусий олим сифатида эътироф этилган. Алломанинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, дидактика, исломшунослик каби турли фан соҳаларига бағишланган 72 та нодир асар яратганлиги аниқланган. Маҳмуд Замахшарий араб тилшунослиги, унинг назарий масалалари хусусан, морфология, синтаксис соҳасида улкан илмий янгиликлар яратди. Олим араб тилшунослигига бағишланган 30 га яқин мукаммал юқори илмий савиядаги асарлар ёзди ва мусулмон дунёси олимлари томонидан "*Устозу-л-араб ва-л-ажам*" – "Араблар ва араб бўлмаган миллатларнинг устози" деган шарафли номга сазовор бўлди.

Инсоният тамаддунининг қадимий маданий марказларидан саналган Хоразмда туғилган олим ислом илмлари ҳамда маданиятига, айниқса араб тили, адабиётига ўзгача муҳаббат билан қарайди ва уларни мукаммал эгаллашга ҳаётини бағишлайди. У дастлаб араб тили сабоқларини маҳаллий олимлардан сўнгра барча фанларнинг билимдони, асрнинг ягона зоти номи билан танилган Абу Музар Заббий Исфаҳоний каби машҳур тилшунослардан олади. Хоразмшоҳлар давлатида алоҳида нуфузга эга бўлган Низомулмулк, тиббий билимлар султони Ҳаким Али ибн Муҳаммад Ҳижозий, файласуф, фақиҳ Баҳовуддин Абу Муҳаммад Хивақий, алломаи замон Рашидуддин Муҳаммад Ватвот, навҳу сарф, аруз илмларининг билимдони Абдулҳасан Али Хоразмий, фозиллар ҳужжаси, адиблар сайиди, машойихлар фахри Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Хоразмий, фиқҳ илмининг фаридуззамони Абу Муҳаммад Маҳмуд Хоразмий, фалакиёт илмининг шамси Муаййиддин Маҳмуд ибн Умар Хоразмий, манзарулолам Аловуддин Абулфатҳ Самарқандийлар Маҳмуд Замахшарий илмий муҳитининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган.

Шунингдек олим араб тили грамматикасига бағишланган “*Аъжабу-л-ажаб фи шарҳ “Ломияти-л-араб*” – “Араб грамматикасига оид “Ломия” асарининг энг ажойиб шарҳи”, “*Дурру-д-даир ал-мунтахаб мин кинаят ва истиъарат ва ташбиҳати-л-араб*” – “Араб тилидаги киноя, истиора ва ташбеҳларга оид гавҳарлар”, “*Муфрад ва-л-муаллаф фи-н-наҳв*” – “Араб грамматикасида содда ва мураккаб сўзлар”, “*Муқаддамату-л-адаб*” – “Адаб илмига кириш”, “*Рисалату-т-тасарруфот*” – “Морфологияга оид рисола” , “*Рисала фи-л-мажоз ва-л-истиъара*” – “Мажоз ва истиъора ҳақида рисола”, “*Таълиму-л-мубтадий ва иршоду-л-муқтадий*” – “Бошловчи учун таълим ва эргашувчи учун йўлланма”, “*Шарҳу-л-Муфассал*” – “Муфассал” асарига шарҳ”, *“Амолий фи-н-наҳв”* – “Грамматика борасида имлолар”, “*Асмо фи-л-луғати*” – “Тилшуносликда исмлар”, “*Муфрад ва-л-мураккаб фи-л-арабия*” – “Араб тилидаги бирлик ва кўплик”, “*Ҳошия ала-л-Муфассал*” – “Муфассал” асарига ҳошия” каби нодир асарлар яратган.

2. *“МУФАССАЛ ФИ САНЪАТИ-Л-ИЪРОБ”* – “ЭЪРОБ САНЪАТИГА ОИД МУФАССАЛ АСАР”

Маҳмуд Замахшарийнинг араб тили грамматикасига бағишланган йирик фундаментал асари. Асарнинг номи унинг турли қўлёзмалари ва нашрларида “*Муфассал фи илми-л-арабия*”, “*Муфассал фи-н-наҳв*”, “*Муфассал фи санъати-л-эъроб*” каби шаклларда қўлланилган. Замахшарий “*Муфассал*” асарини Маккада яшаган пайтида 513/1119 йил декабр бошлари 518/1124 йилнинг март ойи оралиғида ёзиб тугаллаган. Тилшунос олимлар бу асарни ўз илмий қиммати жиҳатидан таниқли араб тилшуноси Сибавайҳнинг “Китоб Сибавайҳ” асаридан кейинги иккинчи ўринга қўядилар. Асар араб тили наҳву сарфини ўргатиш бўйича энг машҳур асарлардан саналган, ўз давридаёқ мусулмон халқлари орасида кенг тарқалган. Жумладан, Шом ҳокими Музаффариддин Мусо Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олганга беш минг кумуш танга пул ва сарупо совға беришини ваъда қилган. Бир қатор олимлар асарни ёд олиб, юксак мукофотга сазовор бўлганлиги манбаларда келтирилган.

“*Муфассал*” асари тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисм исмлар, иккинчи қисм феъллар, учинчи қисм ҳарфлар, тўртинчи қисм барча ҳолатлар учун муштарак бўлган қоидаларга бағишланган. *“Муфассал”* шу турдаги бошқа асарлардан грамматик қоидаларнинг юқори илмий савияда баён этилганлиги билан ажралиб туради.

Асар сўз ва гап ҳақидаги таърифдан иборат қисқача кириш билан бошланган. Китобнинг биринчи қисми исмларга бағишланган ва 51 фаслдан иборат. Дастлаб муъраб (турланувчи) исмлар таснифи, исмнинг эъроб турлари ҳақида маълумот келтирилган.

Исмлар бобининг каттагина қисми келишикларга бағишланган ва у марфуъотлар – бош келишикдаги исмлар изоҳи билан бошланади. Мазкур қисмда мубтадо ва хабар,

"инна" таъкидининг хабари, мутлоқ инкор юкламасининг хабари, *"лайса"*нинг ўрнида келувчи *"ма"* ва *"ла"* юкламаларининг исм билан алоқасига оид грамматик қоидалар изоҳланган.

Иккинчи келишик мансуботлар - тушум келишигида келувчи исмлар. Унда тушум келишиги билан алоқадор *мафъул мутлоқ* – ўз-ўзини тўлдирувчи, *мафъул биҳ* – воситасиз тўлдирувчи, *мафъул фиҳ* – ўрин-пайт холи, *мафъул маъа* – биргаликни ифодаловчи тўлдирувчи, *мафъул лаҳ* – сабаб-мақсад холи, *тамйиз* – белгилаш, истисно билан тушум келишигига қўйиш, *"ка'ана"*нинг хабари ва *"инна"*нинг исми, мутлоқ инкор юкламаси билан тушум келишигига қўйилган исм, *"лайса"*нинг ўрнида келган *"ма"* ва *"ла"*нинг хабари ҳолатлари ёритилган.

Қаратқич келишигидаги исмлар қисмда *тавобеъ* – мослашган сўзлар, *таъкид, сифат* – мослашган аниқловчи, *бадал* – изоҳловчи, *атфул баён* –изоҳловчи, *атф бил-ҳарф* – боғловчи, турланмайдиган исмлар таснифи – *мабний* исмлар, олмошлар, кўрсатиш олмошлари, нисбий олмошлар, феъл маъносидаги ва товушларни ифодаловчи исмлар, *зарф*лар – равишлар каби грамматик категориялар изоҳланган ва уларнинг ҳар бирига хос мисоллар келтирилган.

Исмлар бобида шунингдек, қўшма сўзлар, мажозий маънога эга сўзлар ҳам кенг ёритилган. Бирликдаги сўзлардан араб тилига хос бўлган иккилик ва кўплик шаклларининг ясалиши ва уларнинг таснифи, аниқ, ноаниқ ҳолатдаги исмларнинг ифодаланиши ва таснифи, исмларда музаккар ва муаннаслик жинси, кичрайтма отлар, нисбий сифатлар ҳам ёритилган. Мазкур бўлимда араб тилидаги сонлар категориясига оид грамматик қоидалар кенг берилган.

Араб тилидага сўз ясалишининг кенг қамровли шакллари ҳам шу бобда келтирилган. Жумладан, *мақсур* ва *мамдуд* исмлар, феълдан ясалган исмлар ва сифатлар, масдарлар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, орттирма ва қиёсий даража сифатлари, замон, макон, қурол номларини англатувчи исмлар, уч,тўрт, беш ҳарфли исмлар билан боғлиқ грамматик ҳолатлар батафсил изоҳланган.

"Муфассал" асарининг иккинчи қисми феълларга бағишланган. Унда феълларнинг ўтган ва ҳозирги-келаси замон шакллари, ҳозирги-келаси замон феълининг майлларда ўзгариши, аниқлик, истак, шарт, буйруқ майллари, ўтимли ва ўтимсизлик, феъл даражалари, "ўйлаш, ҳисоблаш", "яқинлик" маъносидаги феъллар, ноқис, мақтов, таҳқир,таажжуб феъллари, феъллардаги уч ўзакли ва тўрт ўзакли тизим ёритилган.

Асарнинг учинчи қисми *ҳарф* – ёрдамчи сўз туркумига оид. Унда ҳарфлар 29 фаслга бўлиб ёритилган. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳарфларга бағишланган амалий грамматик асарларида предлогларнинг умумий таснифи ва уларга оид содда мисоллар келтирилган. "*Муфассал*"да предлогларнинг кенг тизими ва таснифи батафсил қоидалар билан ёритилган. Араб тилидаги ўзига хос ҳарфнинг феъллар билан боғлиқ *"лакинни", "ка'анна", "лаъалла"* каби юкламаларнинг грамматик изоҳи ҳам очиб берилган. Қисмда боғловчиларга алоҳида урғу берилган ва грамматик изоҳи киритилган.

Ҳарфлар қисмида 19 юклама турларига изоҳ берилган. Жумладан, инкор, огоҳ қилиш, нидо, тасдиқ ва жавоб, истисно, хитоб, боғлаш, тушунтириш, даъват қилиш, яқинлаштириш, сўроқ, шарт, сабаб-мақсад, қатъий инкор, келаси замонни кўрсатувчи юкламаларнинг баёни келтирилган. Маъно ифодалаш учун қўшалоқ *"лом"*нинг ишлатилиши, муаннаслик *"та"*нинг *сукун* – тўхташ ҳолати, таъкид майли қўшимчаси бўлган нун, тўхташ маъноларини ифодаловчи ёрдамчи сўзлар ҳам мавзу доирасида ҳарфлар қисмига киритилган.

Асарнинг тўртинчи қисми араб тилидаги умумий муштарак ҳолатлар изоҳига бағишланган. Жумладан, араб тилида муҳим бўлган исм ва феъллардаги унлини талаффуз қилиш, тиниш-тўхташ усуллари, қасамни ифодалаш, ҳамзани енгил талаффуз қилиш, икки сукуннинг бир ўринда келиши, сўз бошида ҳамза келишининг хос ҳолатлари, ҳарфни қўшиш – ўзак таркибига кирмайдиган ҳарфлар, ҳарфларни алмаштириш, иллатли ҳарфларнинг ишлатилиши, хусусан, биринчи, иккинчи, учинчи ўзакларнинг *вов* ёки *йо* билан ифодаланиши ва *идғом* – ассимиляция ҳолати баён қилинган.

"Муфассал" асарининг Туркия, Россия Федерацияси, Англия, Миср, Саудия Арабистони, Эрон, Сурия, Ўзбекистон каби мамлакатларнинг фондларида нодир қўлёзмалари мавжуд. Асарга кейинги давр олимлари томонидан юзга яқин мухтасар, шарҳ ва ҳошиялар ёзилган.Асарга ёзилган муҳим шарҳлардан тилшунос олим Муваффақуддин Абулбақо Йаъийний ибн Али ибн Йаъийш Халабий (ваф. 643/1246), Ибн Ҳожиб (ваф.646/1249)нинг *"Изоҳ фи шарҳи-л-Муфассал"*, Абулбақо Абдуллоҳ ибн Абу Абдуллоҳ Ҳусайн Акбарийнинг *"Муҳассал"*, Аҳмад ибн маҳмуд ибн Қосим Жундий Андалусийнинг *"Иқлид"*, Муҳаммад ибн Саъд Марвазийнинг "Муҳассал", Аҳмад ибн Яҳё Муртазонинг *"Тожу-л-мукаллал"*, Фахриддин Муҳаммад ибн Саъд Марвазий (ваф. 609/1212)ларнинг шарҳлари эътиборли саналади. Хоразмлик тилшунос олим Абу Муҳаммад Маждуддин Қосим ибн Ҳусан Хоразмий *"Муфассал"*га учта шарҳ ёзган, улардан бири *"Тахмир"* деб номланган. Маълумки, асар таркибига Маҳмуд Замахшарий жуда кўплаб шеърлар, байтлар киритган. Олимлар уларни алоҳида ўрганиб таҳлил қилинган асарлар ёзганлар.Улар жумласига Абулбаракот Аҳмад Муставфий(ваф. 637/1240)нинг *"Исботу-л-муҳассал фи нисбати абёти-л-Муфассал"*, Иззиддин Марогий ва Жалол Бухорийларнинг *"Мунаххал фи иъроби абёти-л-Муфассал"*, Фахриддин Хоразмийнинг *"Шарҳи абёти-л-Муфассал"*, Музҳируддин Шариф Ризо Муҳаммаднинг *"Мукаммал"*, Муҳаммад Бадруддин Абу Фарас Ниъсоний Ҳалабий (ваф. 1362/1943) нинг *"Муфаддал фи шарҳи абяти-л-Муфассал"* каби шеърий шарҳлар киради. Асарнинг қисқартмалари ичида Шамсуддин Муҳаммад Юсуф Қавнавий (ваф. 788/1387)нинг *"Ихтисару-л-Муфассал"*, Шайх Абдулкарим Искандароний (ваф. 612/1216)нинг *"Мухтасар"* асарлари шуҳрат топган. Асарнинг Абу Наср Фатҳ Муса Хадравий (ваф. 663/1265), Абу Шама Абдурраҳман Исмаъил Димашқий (ваф. 665/1265) томонидан ёзилган назмий шарҳлари ҳам яратилган. Асар матни Германия ва Мисрда бир неча марта нашр қилинган, 1873 йили немис тилига таржима қилинган ва чоп этилган.

3. *“УНМУЗАЖ ФИ-Н-НАҲВ”* – “НАҲВ ИЛМИДАН НАМУНА”

Маҳмуд Замахшарий грамматик меросида ўзининг содда баён усули, ихчамлиги ва грамматик қоидаларга мисолларнинг аниқ берилиши билан ажралиб турадиган асарларидан бири “*Унмузаж фи-н-наҳв*” рисоласи ҳисобланади. Бу муҳим асарни олим меросининг маҳаллий халқлар томонидан араб тилининг асосий қонун-қоидаларини ўрганиш учун ёзилган биринчи қўлланмаси деб ҳисоблаш мумкин. Грамматик йўналишдаги асарларини олим араб тилининг анъанавий қоидалари асосида шакллантирган. Жумладан, грамматик қоидалар араб тилидаги сўз туркумлари таснифидан келиб чиқиб баён қилинган. Араб тилидаги сўз туркумларига хос ёндашувдаги грамматик қоидалар баёни Замахшарийнинг барча асарларида кўзга яққол ташланади. Олим асарлари йўналтирилган китобхонларининг савиясига қараб асарларни грамматик қоидалар билан тўлдирган ва уларга муносиб мисоллар киритган. Замахшарийнинг грамматик асарларини шартли равишда икки туркумга тақсим қилиш мумкин. Уларнинг биринчисига дастлабки, бошланғич грамматик маълумотлар берадиган асарлар, араб тили грамматикаси ҳақида йирик фундаментал илмий асарлари иккинчи гуруҳга киради. “*Унмузаж фи-н*-наҳв” рисоласи ўзининг аҳамияти жиҳатидан бошланғич грамматик маълумотлар берадиган асарлардан саналади.

“*Унмузаж фи-н-наҳв*” асари бисмилло билан бошланган. Маҳмуд Замахшарий ўзининг йирик фундаментал асарларига илмий лабораториясига хос қисқа муқаддималар киритган. Унинг асарлари узундан узоқ кириш сўзлари билан бошланмайди. Аллома том маънодаги тилшунос олим сифатида асарга киритиладиган ҳар бир сўзнинг маъноси ва ўрнига алоҳида аҳамият беради. Шу сабабли ҳам амалий аҳамиятга эга таълим жараёни тизимида фойдаланиш учун яратилган грамматик рисолаларини уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб

тўғридан тўғри бисмилло билан бошлайди. Жумладан, янги топилган грамматикага оид "*Муфид фи-т-тасриф*" асари, шунингдек, "*Тасрифу-л-асмо*", "*Тасрифу-л-афъол*" рисолалари ҳам айнан шундан бошланишга эга.

Асар араб тилидаги анъанавий сўз туркумлари исм, феъл ва ҳарф бўйича маълумот ва мисоллар бериш билан бошланади. Биринчи боб "Исм"ларга бағишланган ва унда исм сўз туркумига тааллуқли грамматик қоидалар изоҳланади. Замахшарий мазкур бобда "турдош от", "атоқли от", "турланадиган ва тобеъ исмлар", "турланмайдиган исмлар", "иккиликдаги исмлар", "кўпликдаги исмлар", "аниқ ва ноаниқ ҳолатдаги исмлар", "музаккар ва муаннас жинсдаги исмлар", "кичрайтма исмлар", "сонлар", "нисбий исмлар", "феъллардан ясалган исмлар" – жами ўн иккита исм турини изоҳлайди.

Рисолада отларга алоҳида урғу берилади, таърифлари ва уларни изоҳловчи мисоллар келтирилади. Маҳмуд Замахшарий грамматик асарларининг муваффақияти шундаки, тилдаги ҳар бир грамматик ҳолат учун унинг ёдлаб олиш даражасидаги аниқ таърифи берилади. Мазкур таъриф ёнида уни эслаб қолишига хизмат қиладиган содда мисоллар келтирилади. Анъанавий ёдлаш услубига асосланган араб тили грамматикасини ўзлаштиришда қоидани ёдлаш ва мисол билан мустаҳкамлашнинг жуда пухта услуби ўрта аср грамматик олимларининг барча асарларида кескин фарқ қилмайдиган айрим жузвий ўзгаришлар билан келтирилган.

Араб тилидаги келишиклар исм бобининг асосий мавзуларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бош келишикдаги исмларни муаллиф иккига "асл бош келишикдаги исмлар" ва "аслига ўхшаш бош келишикдаги исмлар"га бўлиб изоҳлайди. "Аслига ўхшаш бош келишикдаги исмлар" араб тилидаги мавзуга оид ҳолатларнинг асосийларини ўз ичига олган беш гуруҳда баён этилади. Улар "эга ва кесим", "бўлмоқ феъли билан ифодаланган жумлаларда эга", "таъкид маъносидаги жумлаларда кесим", "инкор юкламасидан кейинги кесим", "инкор маъносидаги жумлада эга" билан боғлиқ ҳолатлар ёритилган.

Тушум келишиги материаллари бош келишик каби “асл тушум келишикдаги исмлар” ва “аслига ўхшаш тушум келишикдаги исмлар” шаклида берилган. “Асл тушум келишикдаги исмлар” беш хил грамматик ҳолат, “аслига ўхшаш тушум келишикдаги исмлар” еттита грамматик қоида асосида изоҳланган.

Қаратқич келиши грамматик қоидалари араб тилига хос бўлган изофа ҳолати билан ёритилган. Шунингдек, мазкур бобда “тобеъ сўзлар”, “турланмайдиган сўзлар”, олмошлар, сон категорияси ва турлари, масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари билан боғлиқ грамматик қоидалар келтирилган.

Рисоланинг иккинчи боби араб тилидаги асосий сўз туркуми феълларга бағишланган. Феъллар асарда ўнта фаслга бўлиб изоҳланган. Улар – “ўтган замон”, “ҳозирги-келаси замон”, “бўйруқ майли”, “ўтимли ва ўтимсиз”, “мажҳул даража”, “ёрдамчи феъллар”, “олқиш ва қарғиш феъллари”, “таъажжуб феъллари” каби грамматик категорияларда ёритилган.

Асарнинг учинчи бобида араб тилидаги ҳарфлар – ёрдамчи сўз туркуми ёритилган. Мазкур сўз туркуми араб грамматикасидаги ёйиқ қоидаларни ўзига жамлайди. Жумладан, Маҳмуд Замахшарий “*Муқаддамату-л-адаб*” асарининг “*Ҳуруф*” қисмида араб тилидаги барча ёрдамчи сўзларни 10 гуруҳга жамлаб изоҳлаган. “*Унмузаж фи-н-наҳв*” да ҳарф сўз туркуми 23 фаслга бўлиб тушунтирилган. Бобда исмлар билан қўлланиладиган предлоглар, феълларга ўхшаган юкламалар, боғловчилар, инкор, огоҳлантирувчи, ундов, тасдиқ, истисно, хитоб, боғловчи, изоҳ каби юкламаларнинг кенг қамровли гуруҳи батафсил илмий таҳлил қилинган.

Маҳмуд Замахшарийнинг “*Унмузаж фи-н-наҳв*” рисоласи грамматик материалнинг содда ва тушунарлилиги, кенг китобхонлар учун осон ўрганилиш услубида эканлиги, грамматик қоидаларнинг кўплаб мисоллар билан тўлдирилганлиги шу туркумдаги грамматик асарлардан фарқланиб турган. Асарнинг таълим тизимида араб тилини ўқитиш учун қулайлиги унинг турли даврларда ва ҳудудларда

кўплаб қўлёзмалар шаклида кўчирилганлигини кўрсатади. "*Унмузаж фи-н-наҳв*" асарининг ҳар томонлама таълим тизимига мослиги нафақат Марказий Осиёда балки ёндош ҳудуддаги мамлакатлар мадрасаларида араб тилини ўргатиш бўйича асосий қўлланма сифатида шуҳрат топишига туртки бўлди. Асарнинг қўлёзмалари Миср, Туркия, Германия, Россия, Ўзбекистон фондларида сақланади. Асарнинг илмий аҳамияти унга ўз даврида ва кейинчалик ҳам кўплаб тилшунос олимлар томонидан шарҳ ва ҳошияларнинг ёзилишига олиб келди. Муҳаммад ибн Абдулғоний Ардабилий (ваф. 1036/1262) шарҳи жуда машҳур, шунингдек, Али ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад Зайнуларабнинг шарҳи, Саъдуддин Бурдаийнинг *"Ҳадоиқу-л-ҳақоиқ"*, Зиёуддин Маккийнинг *"Ниқояту-н-наҳв фи илми-л-иъроб"*, Иброҳим ибн Саид Хасусийнинг *"Умдату-с-сарий"*, Муҳаммад Исо Аскарнинг *"Фирузаж"* номли шарҳлари мавжуд. Муаллифлари кўрсатилмаган асарга ёзилган бир қатор шарҳлар аниқланган.

Асар 1867 йил Германияда, 1289/1872 йил Қоҳирада, 1298/1880, 1299/1881 йиллар Истанбулда, 1884 йил Теҳронда, 1901 йил Қозонда нашр этилган.

4. *“МУФИД ФИ-Т-ТАСРИФ”* – “ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУСЛАНИШИГА ОИД ФОЙДАЛИ МАНБА”

Маҳмуд Замахшарийнинг “*Муфид фи-т-тасриф*” – “Феъларнинг тусланишига оид фойдали манба” рисоласи муаллифнинг морфологияга оид янги топилган асари саналади. Ушбу рисола ҳақидаги маълумотлар Маҳмуд Замахшарийнинг таржимаи ҳолларини ёзган олимларнинг асарларида, энциклопедик манбаларда ҳам зикр этилмаган. Тилшунос олим Музҳирий (ваф. 727/1327) ўзининг “*Мукмил фи шарҳи-л-Муфассал*” номли китобида Замахшарийнинг “*Муфид фи-т-тасриф*” асаридан бир неча иқтибослар келтирган.

Маҳмуд Замахшарийнинг буюк тилшунос олим сифатидаги маҳорати шундаки, у ўзининг араб тили грамматикасига оид ўта мукаммал ва мураккаб фундаментал “*Муфассал фи санъати-л-иъроб*” асари билан бирга жуда содда, тушунилиши осон “*Унмузаж фи-н-наҳв*”, “*Муфид фи-т-тасриф*” каби рисолаларини моҳирлик билан ярата олган. Мазкур грамматик асарлар ўз китобхонлари ва фойдаланувчиларининг талаби ва савиясига ўта мос тушган.

Рисола *сарф* (морфология) илмининг асосий мавзуларини ўз ичига тўлалигича қамраб олган, ўқувчига тушунарли бўладиган даражада қисқа битилган. Асарда араб тилидаги феъларнинг тусланишига оид содда ва муҳим қоидалар берилган.

Муаллиф рисолага муқаддима киритмаган, асар номидан унинг мазмун моҳияти англашилган. Бу китоб сарф илми борасидаги Ибн Жиннийнинг “*Мулукий*”, Майдонийнинг “*Нузҳату-т-тараф*”, Журжонийнинг “*Мифтаҳ фи-с-сарф*” каби мухтасар асарлари йўлини тутган.

Бу китоб феъларни туслаш ҳамда феъллардан ҳосил бўлган исмларни турлаш борасида бир қанча боб ва фаслларни, уч ундошли асосий қолип шакли, тўрт ундошли асосий қолип шакли, уч ундошли асосий қолипдан ясалган ҳосила боблари, тўрт ундошли асосий қолипдан ясалган ҳосила боблари, туслашдаги мезонлар, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, ўзакнинг 2

чи ва 3 чи ундошлари бир хил бўлган - иккиланган ўзак, иккита бир хил бўғин такрорланиши орқали ясаладиган иккиланган феъллар, ўзагида ҳамза бўлган феълларнинг тусланишига оид баъзи қоидаларни ўз ичига олган.

Сўнг муаллиф феълни беш қисмга бўлган: ўтган, ҳозирги келаси, буйруқ ҳамда ҳайрат ва таажжубни ифодалашнинг икки шакли. Шунингдек, ўтган замон, ҳозирги келаси замон, амр феълларини аниқ ва мажҳул даражаларга ажратилиши, тўғри, иллатли ҳолатларда тусланиш масалаларини ёритган. Таажжуб феъли тусланмайдиган ўзгармас феъл бўлгани учун уни туслаш масалаларини келтирмаган. Лекин, таажжуб феълининг шартлари ҳамда бу феъллардан таажжуб феълини ясаш шартларини жуда ҳам енгил услуб билан ёритган. Китоб феъллардан ясаладиган исмларни ҳам ўз ичига олган, улар: масдар (ҳаракат номи), аниқ даража сифатдоши, орттирма даража сифати, *мим*ли масдар ҳамда замон ва макон номларини ёритувчи мавзулар билан якунланади.

Маҳмуд Замахшарий китобнинг бошидан то охиригача бир хил услубни тутган. Аввало, феъл таърифини ва унга мисол, сўнг унинг классификациясини келтиради. Сўнг унинг шахс қўшимчаларини қабул қилиши ҳамда эга ва воситасиз тўлдирувчини бошқаришига оид қоидаларни келтиради. Феъл ўзаги тўғри, иллатли ва иккиланган шаклда бўлган ҳолатлардаги фонетик ўзгаришлар бўлиши мисоллар асосида тушунтирилган. Бу феълларнинг 1, 2 ва 3 шахс музаккар ва муаннас жинсларининг бирлик, иккилик ва кўплик шаклларини ҳосил қилувчи шахс сон қўшимчаларининг бирикиш қоидаларини ёритиб берган.

Замахшарий ўтган замон, ҳозирги келаси замон ва буйруқ майлини тушунтиришда ҳам айнан шу услубни қўллаган. Шунингдек, бу феълларнинг ўзак ҳарфлари иллатли ҳарф бўлган ҳолатида ҳам бир хил йўлни тутганини кўриш мумкин. Бунда муаллиф бундай феълларни уч қисмга бўлади: биринчи ўзак ундоши иллатли ҳарф бўлган- тўғрига ўхшаш, иккинчи ўзак ундоши иллатли ҳарф бўлган (*ажваф*), учинчи ўзак ундоши иллатли ҳарф бўлган (*ноқис*).

Эга вазифасини бажарувчи ҳозирги келаси замон феълининг мавзусида ажваф ҳамда ноқислар феъл турларининг

истилоҳларини келтирган, лекин тўғрига ўхшаш феълларнинг истилоҳини келтирмаган. Шунингдек, эга вазифасини бажарувчи ўтган замон феълига олмошларнинг қўшилишида биринчи ўзак ундоши иллатли бўлганнинг масаласини ҳам келтирмаган. Муаллифнинг бу китобида равшан кўринган услубларидан яна бири шуки, у аввало уч ундошли асосий қолип шаклларини келтириб, сўнг унга тааллуқли ҳосила боблари ва тўрт ўзакли феълларни зикр қилган.

Феълларга қўшиладиган исмларга келадиган бўлсак, масдар, исми фоил, исми мафъулларда рисола бошида қўлланган услубга ўхшаш йўлни тутади. Аввало бу исмларнинг уч ўзакли феълдан олинадиган шаклини келтиради, ундан кейин бошқа шаклларнинг ясалиш йўлларига ўтади.

Замахшарийнинг тутган услубларидан шу кўринадики, у "*Муфассал*" номли китобида тутганидек, қатъий, тақсимот қилиш ҳамда дақиқ услуб тутмаган. Бу китобда "боб, фасл" сўзларини ўз ўрнида ишлатишга эътибор қаратмаган, яъни китоб бошида боблар, фасллар, мавзуларни зикр қилмаган. Балки, мавзу ўрнига, уч ундош ўзак ҳарфдан иборат феълларнинг бобларини зикр қилиб кетган.

Асарнинг аниқланган ягона нусхаси Эроннинг Қум шаҳридаги Маръаший кутубхонасида 4047 рақам остида сақланади. Унинг электрон нусхаси БАА даги "Жамъатул-Мажид" марказида 256267 рақам билан рўйхатга олинган. Қўлёзманинг дастлабки ва охирги саҳифаларига Маръаший матбаасининг "Буюк Оятуллоҳ Маръаший Нажафийнинг Қум шаҳридаги умумий кутубхонаси" мазмунидаги муҳри босилган.

Бу қўлёзма насх хати билан ёзилган. Матндаги аксарият сўзларнинг ҳаракатлари берилган. Қўлёзма 653/1255 йил китобат қилинган. Маълумки, Маҳмуд Замахшарий умрининг охирида ўз юрти Хоразмга қайтиб келади ва 538 йил зу-л-ҳижжа ойи, яъни 1144 йил июнь ойи арафасида 69 ёшида Урганчда вафот этади. Демак ушбу нодир манба олим вафотидан 11 йил кейин китобат қилинган.

Қўлёзма аввалги саҳифасининг юқори қисмида шеърий байтлар битилган. Ниҳоясида эса китобнинг номи зикр қилинган. Иккинчи саҳифанинг юқори қисмида китобнинг номи ҳамда муаллифнинг исми зикр қилинади. Сўнг бу нусха

29242
AXBOROT-RESURS MARKAZI

сақланган китоблар мажмуаси эгасининг исми ҳам зикр қилинган, унда: "*Муфид фи-т-тасриф*" китоби шайх, буюк имом, олим, муфассир, фозил, жоруллоҳ, аллома, Хоразм фахри Маҳмуд ибн Умар Замахшарий раҳимаҳуллоҳнинг асарларидан биридир. Котиб Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ".

Асар: "Бисмиллаҳир роҳманир раҳим. Аллоҳим яхшиликни тугал қилиб бергин. Барча ҳамдлар оламларнинг Рабби Аллоҳга, саловотлар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га ва оила-аҳлининг барчаларига бўлсин. Имом, аллома, Хоразм фахри, жоруллоҳ, аллома, дин устози Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий айтадилар..." жумлалари билан бошланган.

Қўлёзма "Масжид, матлиъ, мансик, манбит, мафрик, масқит, мажзир, маҳшир, машрик, мағриб – шоз(кам учрайдиган эъроб)дир. Қиёсга кўра "фатҳа" билан бўлади, чунки у "яфъулу" бобидан. Аллоҳ билувчироқ, жумласи билан тугайди.

Китоб Аллоҳнинг иноятн ва гўзал тавфиқи ила Аллоҳ таолонинг раҳматини умид қилган Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг қўли билан 653/1255 йилнинг рабиъу-л-охар ойида якунига етди" мазмунидаги маълумот билан якунланган.

Аллома Маҳмуд Замахшарийнинг "*Муфид фи-т-тасриф*" асари морфологияга оид янги топилган манба саналади. Унда олим араб тили қонун-қоидаларини жуда тушунарли услуб билан изоҳлаб берган. Манбашунослик анъаналарига кўра оддий халқ севиб ўқиган ва эл орасида кенг тарқалган асарлар котиблар томонидан кўплаб нусхаларда китобат қилинган. Лекин Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб ушбу асарнинг Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар фондларида бирорта қўлёзмаси учрамади. Бу ҳолат дунё замахшарийшунослари олдида ўрганилиши зарур бўлган кўплаб илмий масалалар мавжудлигига ишора қилади.

5. *“МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ”* – “АДАБ ИЛМИГА КИРИШ”

Маҳмуд Замахшарий тахминан 1137 йили ўзининг ушбу машҳур асарини Хоразмшоҳ Муҳаммад Нуштегиннинг ўғли Отсизнинг буйруғи билан яратади[1]. *“Муқаддамату-л-адаб”* мураккаб тузилишга эга бўлиб, муқаддима, исмлар, феъллар, ҳарфлар (ёрдамчи сўзлар), исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши қисмларидан иборат. *“Муқаддамату-л-адаб”* фанимизда луғат номи билан ҳам машҳур, чунки асарнинг исмлар, феъллар қисмлари луғат тарзида тузилган ва қолган қисмларга нисбатан ҳажман катта бўлган. Асарнинг қолган қисмлари араб тили грамматикасига бағишланган бўлиб, юзлаб нусхаларда кўчирилган, лекин уларда муаллиф, асарнинг номи ҳақида маълумот берилмаган. Шу сабабли, улар айнан *“Муқаддамату-л-адаб”*нинг қисмлари эканлиги тўғрисида фикр юритилмаган. Бу қисмлар кўплаб грамматик мажмуалар таркибига киритилган ва қисмнинг асардаги номи билан эмас, балки қисмнинг бошланишидаги жумла номи билан аталган. Исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисм تصريف الاسماء – *тасри:фу-л-асма:* деб эмас, балки жумланинг бошланишида келган ибора билан, яъни حركات الاعراب *ҳарака:ту-л-иъра:б* деб шартли номланган. Халқ орасида бу қисм айнан *ҳарака:ту-л-иъра:б* номи билан машҳур бўлган. *“Муқаддамату-л-адаб”*нинг бу қисмлари ҳали махсус ўрганилган эмас.

Маҳмуд Замахшарийнинг *“Муқаддамату-л-адаб”* асари қисқа муқаддима билан бошланади. Олимнинг илмий лабораториясига хос бўлган хусусиятлардан бири унинг ўз асарларига киритган мўъжаз кириш, муқаддималаридир. Муаллифнинг аксарият асарлари, жумладан, اطواق الذهب في

[1] Хоразмшоҳлар тарихи ҳақида қаранг: Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинов. 1907-1231. – М.: Наука, 1986.

المواعظ والخطب – *Атва:қу-з-заҳаб фи-л-мава:из ва-л-хутаб* – "Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари". اساس البلاغة – *Аса:су-л-бала:ға* – "Балоғат асоси" ҳам мана шундай қисқа муқаддима билан бошланади. Маҳмуд Замахшарий адабий асарлардаги каби анъанавий узун кириш сўзларидан воз кечиб, муқаддимада асосий мақсад – асарининг ёзилиш тарихи, тузилиши ҳақида маълумотларни келтиради. Асар муқаддимасида Замахшарий араб тилининг бойлиги, уни ўрганишнинг зарурлиги тўғрисида ўз фикрларини баён этади. Шунингдек, муаллиф асарни Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсиз (1128-1156) нинг буйруғи билан унинг кутубхонаси учун махсус нусха тарзида ёзганлигини таъкидлайди. Шу сабабли, олимлар *"Муқаддамату-л-адаб"* Абулмузаффар Отсиз тахтга ўтирмасдан илгарироқ ёзилган, у билан танишган ҳукмдор асарнинг содда, равон, ўта фойдали эканлигини англаб, ўзининг кутубхонаси учун муаллиф қўли билан кўчирилган махсус нусха яратилмоғини буюрган, деган фикрни билдирадилар. Бу фикрда ҳам мантиқий мазмун бордек кўринади, чунки Замахшарийнинг ўзи *"Муқаддамату-л-адаб"* дан "бир нусха битиш ҳукми менга етти",[2] - деб ёзади.

Хоразмшоҳ Отсиз эса ўз даврининг етук, одил ҳукмдорларидан бири бўлиб, ўз саройига кўплаб машҳур олимларни, адибу шоирларни жамлаган. Уларни асраб, илмий ижодлари учун лозим шароитларни яратиб, моддий жиҳатдан таъминлаб турган. У олим, шоир, адибларга совға-саломлар юбориб, ҳолидан хабардор бўлган. Шу боис, Алоуддавла даврига келиб илм, фан, ҳунармандчилик, адаб илми ривожланган. Ўрта асрлардаги "адаб" илми сирасига эса адабиёт, фалсафа, морфология, синтаксис, мантиқ, луғатшунослик каби илмлар мажмуи кирган. Маҳмуд Замахшарийнинг ўзи асарини "Адаб илмига кириш" деб аташи ҳам бежиз бўлмаган. Шу даврга келиб, *"Муқаддамату-л-адаб"* каби қомусий асарга эҳтиёж сезилган.

[2] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзР ФА Адабиёт музейи фонди, қўлёзма №202.

Демак, *"Муқаддамату-л-адаб"* нинг муқаддимаси асарнинг илмийлигини мукаммаллаштирувчи бир қисми ҳисобланади. Унда ўша давр тарихи, Хоразмшоҳ Абулмузаффар Отсизнинг ҳукмронлик даври, унинг фаолияти, шахсияти ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

"Муқаддамату-л-адаб" нинг исмлар қисми кенг қамровли, сермазмун сўз бойлигига эга. Исмлар қисмига 6250 та сўз мақоласи киритилган. Сўзларнинг умумий сони бундан анчагина кўп. Чунки улар жумлалар шаклида изоҳланган. Асарнинг мазкур қисмидаги сўз бойлигини бошқа нодир қўлёзмалардаги сўзлик билан қиёслаш унинг мазмунан бойишига, сон жиҳатидан ортишига олиб келади. Исмлар қисмининг сўзлиги 18 боб, 78 фаслда изоҳланган. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, қиёсланаётган қўлёзмаларда боб ва фасллар сони бир хил эмас. Бу эса *"Муқаддамату-л-адаб"* нинг исмлар қисми бўйича тадқиқот ишларини давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

"Муқаддамату-л-адаб" нинг феъллар қисми юқори илмий савияда, етук асар даражасида ёзилган. Бундан Маҳмуд Замахшарийнинг араб тилини ўта мукаммал билганлиги яққол кўриниб турибди. Муаллиф араб тилидаги мавжуд барча феъл боблари, улардаги ҳамма ички ўзгаришлар ҳақида маълумотга эга бўлган. Бу эса феъллар қисмида яққол ўз аксини топган. Асарнинг феъллар қисмидаги сўз мақолалари фақатгина феъллардан иборат эмас. Унинг таркибига феъллардан ясалган исмлар, яъни масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари ҳам киритилган. Маҳмуд Замахшарийнинг муваффақияти шундаки, у аксарият феъл мақолаларини бирикма, жумла таркибида келтирган. Бу илмий маҳорат у ёки бу феъл мақоласининг маъносини аниқ ва далил билан изоҳлашга имкон беради. Феъллар қисмига жами 6934 та феъл мақоласи, 1716 та масдар, сифатдош кўриниши жамланган. Феъл мақолалари жумла таркибида берилганлиги сабабли, туркий муодилларнинг сони юқорида кўрсатилган сўз мақолалари сонидан анча фарқли. Асарнинг феъллар қисми унинг биринчи

– исмлар қисмини мантиқан тўлдиради, унинг сўз бойлигини маънавий ранг-баранг қилади ва бойитади.

*"Муқаддамату-л-адаб"*нинг учинчи қисми ҳарфлар-ёрдамчи сўзларга бағишланган. Унда соф араб тили грамматикаси, араб адабий тилидаги юклама, боғловчи, кўмакчилар ҳақида маълумот берилади. Асарнинг бу қисми ўзига хос мукаммалликда яратилган. У мустақил асар сифатида грамматик мажмуалар таркибига киритилган. Ҳарфлар қисми саккиз фаслдан иборат.

Маҳмуд Замахшарий араб тилида истеъмолда бўлган барча ёрдамчи сўзлар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилган.

Асарда келтирилган грамматик ҳолат қисқа, илмий жиҳатдан пухта хулоса-қоида тарзида берилиб, содда, тушунарли мисоллар билан тўлдирилган. Бу эса мазкур қисмнинг давр ўтиши билан мустақил асар сифатида кўплаб кўчирилиб, тарқалишига сабаб бўлган. Муаллиф ҳарфлар қисмида изоҳлаган ёрдамчи сўзларнинг барчаси ҳозирги араб адабий тилида қўлланилмоқда[3]. Демак, *"Муқаддамату-л-адаб"* нинг ҳарфларга бағишланган қисми ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Асардан ҳозирги кунда ҳам араб тилини ўқитиш учун асосий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

"Муқаддамату-л-адаб" нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисмида араб тилидаги исм туркумига кирувчи барча сўзларга оид грамматик ҳолатлар изоҳланган.

Бу қисм араб адабий тилида исмларнинг турланишига бағишланган. Унда гапда турли грамматик ҳолатлар таъсири остида исмларнинг охирида юз берадиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар изоҳланади. Улар араб тилидаги бош келишик (ألرفع – *ар-рафъ*), қаратқич келишиги (ألجر – *ал-жарр*), тушум келишиги (ألنصب – *ан-насб*) ҳолатларида намоён бўлади.

Мазкур қисм араб тили грамматикасининг қийин соҳаларидан бирига бағишланганлиги сабабли, зарур манба сифатида, алоҳида кўринишда жуда кўплаб нусхаларда

[3] Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М.: 1963. 393-429 с.

кўчирилган. У халқ орасида асарнинг бошланиш жумласи, яъни حركات الاعراب – ҳарака:ту-л-иъра:б номи билан танилган. Қўлёзмаларда унинг асл номи кўрсатилган эмас. Демак, *"Муқаддамату-л-адаб"* нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисми вақт ўтиши билан ўзининг мукаммаллиги, илмий пухталиги сабабли, тугал асар даражасига етиб борган ва кенг шуҳрат топган.

"Муқаддамату-л-адаб" нинг бешинчи қисми араб тили грамматикасининг энг муҳим мавзуси – феълларнинг тусланишига бағишланган. Араб тилидаги феъл сўз туркуми, феълларнинг тусланиши араб тили грамматикасининг асосини ташкил этади. Феълларнинг тусланишига бағишланган қисм барча қўлёзмаларда *бисмилло* билан бошланади. Мазкур қисм асар қўлёзмаларида турлича номланган. *"Муқаддамату-л-адаб"* нинг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги қўлёзмасида бу қисмالقسم فى تصريف الافعال – *ал-қисму фи тасрифи-л-афъа:л*, Россия ФА Шарқшунослик институти фондидаги С 291 рақамли қўлёзмада القسم فى تصرف الأفعال – *ал-қисму фи тасарруфи-л-афъа:л* деб кўрсатилган. Қисмнинг бошланишида анъанавий араб тилшунослари томонидан қабул қилинган ўзак системаси ҳақида фикр юритилади. Унга кўра, сўз ўзаги уч ҳарф ف – фа:, ع – ъайн, ل – ла:м ҳарфлари билан белгиланади. Кириш қисмида феълларнинг биринчи бобдан ўнинчи бобгача бўлган қолиплари, турли шаклдаги феълларнинг қайси бобга мансуб эканлигини аниқлаш ҳақида маълумот берилади.

*"Муқаддамату-л-адаб"*нинг феълларнинг тусланишига бағишланган қисми ҳам унинг олдинги араб тили грамматикаси қоидаларига бағишланган ҳарфлар, исмларнинг турланиши қисмлари каби мукаммал, етук илмий асар сифатида машҳур бўлган.

"Муқаддамату-л-адаб" асари устида олиб борган узоқ йиллик изланишлар натижасида унинг жаҳон фондлари бўйлаб тарқалган луғат қисмлари киритилган 70 та қўлёзма нусхалари аниқланган.

6. *“МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ”* ТАРКИБИДАГИ ГРАММАТИК ҚИСМЛАР

ҲАРФЛАР ҚИСМИ – القسم فى الحروف – *АЛ-ҚИСМ ФИ-Л-ҲУРУ:Ф*

*“Муқаддамату-л-адаб”*нинг учинчи қисми ҳарфлар – ёрдамчи сўзларга бағишланган. Унда соф араб тили грамматикаси, араб адабий тилидаги юклама, боғловчи, кўмакчилар ҳақида маълумот берилади. Асарнинг бу қисми ўзига хос мукаммалликда яратилган. У мустақил асар сифатида грамматик мажмуалар таркибига киритилган. Ҳарфлар қисми қуйидаги саккиз фаслдан иборат:

Биринчи фасл. Исмларни қаратқич келишигида бошқарувчи олд қўшимчалар (ҳарфлар) фасли – فصل فى الحروف التى تجر الاسماء – *фаслун фи-л-ҳуру: фи-л-лати: тажарру-л-‘асма:а.*

Мазкур фаслда от, сифат, сон, умуман араб тилида исм туркумига кирувчи сўз туркумларининг қаратқич (الجر – *‘ал-жарру*) келишигида келишини тақозо қилувчи олд кўмакчилар ҳақида маълумот берилган. Муаллиф бу олд кўмакчилардан ўн еттитасини санаб ўтади. Улар: ب – *би*, ت – *та*, من – *мин*, الى – *ила*, فى – *фи:*, ل – *ли*, و – *ва*, رب – *рубба*, على – *ъала:*, عن – *ъан*, ك – *ка*, مذ – *муз*, منذ – *мунзу*, حاشا – *ҳа:ша:*, خلا – *хала:*, عدا – *ъада:*.

Замахшарий ҳар бир олд кўмакчиларга улар иштирок этган икки-учтадан жумлаларни мисол тарзида келтирган. Масалан, ب – *би* олд кўмакчисига مررت بزيد – *мararту би Зайдин* – “Зайд билан ўтдим” жумласини ёки فى – *фи:* кўмакчисига المال فى الكيس – *‘ал-ма:лу фи-л-ки:си* – “мол қопда” жумласини мисол тарзида берган. Муаллиф фаслда грамматик қоидани қисқача шарҳлаб, уларни мисол-жумлалар ёрдамида мустаҳкамлайди.

Иккинчи фасл. Исмларнинг тушум (ألنصب – *‘ан-насбу*) келишигида келишини тақозо қилувчи ҳарфлар фасли فصل فى الحروف التى تنصب الاسماء – *фаслун фи-л-ҳуру:фи-л-лати тансибу-л-‘асма:а.* Муаллиф исмларнинг тушум келишигида келишини талаб қилувчи еттита юкламани келтиради. Улар الا – *илла:*, يا – *йа:*, هيا – *ҳайа:*, اى – *ай*, ألهمزة – *‘ал – ҳамзату*, تا – *та:*, واو – *ва:в* юкламаларидан иборат.

Келтирилган мисолларнинг барчасида грамматик қоидани аниқ кўрсатиш мақсадида тушум келишигида келиши лозим бўлган сўзлар ҳаракатлари билан берилган.

Учинчи фасл. Исмни тушум келишигида (ألنصب – *‘ан-насбу*) ва кесимни бош (ألرفع – *‘ар-рафъу*) келишикда бошқарувчи юкламалар фасли ألفصل فى الحروف التى تنصب الاسم وترفع الخبر – *‘ал-фаслу фи-л-ҳуру:фи-л-лати: тансибу-л-‘исма:а ва тарфаъу-л-хабара.* Фаслда мазкур гуруҳга кирувчи ان – *‘инна*, أن – *‘анна*, كأن – *ка’анна*, لكن – *лакинна*, ليت – *лайта*, لعل – *лаъалла* юкламалари изоҳланган.

Грамматик қоидалар мисоллар билан мустаҳкамлангандан сўнг фасл охирида юқоридаги юкламаларнинг انى – *‘инни:*, اننى – *‘иннани:*, انا – *‘инна:*, اننا – *‘иннана:*, كانى – *ка’анни:*, كأننى – *ка’аннани:*, كأنا – *ка’анна:*, كأننا – *ка’аннана:*, لكنى – *лакинни:*, لكننى – *лакиннани:*, لكنا – *лакинна:*, لكننا – *лакиннана:*, ليتنى – *лайтани:*, ليتنا – *лайтана:*, لعلى – *лаъалли:*, لعلنا – *лаъаллана:* кўринишидаги ҳосила шакллари берилган.

Тўртинчи фасл. Исмни бош келишикда, кесимни тушум келишигида бошқарувчи икки юклама фасли فصل حرفان يرفعان الاسم وينصبان الخبر – *фаслу ҳарфа:ни йарфаъа:ни-л-‘исма ва йансиба:ни-л-хабара.*

Фаслда эгани бош келишикда, кесимни тушум келишигида бошқарувчи لا – *ла:*, ما – *ма:* юкламалари изоҳланган.

Бешинчи фасл. Ҳозирги-келаси замон (المضارع – *‘ал-муда:риъу*) феълини тушум келишигида бошқарувчи

юкламалар фасли فصل فى الحروف التى تنصب المضارع – *фаслун фи-л-ҳуру:фи-л-лати: тансибу-л-муда:риъа.*

Бу юкламалар феълларнинг истак майли шаклида келишини тақозо қилади. Улар أن – *‘ан*, لن – *лан*, اذن – *‘изан*, كى – *кай* юкламаларидир. Фаслда буларнинг барчасига кўплаб мисоллар келтирилган.

Олтинчи фасл. Феълни шарт (ألجزم – *‘ал-жазму*) майлида бошқарувчи юкламалар фасли فصل فى الحروف التى تجزم الفعل – *фаслун фи-л-ҳуру:фи-л-лати: тажзиму-л-феъла.*

Бу фаслга لم – *лам*, لما – *ламма:*, ل – *ли*, أن – *‘ан*, لا – *ла:* юкламалари киритилган.

Еттинчи фасл. Боғловчи юкламалар фасли فصل فى حروف العطف – *фаслун фи ҳуру:фи-л-ъатфи.*

Мазкур фаслда гапда уюшиб келган бўлакларни расмийлаштирувчи тўққизта юклама ҳақида маълумот берилади. Улар: و – *ва*, ف – *фа*, أو – *‘ав*, أم – *‘ам*, ثم – *сумма*, لا – *ла:*, بل – *бал*, حتى – *ҳатта:*, لكن – *лакин* юкламаларидир.

Саккизинчи фасл. Ўзгариш ясамайдиган юкламалар фасли. فصل فى الحروف غير عاملة – *фаслун фи-л-ҳуру:фи ғайру ъа:милатин.*

Бу фаслда исмлар билан келиб, уларнинг келишигига таъсир этмайдиган, феълларнинг шаклларини ўзгартирмайдиган لو – *лав*, لولا – *лав ла:*, قد – *қад*, س – *са*, سوف – *савфа*, هل – *ҳал*, أم – *‘ам*, أ – *‘а*, نعم – *наъам*, أجل – *‘ажал*, بلى – *бала:*, أى – *‘ай*, الا – *‘илла:*, أما – *‘амма:*, اما – *‘имма:*, أما – *‘ама:* юкламалари изоҳланган.

Маҳмуд Замахшарий араб тилида истеъмолда бўлган барча ёрдамчи сўзлар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилган.

Асарда келтирилган грамматик ҳолат қисқа, илмий жиҳатдан пухта хулоса-қоида тарзида берилиб, содда, тушунарли мисоллар билан тўлдирилган. Бу эса мазкур қисмнинг давр ўтиши билан мустақил асар сифатида кўплаб кўчирилиб, тарқалишига сабаб бўлган. Муаллиф ҳарфлар қисмида изоҳлаган ёрдамчи сўзларнинг барчаси ҳозирги араб

адабий тилида қўлланилмоқда. Демак, *"Муқаддамату-л-адаб"* нинг ҳарфларга бағишланган қисми ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Асардан ҳозирги кунда ҳар араб тилини ўқитиш учун асосий манба сифатида фойдаланиш мумкин.



7. ҲАРФЛАР ҚИСМИ. ТАРЖИМА

Исмларни қаратқич келишигида келишини талаб қиладиган ҳарфлар фасли

مررت بزيد – *мararту би Зайдин* – “Зайднинг олдидан ўтдим”.

بالله لأفعلن – *би-Лла:ҳи ла’афъаланна* – “Аллоҳга қасамки, албатта, қиламан”.

والله لأضربن – *ва- Алла:ҳи ла’адрибанна* – “Аллоҳга қасамки, албатта, ураман”.

تالله لأكيدن – *та-Алла:ҳи ла’акиданна* – “Аллоҳга қасамки, албатта, ҳийла қиламан”.

خرجت من البصرة – *харажту мина-л-Басрати* – “Басрадан чиқдим”.

سرت الي الكوفة – *сиртu ‘ила-л- Куфати* – “Куфага юрдим”.

زيد في الدار – *Зайдун фи-д-да:ри* – “Зайд ҳовлида”.

المال في الكيس – *ал-ма:лу фи-л-ки:си* – “Мол қоп (халта)дадир”.

المال لزيد – *‘ал-ма:лу ли Зайдин* – “Мол Зайдникидир”.

الجد للفرس – *‘ал-жидду лил-фараси* – “Қаттиқ ҳаракат қилиш от учун хос”.

هو ابن له و أخ له – *ҳува ‘ибнун лаҳу ва ‘ахун лаҳу* – “У унинг ўғли ва унинг биродаридир”.

رب رجل لقيته – *рубба ражулин лақайтуҳу* – “Баъзан мен учратган киши”.

ربت رجل و تقول ربما خرجت – *руббата ражулун ва тақулу руббама: харажту – баъзан киши ва яна* ربما خرجت – *руббама харажту* – “Эҳтимол чиқдим”.

زيد علي السطح – *Зайдун ъала:-с-сатҳи* – “Зайд том (текис жой)дадир”.

المال علي زيد – *‘ал-ма:лу ъла: Зайдин* – “Мол Зайднинг зиммасидадир”.

تبحر في الأدب علي سغر سنه – *табаххара фи-л-адаби ъала: сиғари синниҳи* – “Ёшлик чоғида одобни яхши ўрганди”.

رميت من القوس – *рамайту мина-л-қавси* – “Камондан отдим”.

سمعت عن الغائب كذا – *самиъту ъани-л-ға:иби каза:* – “Йўқ (киши) ҳақида шундай эшитдим”.

أخذت عنه المال – *‘ахазту ъанҳу-л-ма:ла* – “Ундан молни қабул қилдим”.

زيد كعمرو – *Зайдун ка Амрин* – “ Зайд Амр сингаридир”.

ما رأيته مذ يوم الجمعة و منذ يوم الجمعة – *ма: ра’айтуҳу муз явми-л-жумъати ва мунзу явми-л-жумъати* – “Жума кундан бери уни кўрганим йўқ”.

تقول مذ ثلاثة أيام و منذ ثلاثة أيام – *тақу:лу муз сала:сати аййа:мин ва мунзу сала:сати аййа:мин* – “Яна “уч кундан бери” ҳам деб айтасан”.

سرت حتي الصباح – *сирту ҳатта:-с-саба:ҳи-* “Тонгача юрдим”.

أساء القوم حاشا زيد – *‘аса:а-л-қавму ҳа:ша: Зайдин* – “Зайддан бошқа қавм (ҳамма) ёмонлик қилди”.

جاؤوا خلا زيد وعدا زيد – *жа:у: хала: Зайдин ва ъада: Зайдин* – “Зайддан бошқа (кишилар) келдилар”.

وتقول خلا زيدا وعدا زيدا وما خلا زيدا وما عدا زيدا – *ва тақу:лу хала: Зайдан- ъада: Зайдан- ма: хала: Зайдан - ма: ъада: Зайдан* – “Зайддан бошқа деб ҳам айтасан”.

Исмларни (шаклан) тушум келишигида келишини талаб қиладиган ҳарфлар фасли

جاء القوم إلا زيدا – *жа:’а-л-қавму илла: Зайдан* – “Зайддан бошқа қавм (ҳамма) келди”.

وتقول جاءني أحد إلا زيد و إلا زيدا – *ва тақу:лу жа:'ани: 'аҳадун илла: Зайдун ва илла: Зайдан* – "Олдимга кимдир келди. Фақат Зайд эмас, деб ҳам айтасан".

ما رأيت أحدا إلا زيدا – *ма: ра'айту 'аҳадан илла: Зайдан* – "Зайддан бошқа бирор кишини кўрмадим".

ما مررت بأحد إلا زيد و إلا زيدا – *ма: мararту би'аҳадин илла: Зайдун ва илла: Зайдан* – "Зайддан бошқа бирор кишининг олдидан ўтмадим".

ما مررت إلا بزيد – *ма: мararту илла: би Зайдин* – "Фақат Зайднинг олдидан ўтдим".

يا عبد الله – *йа: Абдаллоҳи* – "Эй Аллоҳнинг бандаси (ёки Эй Абдуллоҳ)!"

يا رجلا خذ بيدي – *йа ражулан хуз бийади:* – "Ҳой киши, қўлимдан тут".

يا خيرا من زيد – *йа: хайран мин Зайдин* – "Ҳой Зайддан яхшироқ (киши)".

وا يا و هيا و اي و الهمزة بمعني ياء – *ва: йа: ва ҳайа: ва ай ва-л-ҳамзату би маъна: йа:* – "Вой, эй, ҳой маъносидаги ҳамза".

و تقول يا زيدُ و يا رجلُ – *ва тақу:лу йа: Зайду ва йа: ражулу* – "Эй Зайд ва эй киши дейсан".

استوي الماء و الخشبةَ – *'истава:-л-ма:'у ва-л-хашабу* – "Сув ёғоч билан тенглашди".

جاء النور و الطيالسة – *жа:'а-н-нуру ва-т-тайалисату* – "Нур пештоқ бўйлаб келди".

Исмларни (шаклан) тушум келишигида ва хабарни бош келишикда келишини талаб қиладиган ҳарфлар фасли

Улар олтитадир:

إن زيدا منطلق – *'инна: Зайдан мунталиқун* – "Албатта Зайд кетяпти".

بلغني أن زيدا ذاهب – *балағани: 'анна Зайдан за:ҳибун* – "Менга Зайднинг кетаётганлиги хабари келди".

كأن زيدا الأسد – *ка'анна Зайдан 'ал-асаду* – "Зайд гўё шердек".

ما جاءني زيد لكن عمرا حاضر – *ма: жа:'ани: Зайдун ла:кин Амран ҳа:дирун* – "Менинг олдимга Зайд келмади, лекин Амр келди".

ليت زيدا خارج – *лайта Зайдан ха:рижун* – "Кошки Зайд чиқса".

لعل عمرا حاضر – *лаъалла Амран ҳа:дирун* – "Шояд Амр келса".

Агар унга ما – *ма: қўшилиб келса, исмлар бош келишикда келади:*

إنما زيد منطلق – *'иннама: Зайдун мунталиқун* – "Албатта, Зайд кетяпти".

إنما الله إله واحد – *'иннама: Алла:ҳу ила:ҳун ва:ҳидун* – "Албатта, Аллоҳ биттадир".

Қолганлари ҳам шундай.

و تقول إني و إنني و إنا و إننا وكأني وكأنني وكأنا و وكأننا و لكني و لكنني و لكنا و لكننا و ليتني و ليتنا و لعلي و لعلني و لعلنا – *ва тақу:лу инни: ва иннани: ва инна: ва иннана: ва ка'анни: ва ка'аннани: ва ка'анна: ва ка'аннана: ва лакинни: ва лакиннани: ва лакинна: ва лакиннана: ва лайтани: ва лайтана: ва лаъалли: ва лаъаллани: ва лаъаллана:* яна (қуйидаги кўринишларда) айтасан.

Ҳозирги – келаси замон феълини (шаклан)тушум келишигида келишини талаб қиладиган ҳарфлар фасли

Ушбу ҳарфлар тўрттадир: أنْ، لن، إذنْ، كيْ،

أحب أن تقوم – "*уҳиббу ан тақу:ма*" – "Туришингни яхши кўраман"

أنْ юкламаси бешта ҳарфдан кейин туширилиб қолдирилади:

قد ركب الأمير – *қад ракиба-л-амиру* – “Амир ҳақиқатан минди”.

إن الكذوب قد يصدق – *‘инна-л-казу:бу қад йасдуқу* – “Албатта ёлғончи гоҳида рост гапиради”.

سيكتب وسوف يكتب – *сайактубу ва савфа йактубу* – “Ёзади”.

كلا هل حضر – *калла: ҳал ҳадара* – “Йўқ (асло). (У)келдими?”

أ زيد عندك أم عمرو – *а Зайдун ъиндака ам Амру* – “ Олдингдаги Зайдми ёки Амрми?”

هلا ضربت – *ҳала: дарабта?* – “Урмадингми?”

ألا ضربت – *а ла: дарабта?* – Урмадингми?

يقال أقام زيد فتقول نعم و أجل – *йуқа:лу ‘ақа:ма Зайдун фа тақулу наъам ва ‘ажал* – “Зайд турдими дейилса, “نعم” ҳа, “أجل” ҳа дейсан”.

إذا قيل ألم يقم زيد قلت بلى – *‘изан қи:ла а лам йақум Зайдун қулта бала:* – “Агар Зайд турмадими дейилса, “بلى” ҳа(турди) дейсан”.

إذا قيل لك هل تعرف كذا قلت اي والله إن عرفته وإن لم تعرفه قلت لا والله – *иза қи:ла лака ҳал таърифу каза: қулта ай ва-Алла:ҳи ин ъарафтаҳу ва ин лам таърифҳу қулта ла: ва-Алла:ҳи* – “Агар сенг “шунақа (нарсани) биласанми дейилса, агар билсанг Худо ҳаққи ҳа дейсан. Агар билмасанг Худо ҳаққи йўқ дейсан”

جاءني أخوك اي زيد – *жа:’ани: ‘аху:ка ай Зайдун* – “Олдимга аканг, яъни Зайд келди”.

رأيت أخاك اي زيدا – *ра’айту ‘аха:ка ай Зайдан* – “Акангни, яъни Зайдни кўрдим”.

مررت بأخيك اي زيدٍ – *мararту би ‘ахи:ка ай Зайдин* – “Акангни, яъни Зайдни олдидан ўтдим”.

إضرب إمّا زيدا و اما عمرا – *‘идраб имма: Зайдан ва имма: Амран* – “ Ё Зайдни ё Амрни ургин”.

خذ إما ذاك و اما هذا – *хуз имма: за:ка ва имма: ҳа:за:* – “Уни ёки буни ол”.

أما عمرو فقاعد – *имма: Амрун фа қа:ъада* – “Амрга келсак, у ўтирибди”.

ألا أن زيدا فاضل – *а ла: анна Зайдан фа:дилун* – “Огоҳ бўлгинки, Зайд фозил (киши)дир”.

ألا أنهم هم الكاذبون – *а ла: аннаҳум ҳуму-л-ка:зибу:на* – “Огоҳ бўлингларки, албатта ёлғончилар ана ўшалардир”.

أما أن الحق عنده – *амма: анна-л-ҳаққа ъиндаҳу* – “Ахир ҳақиқат унинг ҳузурида эмасми?!”

أما إنه لكريم – *амма: иннаҳу лакари:мун* – “Албатта, у карим зот эмасми”.

افعل هذا اما لا – *ифъал ҳаза: имма: ла:* - “Буни қил ёки йўқ (қилма)”.



8. ҲАРФЛАР ҚИСМИ. MATH

القسم الثالث فى الحروف بسم الله الرحمن الرحيم الحمد لله رب العاليمن والصلاة والسلام محمد واله وصحبه اجمعين

فصل فى الحروف التى تجر الاسماء

وهى سبعة عشر مررت بزيد بالله لافعلن والله لاضربن تالله لاكيدن خرجت من البصرة سيرت الى الكوفة زيد فى الدار المال فى الكيس المال لزيد والجل للفرس وهو ابن له واخ له رب رجل لقيته ورب رجل وربّت رجل و تقول ربما خرجت زيد على السطح والمال على زيد تبحر فى الادب على صغرسنه رميت عن القوس وسمعت عن الغائب كذا واخذت عنه المال زيد كعمر وما رايته مذ يوم الجمعة ومنذ يوم الجمعة وما رايته مذ ثلاثة ايام سهرت حتى الصباح اسآء القوم خاشا زيد جاؤا خلا زيد وعدا زيد وتقول خلا زيدا وعدا زيدا وما خلا زيدا وما عدا زيدا

فصل فى الحروف التى تنصب الاسم

وهى سبعة جاء القوم الا زيدا وتقول ما جآني احد الا زيد والا زيدا وما رايت احدا الا زيدا وما مررت باحد الا زيد والا زيدا وما جآني الا زيد وما رايت الا زيدا وما مررت الا بزيد يا عبد الله يا رجلا خذ بيدى يا خيرا من زيد وايام وحيا واى والهمزة بمعنى يا وتقول يا زيد ويا رجل استوى الماء والخشبة وجاء البرد والطياليسة

فصل فى الحروف التى تنصب الاسم وترفع الخبر

وهى ستة ان زيدا منطلق بلغني ان زيدا ذاهب كان زيدا الاسد ما جآنى زيد لكن عمروا عمروًا حاضر ليت زيدا خارج لعل عمروا حاضر فاذا اتصل بها ما ارتفع الاسمآن كقولك انما زيد منطلق انما الله اله واحد وكذا الباقي ويقول انى واننى وانا واننا وكانى وكاننى وكانا وكاننا ولكنى ولكننى ولكنا ولكننا وليتنى وليتنا ولعلنى ولعلنا

فصل حرفان ترفعان الاسم تنصبان الخبر

ما زيد خارجا وما رجلا ذاهبا لا رجل افضل منك واعلم ان ما معني ليس تدخل علي المعرفة والنكرة ولا بمعني ليس لا تدخل الا علي النكرة وتقول في نفى الجنس لا رجل فضل منك

9. ИСМЛАРНИНГ ТУРЛАНИШ ҚИСМИ – القسم فى تصريف الأسماء – *АЛ-ҚИСМ ФИ ТАСРИ:ФИ-Л-АСМА:*

Тасрифу-л-асмо қисми араб адабий тилида исмларнинг турланишига бағишланган. Унда гапда турли грамматик ҳолатлар таъсири остида исмларнинг охирида юз берадиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар изоҳланади. Улар араб тилидаги бош келишик (الرفع – *‘ар-рафъу*), қаратқич келишиги (الجر – *‘ал-жарру*), тушум келишиги (النصب – *‘ан-насбу*) ҳолатларида намоён бўлади. Исмларнинг турланишига бағишланган қисм қуйидаги фасллардан иборат.

Биринчи фасл грамматик аниқ ва ноаниқ ҳисобланган исмларга бағишланган. Унда исмлардаги аниқлик ҳамда ноаниқлик ҳолатларининг аломатлари изоҳланган.

Иккинчи фаслда аниқлик артикли ال – *али:ф ла:м* баён этилади. Унга кўра танвин ва *али:ф ла:м* бир ҳолатнинг ўзида бир исмда жамланиши мумкин эмас, исмга *али:ф ла:м* орттирилганда танвин тушиб қолади ва танвин билан *али:ф ла:м* бирга қўлланилмайди. Бу ҳолатлар мисоллар билан мустаҳкамланган.

Учинчи фаслда исмларнинг икки, уч келишикли бўлиши мисоллар ёрдамида кўрсатилган. Шунингдек, ўзгармас, турланмайдиган исмлар ҳақида ҳам маълумот берилган.

Тўртинчи фаслда *али:ф мақсура* билан тугаган исмларнинг ҳар уччала келишикда ўзгармай қолиши ҳақида маълумот берилади.

Бешинчи фасл исмлардан иккилик шаклининг ясалишига бағишланган. Унда иккилик қўшимчаси қўшилиши билан содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида фикр юритилади.

Олтинчи фасл. Бу фаслда музаккар жинсдаги исмлардан тўғри кўплик шаклининг ясалиши изоҳланган. Умуман, тўғри ҳамда синиқ кўпликнинг бир хил қолипда ясалмаслиги ҳақида сўз юритилган.

Еттинчи фасл музаккар жинс тўғри кўплик шаклидаги исмларнинг келишикларда турланишига бағишланган. Уларнинг икки келишикли бўлиши мисоллар билан кўрсатилган.

Саккизинчи фасл. Синиқ кўплик шаклига бағишланган бўлиб, унда أفعل – *афъулун*, أفعال – *‘афъа:лун*, أفعلة – *‘афъилатун*, فعلة – *фиълатун* қолипидаги сўзларнинг جمع القلة – *жамъу-л-қиллати*, яъни “кам сонли кўплик” деб аталмиш ўн ва ундан ортиқ бўлмаган нарса, буюмларнинг ҳисоби изоҳланган.

Тўққизинчи фаслда جمع القلة – *жамъу-л-қиллати* дан кўплик шаклининг ясалиши берилган ва бу ҳолат أكلب – *‘аклубун* – أكالب – *‘ака:либу* – “итлар”, أنعام – *‘анъа:мун* – أناعيم – *‘ана:ъи:му* – “ҳайвонлар” каби мисоллар билан ёритилган.

Ўнинчи фаслда исмларда иккиликни ифодалаш учун кўплик шаклидан фойдаланиш мумкинлиги, лекин бу ҳолат мазмунан иккиликни ифодалаши ёритилади. Масалан, ما أحسن رأسيهما – *ма: ‘аҳсана ра’сайҳима:* ўрнига ما أحسن رؤوسهما – *ма: ‘аҳсана ру’у:саҳума:* иборасини қўллаш мумкинлиги изоҳланган.

Ўн биринчи фаслда яккалик исмларининг ясалиши ҳақида сўз юритилади. Исмларга ة – *атун* қўшимчасини қўшиш билан бирликдаги яккалик исмлари ясалади. Масалан,

نخل – *нахлун* – “хурмо”, نخلة – *нахлатун* – “бир дона хурмо” каби.

Ўн иккинчи фасл охири *касра* ли *йа:* ёки *али:ф* билан тугаган исмлардан кўплик шаклининг ясалишига бағишланган. Уларнинг келишикларда турланиши мисоллар билан тушунтирилган. Масалан, قاض – *қа:дин*, قاضون – *қа:ду:на*, قاضين – *қа:ди:на*.

Ўн учинчи фасл. Бу фасл *изофа* га оид бўлиб, унда *изофа* нинг биринчи қисми *али:ф ла:м* олмаслиги, уч келишикдан бирида келиши, иккинчи қисм эса вазиятга қараб аниқ ёки ноаниқ келиши ҳақида фикр юритилади, мисоллар келтирилади. Шунингдек, фаслда грамматик материални тўғри

англаш мақсадида айнан грамматик нотўғри тузилган мисоллар ҳам берилган.

Ўн тўртинчи фасл иккиликдаги исмларнинг *изофа* занжирига кириши ва уларнинг таркибида рўй берадиган ўзгаришларга бағишланган.

Ўн бешинчи фаслда исмлардан *муаннас* шаклини ясаш қоидаси изоҳланган. Масалан, مسلم – *муслимун*, مسلمة – *муслиматун*.

Ўн олтинчи фасл саноқ сонларга бағишланган. Унда дастлаб ўнгача бўлган саноқ сонлар, уларнинг саналмиш билан мослашиш қоидалари, сўнгра ўн бир, ўн икки сонларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўндан ортиқ бўлган сонлар ҳақида маълумот берилади.

Ўн еттинчи фаслда *муаннас* лик белгиси бўлмаса-да, *муаннас* ҳисобланган исмлар изоҳланган. Бу фаслда шаклан *музаккар* бўлса ҳам *муаннас* ҳисобланувчи عين – *ъайнун*, شمس – *шамсун*, نار – *на:рун* каби сўзларга боғлиқ ҳолатлар кўрсатилган.

Ўн саккизинчи фасл. Унда *муаннас* жинсдаги исмлардан тўғри кўплик шаклини ясаш, уларнинг келишикларда турланиши баён этилган.

Ўн тўққизинчи фасл فعلة – *фаълатун* қолипидаги исмлардан кўплик шаклининг ясалишига бағишланган. Агар فعلة – *фаълатун* қолипидаги сўз исм бўлса, ундан кўплик ясалганда ўрта ўзакдаги сукун *фатҳа* га айланади. Масалан, ركعة – *ракъатун*, ركعات – *ракъа:тун*. Агар мазкур қолипда сифат ясалган бўлса, у ҳолда кўплик шаклида ўрта ўзакдаги *сукун* ўзгармай қолади. Масалан, ضخمة – *дахматун*, ضخمات – *дахма:тун*.

Йигирманчи фасл исмларнинг *синиқ* кўпликдаги шакли билан феълларнинг бирга ишлатилишига бағишланган. Унда изоҳланишича, агар исм *синиқ* кўплик шаклида бўлса, у билан келаётган феъл бирлик *музаккар* ёки бирлик *муаннас* жинсда қўлланиши мумкин. Масалан, جاء الرجال – *жа:‘а-р-ижа:лу,*

جاء النساء – *жа:'а-н-ниса:у* ёки جاءت الرجال – *жа:'ати-р-ржа:лу*, جاءت النساء – *жа:'ати-н-ниса:у*.

Йигирма биринчи фасл гапнинг эга ва кесимига бағишланган. Бу фаслда исмий содда гапларнинг тузилиши шарҳланади. Унга кўра, бош келишикдаги икки ёнма-ён келган исмларнинг бири атоқли, иккинчиси эса турдош от бўлса, уларнинг биринчиси эга, иккинчиси кесим вазифасида келади. Масалан, زيد ذاهب – *Зайдун за:ҳибун*, عمرو خارج – *Амр ха:ржун*.

Йигирма иккинчи фаслда от билан сифатнинг мослашиши изоҳланади. Араб тилида улар жинсда, сон, ҳолат ва келишикда мослашади. Улардан кейин келаётган мослашган аниқловчилар ўзлари боғлиқ бўлган сўз билан келишикда мослашади. Бу ҳолатлар кўп сонли мисоллар билан мустаҳкамланган: رأيت ابن زيد الكريم – *ра'айту ибна Зайдин ал-кари:ма* – Мен Зайднинг сахий ўғлини кўрдим.

Йигирма учинчи фаслда *али:ф мақсу:ра* ва *али:ф мамду:да* ли исмлар шарҳланган. *Али:ф мақсу:ра* ли исмларга حبلى – *ҳубла:*, بشرى – *бушра:*, *али:ф мамду:да* га тугаган исмларга эса حمراء – *ҳамра:'у*, صحراء – *саҳра:'у* каби мисоллар келтирилган.

Йигирма тўртинчи фасл араб тилидаги атоқли отлардан иккилик ҳамда кўплик шаклларининг ясалишига бағишланган. Унда زيد – *Зайдун*, هند – *Ҳинду* каби атоқли отлар иккилик ва кўплик шаклида *али:ф ла:м* олиши изоҳланади. Масалан, زيد – *Зайдун*, الزيدان – *'Аз-Зайда:ни*, الزيدون – *'Аз-Зайду:на*, هند – *Ҳинду*, الهندان – *'Ал-Ҳинда:ни*, الهندات – *' Ал-Ҳинда:ту*.

Йигирма бешинчи фаслга нисбий исмлар киритилган. Уларнинг сўз охирига қўшалоқ ى – *йа:* қўшиш билан ясалиши кўрсатилган. Масалан, بلد – *баладун*, بلدى – *баладиййун*, مصر – *Мисру*, مصرى – *мисриййун*. Шунингдек, муаннас жинсдаги исмлардан нисбий отлар ясалганда ة – *та мартута* нинг тушиб қолиши кўрсатилган: ألبصرة – *'ал-Басрату*, بصرى – *басриййу*, ألكوفة – *'ал-Ку:фату*, كوفى – *ку:фиййу*.

Йигирма олтинчи фасл кўплик шаклидаги нисбий исмларнинг ясаб бўлмаслиги ҳақида. Унда изоҳланишича, кўпликдаги فرائض – *фара:‘иду*, صحائف – *саҳа:‘ифу* каби сўзлардан فرائضى – *фара:‘идийю*, صحائفى – *саҳа: ‘ифийю* шаклида нисбий от ясаб бўлмайди.

Йигирма еттинчи фасл исмлардан кичрайтирма отлар ясашга бағишланган. Бунда уч ўзакли сўзлардан فعيل – *фуъайлун*, فلس – *филсун* – فليس – *фулайсун*, тўрт ўзакли сўзлардан درهم – *дирҳамун* – دريهم – *дурайҳамун*, беш ўзакли сўзлардан دينار – *ди:на:рун* – دنينير – *дунайни:ру* шаклида кичрайтирма отлар ясалиши изоҳланган.

Йигирма саккизинчи фасл кўпликдаги исмдан кичрайтирма исм ясашга доир бўлиб, агар кўпликдаги исмдан кичрайтирма исм ясаш лозим бўлса, у ҳолда бу исм бирлик ҳолатига келтирилади ва кичрайтирма исм ясалиб, кўпликка ўгирилади. Масалан, دراهم – *дара:ҳиму* – درهم – *дирҳамун* – دريهم – *дурайҳиму* – دريهمات – *дурайҳима:тун*; مساجد – *маса:жиду* – مسجد – *масжидун* – مسيجد – *мусайжиду* – مسيجدات – *мусайжида:тун*.

Йигирма тўққизинчи фасл исмларни сукун ва танвинсиз ўқиш ҳақида.

Агар исм бош ва қаратқич келишигида бўлса, уни *сукун* ли, агар исм тушум келишигида бўлса, *фатҳа* ли ўқилади. Масалан, هذا زيد – *ҳа:за: Зайдун*, مررت بزيد – *мararту би Зайдин*, رأيت زيدا – *ра’айту Зайдан*.

Ўттизинчи фасл бошланиши *васла* ли *али:ф* билан ифодаланган ўнта сўзга бағишланган. Улар: اسم – *‘исмун*, است – *‘истун*, ابن – *‘ибнун*, ابنة – *‘ибнатун*, اثنان – *‘исна:ни*, اثنتان – *‘исната:ни*, امرؤ – *‘имру’ун*, امرأة – *‘имра’атун*, أيم – *‘аймун*.

Ўттиз биринчи фасл. Мураккаб саноқ сонлар. Унда юз, минг сонларининг саналмиш билан мослашиш ҳоллари изоҳланган. Масалан, ثلاثمائة ثوب – *сала:су ми’ати савбин*, ألف درهم – *алфу дирҳамин*.

*"Муқаддамату-л-адаб"*нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисмида араб тилидаги исм туркумига кирувчи барча сўзларга оид грамматик ҳолатлар изоҳланган. Мазкур қисм араб тили грамматикасининг қийин соҳаларидан бирига бағишланганлиги сабабли зарур манба сифатида, алоҳида кўринишда жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган. У халқ орасида асарнинг бошланиш жумласи, яъни حركات الاعراب – *ҳарака:ту-л-иъра:б* номи билан танилган. Қўлёзмаларда унинг асл номи кўрсатилган эмас. Демак, *"Муқаддамату-л-адаб"* нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисми вақт ўтиши билан ўзининг мукаммаллиги, илмий пухталиги сабабли тугал асар даражасига етиб борган ва кенг шуҳрат топган.

10. ИСМЛАР ТУРЛАНИШИ ҚИСМИ.ТАРЖИМА

Келишикларнинг ҳаракатлари *рафъ, насб*, ва *жар* деб аталади. Улар турли омиллар туфайли исмларнинг охирида бўладиган ўзгаришлар саналади. Масалан, – جاءني الرجلُ – *жа:'ани-р-ражулу* – "Олдимга ўша киши келди", – رأيت الرجل – *ра'айту-р-ражула* – "Ўша кишини кўрдим", – مررت بالرجلِ – *мараrту би-р-ражули* – "Ўша кишининг олдидан ўтдим".

Мабний исмларнинг ҳаракати *дамма, фатҳа* ва *касра* деб аталади. Булар омиллар таъсир ўтказмайдиган исмларнинг ҳаракатидир. Масалан, من حيث – *мин ҳайс,* من قبل – *мин қаблу,* من بعد – *мин ба'ду,* كيف – *кайфа,* اين – *айна* امسِ – *амси,* هؤلاء – *ҳаула:и.*

Шунингдек, сўзнинг бошида ёки ўртасида келган *ҳаракат* ўзгармас ҳисобланади.

1. Фасл

Олдиндан маълум бўлган исм *маърифа* деб аталади. ال - *али:ф* ва *ла:м* ҳамда *изофа* уларнинг аломати бўлади. Масалан,

غلامك – *гула:мука* – "Сенинг хизматкоринг", فرسك – *фарасука* – "Сенинг отинг", الغلام – *'ал-гула:му* – "Бу хизматкор", الفرس – *'ал-фарасу* – "Бу от", الرجل – *ар-ражулу* – "Бу киши".

Аталмиши олдиндан маълум бўлмаган исм *накира* деб аталади. Исмларнинг ال – *али:ф ва ла:м* сиз ҳолда шунингдек, *изофа* га киришмаган шаклда келиши номаълум исм белгиси саналади. Масалан, رجلٌ – *ражулун* – "бир киши", غلامٌ – *гула:мун* – "бир хизматкор", فرسٌ – *фарасун* – "бир от".

2. Фасл.

Танви:н ва *али:ф-ла:м* бир сўзда жамъ бўлиб баробар келмайди, غلامٌ – *гула:мун* ёки رجلٌ – *ражулун* дейилади, الغلامُ – *'ал-гула:мун* деб *танви:н* билан айтилмайди.

3. Фасл.

Танви:н ва учта *ҳаракат* билан кела оладиган исм – *мунсариф* – турланадиган исмлар, дейилади. Масалан, مررت برجلٍ – *мараrту биражулин* – "Бир кишининг ёнидан ўтдим", رأيت رجلًا – *ра'айту ражулан* – "Бир кишини кўрдим", هذا رجلٌ – *ҳаза: ражулун* "Бу - кишидир".

Фақат *рафъ* ва *насб* ҳолатида келадиган *танви:н* ва *жар* ҳолатида келмайдиган ҳамда *жар* ҳолатида ҳам *насб* бўлиб келадиган исм *ғайри мунсариф* дейилади. Масалан,

رأيت احمدَ – *ра'айту 'Аҳмада* – "Аҳмадни кўрдим", أاحمدُ – *'а 'Аҳмаду* – "Аҳмадми?", مررت باحمدَ – *мараrту би 'Аҳмада* "Аҳмаднинг ёнидан ўтдим".

Уччала ҳаракат билан ҳам *танви:н* билан ҳам келмайдиган исмлар *мабний* - ўзгармас исмлар дейилади. Масалан,

امسِ – *'амси,* هؤلاء – *ҳува,* كمْ – *кам,* منْ – *ман.*

4. Фасл.

Агар сўзнинг охирида *али:ф мақсура* бўлса, унинг *эъроби* – охирги ҳаракати кўринмайди. Масалан,

مررت بالرحَى – *мараrту би-р-раҳа:* - "Тегирмоннинг олдидан ўтдим", رأيت الرحَى – *ра'айту-р-раҳа:* - "Тегирмонни кўрдим", هذا الرحَى – *ҳаза:-р-раҳа:* - "Бу тегирмон".

5. Фасл.

Агар исм иккиликка айлантирилса, охирига *али:ф* ва *касралик ну:н* қўшилади, ёки ўзидан олдинги ҳарфи *фатҳа* лик бўлган *йа:* ҳарфи ва *касра* лик *ну:н* қўшилади. Масалан,

غلامَينِ – *ғула:майни,* غلامَانِ – *ғула:ма:ни,* رجلَينِ – *ражулайни,* رجلَانِ – *ражула:ни.*

Бунда *али:ф* иккилик исмларда *рафъ* нинг аломати бўлади, *йа:* эса *насб* ва *жар*нинг аломати бўлади. هذان رجلان – *ҳаза:ни ражула:ни* - деганимиз каби, هذا رجلٌ – *ҳаза: ражулун* – "Бу кишидир", جاءنى غلامٌ – *жа:'ани: ғула:мун* – "Олдимга бир хизматкор келди", جاءنى غلامانِ – *жа:`ани: ғула:ма:ни* – "Олдимга икки хизматкор келди" дейилади.

رأيت غلامًا – *ра'айту ғула:ман* – "Бир хизматкорни кўрдим" деганимиз каби رأيت غلامَينِ – *ра'айту ғула:майни* – "Икки хизматкорни кўрдим" дейилади, مَرَرت بِغلامٍ – *мараrту биғула:мин* – "Бир хизматкорнинг ёнидан ўтдим" дейилгани каби مَرَرْت بِغلامَيْنِ – *мараrту биғула:майни* – "Икки хизматкор ёнидан ўтдим" дейилади.

6. Фасл.

Кўплик икки хил - *тўғри* ва *синиқ* кўплик шаклида бўлади.

Синиқ кўпликда шу сўзнинг бирлик шаклидаги тартиби ўзгаради. Масалан, رجل – *ражулун* сўзининг кўплиги رِجَال – *ижа:лун* бўлади.

Тўғри кўпликда сўзнинг бирлик ҳолатидаги тартиби ўзгармайди. Масалан, مسلم – *муслимун* сўзининг кўплик шакли مسلمونَ – *муслиму:на* бўлади.

7. Фасл.

Агар сўздан *тўғри* кўплик шакли ясалса, унга ўзидан аввалги ҳарфи *дамма* лик бўлган *ва:в* ҳарфи ва *фатҳа* лик *ну:н* қўшилади, ёки ўзидан аввалгиси *касра* лик бўлган *йа:* ҳарфи ва *фатҳа* лик *ну:н* қўшилади.

Бу ерда *али:ф* худди иккиликда бўлгани каби *рафъ* аломати ҳамда *йа: насб* ва *жар* аломати бўлади. Масалан,

مررت بمسلمِينَ – *мараrту би муслими:на* – "Мусулмонларнинг ёнидан ўтдим", رأيت مسلمِينَ – *ра'айту*

муслими:на – “Мусулмонларни кўрдим”, جاءنى مسلمُونَ – *жа:‘ани: муслиму:на* – “Олдимга мусулмонлар келди”.

Бундай кўплик инсонларга тегишли бўлиб, *тўғри* кўплик деб аталади. *Синиқ* кўплик эса инсонларга ва бошқа нарсаларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

8. Фасл.

فِعْلَةٌ – *фиълатун,* اَفْعِلَةٌ – *‘афъилатун,* اَفْعُلٌ – *‘афъулун* вазнидаги غِلْمَةٌ – *ғилматун,* اَلْسِنَةٌ – *‘алсинатун,* اَفْلُسٌ – *‘афлусун* каби сўзлар озчилик эканини билдирувчи кўплик шакли саналади. “Озчилик” деганда ўнтадан кам миқдор назарда тутилади.

9. Фасл.

Жамъул-жамъ яъни кўпликнинг кўплик шакли фақатгина озчиликни англатувчи кўпликка нисбатан ишлатилиши мумкин. Масалан, اساورة – *‘аса:виратун* – اسورة – *‘асвиратун* - “билак узуклар”, اناعيم – *‘ана:ъи:му* – انعام – *‘анъа:мун* – “чорва моллар”, اكاليب – *‘ака:ли:бу* – اكلب – *‘аклабун* – “итлар”.

10. Фасл.

ما أحسَنَ رُؤُوسهُما ، – *ма: ‘аҳсана ру‘у:суҳума:* – “У иккисининг бошлари қандай яхши”, ما أعظم بُطُونهُما – *ма: ‘аъзама бату:нуҳума:* – “У иккисининг қоринлари қандай катта” каби жумлаларда (гарчи иккилик бўлса ҳам) “бошлар”, “қоринлар” тарзида кўплик шакли келган. Бундан мақсад аслида بَطْنَيْهما – *батнайҳима:*, رَأْسَيْهما – *ра‘сайҳима:*. Қуръонда ҳам قُلُوبُكُما – *қулу:букума:* тарзида келганда قَلْبَيْكُمَا – *қалбайкума:* назарда тутилган. Агар исм *муттасил* бўлса, яъни номи келаётган нарсанинг ичида ёки унга бириккан бўлса, иккилик ўрнига кўплик ишлатиш мумкин. Юқоридаги *бош*, *қорин,* каби сўзлар инсоннинг *муттасил*, яъни ичидаги аъзоси. Агар у нарса *мунфасил*, яъни номи келаётган нарсадан алоҳида ёки

унинг ташқарисида бўлса фақат иккилик ишлатилади. Масалан, ما أَحْسَنَ فَرَسَيْهِمَا و دَارَيهِمَا - *ма: аҳсана фарасайҳима: ва да:райҳима:* – “Иккисининг оти ва ҳовлиси қандай яхши”. Бу ерда *от* ва *ҳовли* сўзлари инсон танасидан алоҳида нарсалар ҳисобланади.

11. Фасл.

Баъзан кўпликдаги исм ва шу исмнинг бир донасини англатувчи сўз ўртасидаги фарқ ة – *та:* ҳарфи билан ажратиб олинади. Масалан, بطيخ – *битти:хун* – بطيخة – *битти:хатун*, صخر – *сахрун* – صخرة – *сахратун*, تمر – *тамрун* – تمرة – *тамратун*, نخل – *нахлун* – نخلة – *нахлатун.*

Бу каби кўплик фақат яратилган нарсаларга тегишли, ясалган нарсаларга эмас.

Агар غازٍ – *ға:зин*, قاضٍ – *қа:дин* каби охири *йа:* ҳарфига тугаган ва *йа:* ҳарфидан аввалги ҳарфи *касра* ҳаракатини олган сўзлардан тўғри кўплик ясалса ундаги *йа:* ҳарфи тушиб қолади.Шунингдек, *йа:* дан аввалги ҳарф *рафъ* ҳолатида *дамма* лик ва *насб* ва *жар* ҳолатида *касра* лик бўлади. Масалан,

مررت بغازين و قاضين – *мararту би ға:зи:на қа:ди:на* - “Жангчилар ва қозилар олдидан ўтдим”, رأيت قاضين وغازين – *ра‘айту қа:ди:на ва ға:зи:на* – “Қозилар ва жангчиларни кўрдим”, هم قاضون وغازون – *ҳум қа:ду:на ва ға:зу:на* – “Улар қозилар ва жангчилардир”.

المرتضين – *ал-муртади:на* – “Рози қилинганлар”, المصطفين – *‘ал-мустафи:на* – “танланганлар”, المرتضون – *‘ал-муртаду:на*, المصطفون – *‘ал-мустафу:на* каби сўзларда ҳам юқоридаги қоида амал қилади.

12. Фасл.

Агар охирида *али:ф мақсу:ра* билан тугаган сўзлардан тўғри кўплик ясалса, *али:ф* тушиб қолади ва *ва:в* ва *йа:* ҳарфларидан олдинги ҳарфи *фатҳа* лик бўлади. Масалан,

مررت باعلين – *мararту биъАли:на,* رأيت اعلين – *ра'айту Аъли:на,* هم اعلون – *ҳум Аълу:на.*

Шунингдек, المرتضين – *'ал-муртади:на,* المصطفين – *'ал-мустафи:на,* المصطفون – *'ал-мустафу:на* каби сўзларда ҳам юқоридаги қоидага амал қилинади.

13. Фасл.

Изофа агар икки исмдан ясалса, биринчи сўз туфайли иккинчиси *жар* ҳолатида бўлади, биринчи сўздан *танви:н* тушиб қолади. Масалан,

ثوبُ بكرٍ – *савбу Бакрин* – "Бакрнинг кийими", دارُ خالدٍ – *да:ру Ха:лидин* – "Холиднинг уйи", غلامُ زيدٍ – *гула:му Зайдин* – "Зайднинг хизматкори".

Бу исмларнинг биринчиси *муза:ф* иккинчиси *муза:ф илайҳи* дейилади. Биринчи сўз, яъни *муза:ф эъробиг*а кўра *марфу:ъ* ҳам, *мансу:б* ҳам, *мажр:ур* ҳам бўлиши мумкин. Иккинчиси эса яъни *муза:ф илайҳи* доимо *мажру:р* бўлади. Масалан,

مررت بغلامِ زيدٍ – *мararту би гула:ми Зайдин* – "Зайднинг хизматкорининг олдидан ўтдим", رأيت غلامَ زيدٍ – *ра'айту гула:ма Зайдин* – "Зайднинг хизматкорини кўрдим", جاءني غلامُ زيدٍ – *жа:'ани: гула:му Зайдин* – "Олдимга Зайднинг хизматкори келди".

Муза:ф - изоҳланмишга *али:ф-ла:м* ни ҳам *танви:н* ни ҳам қўшиб бўлмайди. *Муза:ф илайҳи* - изоҳловчи иккови билан ҳам келиши мумкин. Масалан, ثوبُ رجلٍ – *савбу ражулин,* ثوبُ الرجلِ – *савбу-р-ражули* дейиш мумкин, лекин ثوبٌ رجلٍ – *савбун ражулин,* الثوبُ الرجلِ – *ас-савбу-р-ражули* дейиш мумкин эмас.

14. Фасл.

Агар иккилик исмни бирлик ҳолидаги исмга изофа қилинса иккиликдаги нун ҳарфи тушиб қолади. Масалан,

Рафъ (бош келшик иккилик) ҳолида – جاءني غُلامَا رجلٍ – *жа:'ани ғула:ма: ражулин* – "Олдимга бир кишининг икки хизматкори келди",

Насб (тушум келишиги иккилик) ҳолида - رأيتُ غُلامَيْ رجلٍ – *ра'айту ғула:май ражулин* – "Бир кишининг икки хизматкорини кўрдим",

Жар (қаратқич келишиги иккилик) ҳолида - مررتُ بِغُلامَيْ رجلٍ – *мararту биғула:май ражулин* – "Бир кишининг икки хизматкорининг олдидан ўтдим".

Агар иккилик исмни ال – *али:ф-ла:м* билан келган исмга *изофа* қилинса, иккиликдаги *ну:н* ҳарфи тушиб қолади:

Рафъ (бош келишик иккилик) ҳолида جاءنى غُلامَا الرجلِ – *жа:'ани: ғула:ма:-р-ражули,*

Насб (тушум келишиги иккилик) ҳолида رأيتُ غُلامَى الرجلِ – *ра'айту ғула:майи-р-ражули,*

Жар (қаратқич келишиги иккилик) ҳолида مررت بغُلامَى الرجلِ – *мararту биғула:майи-р-ражули*, бунда *насб* ва *жар* аломати бўлган *йа:* ҳарфи касралик бўлади.

Агар иккилик исмни иккилик исмга *изофа* қилинса,унда ҳам биринчи сўзнинг *ну:н* ҳарфи тушиб қолади.

Рафъ (бош келишик иккилик) ҳолида جاءنى غُلامَا رجلينِ – *жа:'ани: ғула:ма: ражулайни,*

Насб (тушум келишиги иккилик) ҳолида رأيتُ غُامَى رجُلينِ – *ра'айту ғула:май ражулайни,*

Жар (қаратқич келишиги иккилик) ҳолида مررت بغُلامَى رجلينِ – *мararту биғула:май ражулайни.*

Аниқ ҳолатда келган иккилик исмга *изофа* қилинса ҳам шундай ҳолат бўлади.

Агар кўплик шаклидаги сўзни изофа қилинса, изоҳланаётган сўздаги *ну:н* ҳарфи тушиб қолади. Масалан,

جاءني صالِحُو قومِك – *жа:'ани са:лиҳу: қавмика* – "Олдимга қавмингнинг солиҳ кишилари келди", рафъ (бош келишик иккилик) ҳолида;

رأيت صالِحِي قومِك – *ра'айту са:лиҳи: қавмика* – "Қавмингнинг солиҳ кишиларини кўрдим", насб (тушум келишиги иккилик) ҳолида;

مررت بِصالِحِي قومِك – *мararту биса:лиҳи: қавмика* – "Қавмингнинг солиҳ кишилари олдидан ўтдим", жар (қаратқич келишиги иккилик) ҳолида.

Агар кўпликни ال – *али:ф-ла:м* и бўлган сўзга *иза:фа* қилинса, унда кўпликнинг *ва:в* ҳарфи ҳам *ну:н* ҳарфи ҳам тушиб қолади, ёзувда *ва:в* ҳарфи сақланиб қолади, лекин талаффуз этилмайди, *йа:* ва *ну:н* ҳарфлари ҳам шундай тушиб қолади. Масалан,

جاءني صالِحُو القومِ – *жа:'ани са:лиҳу-л-қавми,* рафъ (бош келишик иккилик) ҳолида,

رأيت صالِحِي القومِ – *ра'айту са:лиҳи-л-қавми,* насб (тушум келишиги иккилик) ҳолида,

مررت بِصالِحِي القومِ – *мararту биса:лиҳи-л-қавми.* жар (қаратқич келишиги иккилик) ҳолида.

15. Фасл.

Агар сўз *муаннас* га айлантириладиган бўлса, охирига *та:* ҳарфи қўшилади, ундан олдинги ҳарф эса *фатҳа* лик бўлади. Масалан, صالحة – *са:лиҳатун* – صالح – *са:лиҳун,* مسلمة – *муслиматун* – مسلم – *муслимун муаннаслик* ни билдирувчи *та:* ҳарфини икки нарсадан билиш мумкин, биринчиси ўзидан аввалги ҳарф *фатҳа* лик бўлади, иккинчиси агар шу сўзда *вақф* қилинса (тўхталса), *та:* ҳарфи *ҳа:* га айланади. Масалан,

مسلمه – *муслима* – مسلمة – *муслиматун,* صالحه – *са:лиҳа* – صالحة – *са:лиҳатун.*

16. Фасл.

Учдан ўнгача бўлган сонларнинг жинси саналмишнинг жинси *муаннас* бўлса унга тескари жинсда яъни *музаккар* да бўлади. Масалан,

عشر نسوة – *ашару нисватин,* اربع نسوة – *арба‘у нисватин,* ثلاث نسوة – *сала:су нисватин.*

Саналмиш муаннас бўлган сондан *та:* ҳарфи тушиб қолади, агар саналмиш музаккар бўлса, *та:* ҳарфи сақланиб қолади. Масалан,

اربعة رجال – *арба‘ату ржа:лин,* ثلاثة رجال – *сала:сату ржа:лин.*

Ўн сонидан кейинги сонлар иштирокида сўз бирикмаси тузилганда

تسع عشرة امرأة – *тисъу ашарата имра’атан* саналмиш сўз *музаккар* исм бўлса ўнлар хонасидан *та: матбу:та* тушиб қолади. Агар саналмиш сўз *муаннас* исм бўлса, бирлар хонасидан *та: марбу:та* тушиб қолади. *Музаккар*да қуйидагича бўлади:

تسعة عشر رجلا – *тисъату ъашара ражулан,* ثلاثة عشر رجلا – *сала:сату ъашара ражулан,* اثنا عشر رجلا – *исна: ъашара ражулан,* احد عشر رجلا – *аҳаду ъашара ражулан.*

Бунда биринчи сонда *та* ҳарфи туради, иккинчисида тушиб қолади:

عاشرة – *ъа:ширатун* – عاشر – *ъа:ширун,* ثالثة – *са:лисатун* – ثالث – *са:лисун,* ثانية – *са:ниятун* – ثانٍ – *са:нин,* اولى – *у:ла:* – اول – *аввалу.*

Юқоридаги каби тартиб сонларда асл қоидага қиёс қилинади.

11, 12,13 дан 19 гача бўлган сонларда *музаккар* саналмишда *та:марбу:та* тушиб қолади, *муаннас*да сақланиб қолади, бу ҳам асл қоидага қиёс қилинади.

17. Фасл.

Исмлардан *муаннас* бўлиб, лекин *та: марбута* ҳарфисиз келадиганлари:

عين – *айнун* – кўз, نفس – *нафсун* – нафс, كبد – *кабадун* – жигар, كرش – *кришун* – қорин, ساق – *са:қун* – болдир, قدم – *қадамун* – оёқ, يد – *йадун* – қўл, رجل – *ржлун* – оёқ, كف –

каффун – кафт, فخذ – *фахзун* – сон, سن – *синнун* – тиш, قدر – *қидрун* – қозон, قوس – *қавсун* – камон, بغل – *бағлун* – хачир, نار – *на:рун* – олов, دار – *да:рун* – ҳовли, بئر – *би'рун* – қудуқ, فرس – *фарасун* – от, ابل – *иблун* – туя, غنم – *ғанамун* – қўй, حيل – *хайлун* – от, بعير – *ба'и:рун* – туя, كأس – *ка'сун* – жом, شمس – *шамсун* – қуёш, ريح – *ри:ҳун* – шамол, سماء – *сама:'ун* – осмон, ارض – *арзун* – ер, عقرب – *ақрабун* – чаён, ارنب – *арнабун* – қуён, يمين – *йами:нун* – ўнг қўл, ذراع – *зира:'ун* – билак, كراع – *кура:'ун* – оёқ почаси, عقاب – *уқа:бун* – бургут, حرور – *ҳару:рун* – шамол, موسى الحديد – *му:са:-л-ҳади:ди* – устара, قدوم – *қадду:мун* – болға.

Ҳам муаннас ҳам *музаккар* жинсда келадиган исмлар:

هدى – *ҳудан* – тўғри йўл, قفا – *қафан* – бўйин, سلم – *салмун* – тинчлик, درع الحديد – *дир'у-л-ҳади:д* – совут, سوق – *су:қун* – бозор, لسان – *лиса:нун* – тил, سلطان – *султа:нун* – ҳокимият, صراط – *сира:тун* – йўл, سبيل – йўл, متين – *мати:нун* – мустаҳкам, عنق – *унқун* – бўйин, طريق – *тари:қун* – йўл, ذنوب – *зуну:бун* – гуноҳлар, سلاح – *сила:ҳун* – қурол, منون – *ману:нун* – миннат, قوم – *қавмун* – қавм, حرب – *ҳарбун* – уруш, طاغوت – *та:ғу:тун* – шайтон.

18. Фасл.

Агар *муаннас жинс*даги исмдан тўғри кўплик ясалса охирига, *али:ф* ва *та:* қўшилади. Масалан,

صالحات – *са:лиҳа:тун*, مسلمات – *муслима:тун*.

Бу сўздаги *та:* ҳарфи *рафъ* ҳолида *марфу:ъ, насб* ва *жар* ҳолида *мажру:р* бўлади. Масалан,

مررت بمسلماتٍ – *мararту би муслима:тин*, رأيت مسلماتٍ – *ра'айту муслима:тин*, جاءنى مسلماتٌ – *жа:'ани: муслима:тун*.

19. Фасл.

Агар فَعْلة – *фаълатун* вазнидаги сўз сифат бўлмай от бўлиб, ундан кўплик ясалса, унинг *ъайн* ҳарфи (ўрта ўзагидаги ҳарфи) *фатҳа* бўлади ва охирига *та* қўшилади. Масалан,

ركَعات – *ракаъа:тун* – ركعة – *ракъатун*, تمَرات – *тамара:тун* – تمرة – *тамратун.*

Агар бу сўз сифат бўлиб келса, ўрта ўзаги *сукун* ҳолича қолади. Масалан, عيْلات – *ъийла:тун* – عيلة – *ъийлатун,* ضخْمات – *захма:тун* – ضخمة – *захматун.*

Шунингдек, агар сўзнинг ўрта ўзаги *иллат* ли ҳарф бўлса, у ҳам сифат каби *сукун* лича қолади. Масалан,

جوْزات – *жавза:тун* – جوْزة – *жавзатун,* بيْضات – *байда:тун* – بيضة – *байдатун*.

Ўрта ўзаги *иллат* ли бўлган бундай исмлар (بيْضة – *байдатун* каби) билан сифатларнинг (عيْلة – *ъийлатун* каби) кўплиги бир хил шаклда бўлади.

20. Фасл.

Агар феъл синиқ кўпликдаги исмдан олдин келаётган бўлса, *музаккар* ва *муаннас* ҳам бўлиши мумкин. Масалан,

جاءتنى النساء – *жа:ʻатни:-н-ниса:ʻу,* جاءتنى الرجال – *жа:ʻатни:-р-ижа:лу,* جاءنى النساء – *жа:ʻани:-н-ниса:ʻу,* جاءنى الرجال – *жа:ʻани:-р-ижа:лу.*

21. Фасл.

Агар икки *марфуъ* исм келиб, биринчиси *маърифа* (аниқ) ҳамда иккинчиси *накира* (ноаниқ) ҳолатда бўлиб, иккинчи сўз биринчиси ҳақида хабар бераётган бўлса, биринчиси *мубтадо*-эга, иккинчиси *хабар* - кесим дейилади. Масалан, عمر خارج – *Умару ха:рижун,* زيد ذاهب – *Зайдун за:ҳибун.*

22. Фасл.

Сифат *мавсу:ф* (сифатланмиш) билан қуйидаги жиҳатларига кўра бир хил бўлади:

-жинс- *музаккар* ёки *муаннас*;

-сон - бирлик, иккилик, кўплик;

-ҳолат – аниқ (*маърифа*) ёки ноаниқ (*на:кира*);

-келишик – *рафъ, насб* ва *жар.*

Қуйидаги жумлалар унга мисол бўлади:

جاءني رجلٌ صالحون – *жа:'ани: ража:лун са:лиҳу:на,* جاءني رجلان صالحان – *жа:'ани: ражула:ни са:лиҳа:ни,* جاءني رجل صالح – *жа:'ани: ражулун са:лиҳун.*

جاءتني نساء صالحاتٌ – *жа:'атни: ниса:ун са:лиҳа:тун,* جاءتني امرأتان صالحتان – *жа:'атни: имра'ата:ни са:лиҳата:ни,* جاءتني امرأة صالحة – *жа:'атни имра'атун са:лиҳатун.*

رأيت مررت برجل صالحٍ – *мararту би ражулин са:лиҳин,* جاءني رجلٌ صالحٌ – *ра'айту ражулан са:лиҳан,* جاءني رجلًا صالحًا – *жа:'ани: ражулун са:лиҳун,* جاءني الرجلُ الصالحُ والامرأةُ الصالحةُ – *жа:'ани:-р-ражулу-с-са:лиҳу ва-л-имра'ату-с-са:лиҳату.*

Агар يا ابن زيد الكريم – *я ибна Зайди-л-кари:м* деган гапда الكريم – *ал-кари:му* сўзини ابن – *ибнун* сўзига сифат қилсак, *насб* ҳолатида الكريمَ – *ал-кари:ма* деб ўқиймиз, агар уни زيد – *Зайдун* сўзига сифат қилсак, унда الكريمِ – *ал-кари:му* деб *жар* қилиб ўқиймиз. Шу каби ابو عبد الله الكريم – *Абу: абди-л-лаҳи-л-кари:ми* деган иборада الكريم – *ал-кари:му* сўзини *рафъ* қилиб ўқиймиз чунки, бу сўз ابٌ – *абун* сўзига сифат қилиб ўқилди. Ҳар доим мана шу қоидага қиёс қилинади. Исмнинг *эъроби* – охирги *ҳаракати* қандай бўлса, унинг сифати бўлиб келган сўзнинг *эъроби* – охирги *ҳаракати* ҳам шундай бўлади.

23. Фасл.

Агар исмнинг охирида биргина *али:ф* келса رحى – *раҳан,* عصى – *асан,* حبلى – *ҳубла:,* بشرى – *бушра:* каби, у *мақсу:р* деб

номланади, агар *али:ф* дан сўнг *ҳамза* келса, حمراء – *ҳамра:у,* صحراء – *сахра:у* каби, у *мақсура* дейилади.

24. Фасл.

Исму-л-алам деб *али:ф-ла:м* сиз келадиган атоқли отларга айтилади. Масалан: رعد – *ра'ду,* هند – *ҳинду,* عمر – *умару,* زيد – *зайдун* каби киши исмлари ҳам шундай. Агар ундан иккилик ёки тўғри кўплик ясалса, унда аниқ ҳолатда унга алиф-лом қўшилади. Масалан, الهنداتُ – *ал-Ҳинда:ту,* الهندانِ – *ал-Ҳинда:ни,* الزيدون – *аз-Зайду:на,* الزيدان – *аз-Зайда:ни.*

Агар исм бирор нарсага нисбат берилса, унинг охирига ташдидли *йа:* ҳарфи қўшилади, ҳамда *йа:* дан аввалги ҳарф *касрали* бўлади. Масалан,

مصرِيّ – *мисрийюн* – مصر – *мисру,* بلدِيّ – *баладийюн* – بلد – *баладун.*

Бунда муаннаслик *та* ҳарфи тушириб қолдирилиши лозим. Масалан,

الكوفِيّ – *ал-ку:фийю* – الكوفة – *ал-Ку:фату,* البصرِيّ – *ал-басрийю* – البصرة – *ал-Басрату.*

25. Фасл.

Кўплик шаклга нисбат бериб бўлмайди, صحائفيّ – *саҳа:ифийю,* فرائضيّ – *фара:изийю* дейилмайди, фақат бирлик шаклга нисбат берилиб فرضيّ – *фардийюн,* صحفيّ – *саҳафийюн* дейилади.

Агар исмдан кичрайтма шакл ясалса , агар уч ҳарфлик бўлса فُعَيْل – *фуъайлун* вазнида бўлади. Масалан, فُلَيْس – *фулайсун* – فلس – *фулсун.*

Агар тўрт ҳарфлик бўлса فُعَيْلِل – *фуъайлилун* вазнида бўлади. Масалан:

دُرَيْهِم – *дурайҳимун* – درهم – *дирҳамун.*

Агар беш ҳарфлик бўлса فُعَيْلِيل – *фуъайли:лун* вазнида бўлади, масалан:

دُيَيْنِير – *дуйайни:рун* – دينار – *ди:на:рун.*

26. Фасл.

Агар кўпликдан кичрайтма от ясалса, кўплик аввал бирликка айлантирилади, сўнг ундан кичрайтма от ясалиб охирига *али:ф* ва *та* қўшилади. Масалан: مُسَيْجِدات – *мусайжида:тун* – مساجد – *маса:жиду,* دُرَيْهِمات – *дурайҳима:тун* – دراهم – *дара:ҳиму.*

Лекин *жамъу-л-қилла* яъни озчиликни англатган кўплик шаклида ундай бўлмайди. Бундай кўпликнинг кичрайтма шакли оддий бирликдан қандай кичрайтма шакл ясалса, шундай ясалади. Масалан,

أُفَيْلِس – *уфайлисун* – أفْلُس – *афлусун,* أُلَيْسِنَةٌ – *улайсинатун* – ألسنة – *алсинатун,* غُلَيْمة – *ғулайматун* – غلمة – *ғулматун.*

27. Фасл.

Агар сўзнинг охири *танви:н* сиз бўлиб унга *вақф* қилинса (тўхталса), *сукун* билан тўхташ лозим. Масалан,

مررت باحمد والرجل – *мараrту би аҳмада ва-р-ражули,* رأيت احمد والرجل – *ра‘айту аҳмада ва-р-ражула,* جاءنى احمد والرجل – *жа:‘ани: аҳмаду ва-р-ражулу.*

Агар *танви:н* лик бўлса, *рафъ* ва *жар* ҳолатида ҳаракатини тушириб қолдирилади. Лекин *насб* ҳолатида *танви:н али:ф* га алмаштирилади:

مررت بزيد – *мараrту би Зайдин,* رأيت زيدا – *ра‘айту Зайдан,* هذا زيد – *ҳаза: Зайдун.*

28. Фасл.

Бошида *васлали ҳамза* бўлган исмлар ўнта бўлиб, булар:

الله – *Аллаҳу,* ايم – *аймун,* امرأة – *имра‘атун,* امرأ – *имри‘ун,* اثنتان – *истата:ни,* اثنان – *исна:ни,* ابنة – *ибнатун,* ابن – *ибнун,* استٌ – *истун,* اسم – *исмун.*

29. Фасл.

Сонлар учдан ўнгача кўплик ҳолида, юз ва ундан юқориси бирлик ҳолатда келади. Масалан, الف درهمٍ – *алфу дирҳамин,* ثلاث ماءة الثوب – *сала:су ми'ати-с-савби,* ماءة رجلٍ – *ми'ату ражулин,* عشر نسوة – *ашару нисватин,* عشرة رجالٍ – *ашарату рижа:лин.*

Бундан бошқа ҳолатларда сонлар иштирокида саналмиш *насб*, бирлик ва ноаниқ ҳолатда келади. Масалан, تسعون دينارًا – *тис'уна ди:на:ран,* عشرون ثوبًا – *ишру:на савбан,* احد عشر درهمًا – *аҳаду ашара дирҳаман.*

11. ИСМЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ. МАТН.

القسم الرابع في تصريف الأسماء. بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ و به العون.

حركات الإعراب تسمى الرفع والنصب والجر، وهي الحركات المختلفة التي تحدث في آخر الاسم بعوامل مختلفة تدخل عليه، كقولك: جاء الرجلُ ورأيت الرجلَ ومررت بالرجلِ.

وحركات البناء تسمى الضم والفتح والكسر، وهي الحركات التي تبنى عليها الأسماء لا أن تحدث بعامل كقولك: حيث ومن قبل ومن بعد وكيف وأين وهؤلاء وأمس. وكذلك كل حركة وقعت في أول الكلمة أو في وسطها فهي بنائية.

1 - فصل

الاسم المعرفة هو الذي كان مسماه معلوما وعلامته في أسماء الأجناس المفردة الألف واللام والإضافة، كقولك: الرجلُ والغلامُ والفرسُ وغلامُك وفرسُك.

والنكرة هو الذي كان مسماه مجهولا وعلامته في أسماء الأجناس المفردة التجرد من الألف واللام والإضافة، كقولك: رجلٌ وغلامٌ وفرسٌ.

2 - فصل

التنوين والألف واللام لا يجتمعان في اسم واحد، تقول: غلامٌ أو الغلامُ، ولا يجوز أن تقول: الغلامٌ

3 - فصل

الاسم الذي يدخله التنوين والحركات الثلاث يسمى منصرفا، كقولك: رجلٌ وزيد.

والذي يدخله الرفع والنصب فقط ولا يدخله التنوين و الجر وإنما ينصب في موضع الجر يسمى غير منصرف، كقولك: هذا أحمدُ ورأيت أحمدَ ومررت بأحمدَ.

والذي لا يدخله التنوين والحركات الثلاث جميعا يسمى مبنيا، كقولك: من وكم وهؤلاء

4 - فصل

إذا كان في آخر الاسم ألف لم يظهر فيه الإعراب، كقولك: هذا الرحى ورأيت الرحى ومررت بالرحى.

5 - فصل

إذا أثني الاسم ألحق بآخره ألف ونون مكسورة أو ياء مفتوحة ما قبلها ونون مكسورة، كقولك: رجلان ورجلين وغلامان وغلامين.

الألف علامة الرفع في التثنية والياء علامة الجر والنصب تقول: جاءني غلامان وهذان رجلان كما تقول: جاءني غلامٌ وهذا رجلٌ، ورأيت غلامين كما تقول: رأيت غلامًا، ومررت بغلامين كما تقول مررت بغلامٍ.

6 - فصل

الجمع على ضربين: جمع التكسير وجمع التصحيح.

فجمع التكسير ما يكسر فيه نظم الواحد، كقولك: رجال في جمع رجل.

وجمع التصحيح ما سلم فيه نظم الواحد، كقولك: مسلمون في جمع مسلم.

7 - فصل

كل اسم إذا جمع جمع السلامة ألحق بآخره واو ونون مفتوحة او ياء مكسورة ما قبلها ونون مفتوحة .

فالوا وعلامة الرفع في الجمع كالألف في التثنية، والياء علامة الجر و النصب، تقول: جاءني مسلمون ورأيت مسلمين ومررت بمسلمين، وهذا الجمع يختص بالعقلاء.

فأما جمع التكسير فيكون فيهم وفي غيرهم. مضموم

8 - فصل

كل جمع على وزن أَفْعُل كأفلس وأَفْعَال كأفراخ وأَفْعِلَة كألسنة وفِعْلَة كغلمة فهو جمع قلة، والمراد بجمع القلة العشر فما دونها.

9 - فصل

جمع الجمع لا يصح إلا في جموع القلة، كقولهم: أكلب وأكالب وأنعام وأناعيم وأسورة وأساورة.

10 - فصل

يقال: ما أحسنَ رؤوسَهما وما أعظمَ بطونَهما على لفظ الجمع، والمراد رأسيهما وبطنيهما، وفي القرآن: فقد صغت قلوبكما.

وإن أضفت المجموع فاحذف النون أيضا فقل: صالحو قومك ورأيت صالحي قومك ومررت بصالحي قومك.

وأن أضفته إلى ما فيه الألف واللام فاحذف الواو والنون جميعا صالحو القوم بإثبات الواو في الخط وإسقاطها في اللفظ، وكذلك الياء والنون تقول: رأيت صالحي القوم ومررت بصالحي القوم بإسقاط النون جميعا الياء في اللفظ.

14 - فصل

إذا أنثت الاسم فألحق بآخره تاءً مفتوحا ما قبلها، كقولك في صالح صالحة وفي مسلم مسلمة.

وتاء التأنيث تعرف بشيئين: إحداهما أن تكون ما قبلها مفتوحا، والثاني أن تنقلب هاءً في الوقف، كقولك في مسلمة مسلمه وفي صالحة صالحه.

15 - فصل

تأنيث العدد من الثلاثة إلى العشرة خالف تأنيث الأسماء كلها، تقول: ثلاث نسوة وأربع نسوة إلى قولك: عشر نسوة.

فتطرح تاء التأنيث وهي ثابتة في المذكر، في قولك: ثلاثة رجال وعشرة رجال

وإذا جاوزت العشرة قلت في المؤنث: إحدى عشرة امرأة عشرة اثنتا عشرة ثلاث عشرة و أربع عشرة إلى قولك: تسع عشرة تحذف التاء من اسم الأول وتثبته في الثاني.

وقالوا: الأول والأولى والثاني والثانية والثالث والثالثة وكذلك العاشر والعاشرة فعادوا إلى أصل القياس، والحادي عشر والحادية عشرة والثاني عشر والثانية عشرة والثالث عشر والثالثة عشرة إلى قولك: التاسع عشر والتاسعة عشرة .

16 - فصل

من الأسماء المؤنثة ما لا يظهر فيه علامة التأنيث

كالعين والنفس والكبد والكرش والساق والقدم واليد والرجل والكف والفخذ والسن والقدر والقوس والبغل والنار والدار والبئر والفرس والإبل والغنم والخيل والبعير والكأس والشمس والريح والسمائها سوي الإعصار. ما لهما مذكر كقوله تعالي: إعصارفيه فاحترقت والأرض والسماء الدلو والعقرب.

12. ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУСЛАНИШ ҚИСМИ – القسم فى تصريف الأفعال – *АЛ-ҚИСМУ ФИ ТАСРИ:ФИ-Л-АФЪА:Л*

"Муқаддамату-л-адаб" нинг бешинчи қисми араб тили грамматикасининг энг муҳим мавзуси – феълларнинг тусланишига бағишланган. Араб тилидаги феъл сўз туркуми, феълларнинг тусланиши араб тили грамматикасининг асосини ташкил этади. Феълларнинг тусланишига бағишланган қисм барча қўлёзмаларда бисмилло билан бошланади. Мазкур қисм асар қўлёзмаларида турлича номланган. Муқаддамату-л-адаб нинг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги қўлёзмасида бу қисм القسم فى تصريف الافعال – *ал-қисму фи тасри:фи-л-афъа:ли*, Россия ФА Шарқшунослик институти фондидаги С 291 рақамли қўлёзмада القسم فى تصرف الأفعال – *ал-қисму фи тасарруфи-л-афъа:ли* деб кўрсатилган. Араб тили грамматикасига мувофиқ ҳар иккала تصريف – *тасри:фун* ва تصرف – *тасарруфун* сўзлари турланиш, тусланиш (АРСл. 435-436) маъноларини англатади.

Қисмнинг бошланишида анъанавий араб тилшунослари томонидан қабул қилинган ўзак системаси ҳақида фикр юритилади. Унга кўра, сўз ўзаги уч ҳарф ف – *фа:*, ع – *ъайн*, ل – *ла:м* ҳарфлари билан белгиланади. Кириш қисмида феълларнинг биринчи бобдан ўнинчи бобгача бўлган қолиплари, турли шаклдаги феълларнинг қайси бобга мансуб эканлигини аниқлаш ҳақида маълумот берилади.

Биринчи фасл ўтимли ва ўтимсиз феълларга бағишланган. Унда грамматик қоида келтирилиб, мисоллар билан тўлдирилган. Шунингдек, ўтимсиз феълни ўтимликка ва аксинча, ўтимли феълни ўтимсизга айлантириш усули ҳам кўрсатилган. Масалан, قعدته – *қаъадтуҳу* – мен унга ўтирдим, أقعدته – *ақъадтуҳу* – мен унга ўтқаздим.

Иккинчи фаслда иккиланган (المضاعف – *ал-муда:ъафу*) феъллар ҳақида сўз юритилган. Уч ўзакли феъллардан شد – *шадда*, مد – *мадда* шаклида, тўрт ўзакли феъллардан فعلل – *фаълала* қолипида ясалган سلسل – *салсала* каби феъллар воситасида грамматик қоидалар изоҳланган.

Учинчи фасл *иллатли* феъллар ва уларнинг тусланиши ҳақида. Феъл ўзакларидан бирортаси ا – *али:ф*, ى – *йа:*, و – *ва:в* ҳарфларидан бири билан ифодаланган бўлса, бундай феъллар *иллатли* феъллар (المعتل – *ал-муъталлу*) деб изоҳланган. Улар мисоллар билан мустаҳкамланган.

Тўртинчи фасл *ҳамзали* феъллар тўғрисида. Муаллиф *ҳамза* ни *ъайн* (ع) ва *ҳа:* (ح) каби *саҳиҳ* деб атаган. Фаслда *ҳамза* билан келган *ҳаракат* лар таъсирида бўладиган ўзгаришлар ҳақида фикр юритилган.

Феълларнинг тусланиши қисмининг давоми боб тарзида шарҳланган.

Биринчи боб ўтган замон феъллари (الماضى – *ал-ма:ди*) га бағишланган.

Унда ўтган замон феъли, унинг аниқ ва мажҳул даражаси, ўтган замон феълининг уч ўзакли ўнта боб кўринишлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, тўғри феъллар ضرب – *дараба*, иккиланган феъллар فر – *фарра* мисолида изоҳланган. Бундан ташқари тўрт ўзакли феълларнинг ўтган замон шакли, уларнинг турли ҳолатлари билан боғлиқ ҳолатлар қоидалар ҳам берилган.

Иккинчи боб феълларнинг ҳозирги-келаси замони (المضارع – *ал-муда: риъу*) ҳақида. Мазкур бобда араб тилидаги мавжуд бобларнинг ҳозирги-келаси замон шакллари, уларнинг қолиплари берилган. Изоҳланган барча ҳолатлар мисоллар билан мустаҳкамланган.

Учинчи бобда феълларнинг буйруқ майли шарҳланган. Унда буйруқ майли феълининг ҳозирги-келаси замон шаклидан ясалиши, у билан қўлланувчи юкламалар, барча феъл боблари бўйича қоида-қолиплар келтирилган.

Тўртинчи бобда араб тилидаги ажабланиш феъллари ва уларнинг шаклланиши тўғрисида фикр юритилади. Улар икки усулда ясалади, биринчиси ما أفعله – *ма: афъалаҳу*, иккинчиси أفعل به – *афъала биҳи*. Мана шу ҳолатларни тасдиқловчи кўплаб мисоллар берилган.

Бешинчи боб *масдар* боби (باب المصدر – *ба:бу-л-масдари*) деб аталган. Бу бобда *масдар* ларнинг феъллардан ясалиши, уларнинг исм хусусиятига эга эканлиги изоҳланади, феъл бобларидан *масдар* лар ясалиш қолиплари мисоллар билан тасдиқланган ҳолда келтирилади.

Олтинчи бобда аниқ даража сифатдошлари (اسم الفاعل – *исму-л-фа:ъили*) шарҳланган. Бобда аниқ даража сифатдошининг ясалиши, унинг قاض – *қа:дин* – القاضى – *ал-қа:ди* каби кўринишлари, сифатдош ясалишининг барча бошқа қолиплари ҳақида маълумот берилган.

Еттинчи боб мажҳул даража сифатдошларига (اسم المفعول – *исму-л-мафъу:ли*) бағишланган. Унда мажҳул даража сифатдошлари, уларнинг ясалиши, турли шакллари изоҳланган.

Саккизинчи боб сифат даражалари (اسم التفضيل – *исму-т-тафди:ли*) ҳақида бўлиб, орттирма ҳамда қиёсий даража сифатлари, уларнинг бирикиб келувчи олмошлар билан келиши тушунтирилган.

Тўққизинчи боб مفعل – *мафъалун* қолипига бағишланган. Мазкур қолипда ясалган исмлар замон (اسم الزمان – *исму-з-зама:ни*), макон (اسم المكان – *исму-л-мака:ни*) мазмунини англатиши ва уларнинг ясалиши кўп сонли мисоллар билан изоҳланган.

Маҳмуд Замахшарий юқоридаги масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, сифатнинг қиёсий ва орттирма даражалари, макон ва замон маъноларини ифодаловчи отларни الاسماء المتصلة بالأفعال – *ал-асма:у-л-муттасилати би-л-афъа:ли* , яъни “феъллардан ясалувчи исмлар” деб атайди.

*“Муқаддамату-л-адаб”*нинг феълларнинг тусланишига бағишланган қисми ҳам унинг олдинги араб тили грамматикаси

қоидаларига бағишланган ҳарфлар, исмларнинг турланиши қисмлари каби мукаммал, етук илмий асар сифатида машҳур бўлган.



13. ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУСЛАНИШИ. ТАРЖИМА.

Билгинки, тилшунос олимлар ف – *фа:*, ع – *айн*, ل – *лам* ҳарфларини сўзларнинг аслий ва қўшимча ҳарфларини аниқлашга мезон қилиб олганлар. Мезон ҳарфларига فعل – *феълининг* қайси ҳарфи тўғри келса, демак у асл ўзак, тўғри келмагани ўзакка қўшилган ҳарф ҳисобланади. Масалан, ضرب – *дараба* феълининг барча ҳарфлари ўзак ҳарф саналади. Чунки, ب – *ба:*, ر – *ра:*, ض – *да:д* ҳарфлари فعل – *фаъала* даги ل – *ла:м*, ع – *ъайн*, ف – *фа:* ҳарфларига тўғри келади.

دحرج – *дахража* феъли ҳам шундай. Чунки бунинг вазни فعلل – *фаълала* бўлиб, د – *да:л* ҳарфи ف – *фа:* нинг, ح – *ҳа:* ҳарфи ع – *ъайн* нинг, ر – *ра:* ҳарфи биринчи ل – *ла:м* нинг, ج – *жи:м* ҳарфи иккинчи ل – *ла:м* нинг қарама-қаршисида жойлашгандир. Бироқ أكرم – *‘акрама* феълидаги ҳамза ортиқча, яъни ўзак ҳарф эмас. Чунки унинг вазни أفعل – *‘афъала* бўлиб, ҳамза فعل – *фаъала* ف – *фа:* ининг тўғрисида эмас. Шунингдек, فاعل – *фа:ъала* даги ا - *али:ф*, افتعل – *ифтаъала* даги ت – *та:* , انفعل – *инфаъала* даги ن – *ну:н* , استفعل – *истафъала* даги س – *си:н* ва ت – *та:*,تفاعل – *тафа:ъала* даги ت – *та:* ва ا – *али:ф* ларнинг ҳаммаси ортиқча, яъни ўзак ҳарфлар эмас. Бошқа феъллар ҳам шунга қиёсланади. Билгинки, شد – *шадда* феъли ҳам فعل – *фаъала* вазнига тушади, унинг асли شدد – *шадада* бўлиб, يشد – *йашудду* эса يفعل – *йафъулу* вазнига, асли эса يشدد – *йашдуду* бўлган. فر – *фарра* феълининг вазни فعل – *фаъала* қолипида, унинг асли فرر – *фарара*, يفر – *йафирру* нинг вазни يفعل – *йафъилу*, асли يفرر – *йафриру*. قال – *қа:ла* феъли فعل – *фаъала* вазнига тушади, унинг асли قول – *қавала*, يقول – *йақу:лу* эса يفعل – *йафъулу* қолипига тушади, унинг асли يقول – *йақвулу* дир. Шунингдек باع – *ба:ъа* нинг асли ҳам بيع – *байаъа* бўлиб,

فعل – *фаъала* вазнига тушади, يبيع – *йаби:ъу* ҳам يفعل – *йафъилу* қолипида, асли يبيع – *йабйиъу*. رمى – *рама:* феълининг асли ҳам رمي – *рамайа* бўлгани учун бу ҳам فعل – *фаъала* вазнига тушади. يرمي – *йарми:* эса يفعل – *йафъилу* вазнига тушади. Чунки унинг асли يرمي – *йармийу* дир. دعا – *да'а:* феъли ҳам فعل – *фаъала* вазнига тушади. Чунки бунинг асли يدعو – *йад'у:*. يعد – *йаудду* феъли يفعل – *йафъулу* қолипида, бунинг асли يوعد – *йав'уду* бўлган. Шу туркумдаги бошқа феъллар ҳам шунга қиёсан ўрганилади.

1-Фасл
Ўтимли ва ўтимсиз феъл

Билгинки, феъл ўтимли ва ўтимсизга бўлинади. Ўтимли феъл англатган иш ҳаракат бажарувчидан бошқа шахсга ўтади. Масалан, ضربته – *дарабтуҳу* – "уни урдим", قتلته – *қаталтуҳу* – "уни ўлдирдим". Дарб (уруш)ни иш ҳаракатини бажарувчидан бошқа шахсга ўтишисиз тасаввур қилинмайди. Шунингдек, қатл сўзи ҳам.

Ўтимсиз феълда эса, ҳаракат бажарувчининг ўзида қолади. Бошқа шахсга ёки предметга ўтмайди. Масалан, قعد – *қаъада* – "ўтирди", قام – *қа:ма* – "турди".

Кўриниб турибдики, ўтириш ва туриш ҳаракатлари бажарувчиннг ўзида қолмоқда ва ўзга шахсга ўтгани йўқ. Шунга кўра, ضربته – *дарабтуҳу* – "уни урдим", قتلته – *қаталтуҳу* – "уни ўлдирдим" дейиш мумкин, лекин قمته – *қумтуҳу* – "уни турдим" , قعدته – *қа'адтуҳу* – "уни ўтирдим" деб бўлмайди. Агар (мазкур ўтимсиз икки феълни иккинчи бобга ўтказиб) أقمته – *'ақамтуҳу* – "уни турғиздим", أقعدته – *'ақъадтуҳу* – "уни ўтқиздим" дейилса, қонун-қоидага кўра дуруст бўлади. Чунки бу вазнда ушбу феъллар ўтимлига айланади ва бошқа кишида туриш ва ўтириш иш ҳаракати ўтказилди.

2-Фасл
Ўтимсиз феъл

Ўтимсиз феъл уч хил йўл билан ўтимлига айланади:

1) كرم – *карума* феъли олдига ҳамза орттириш билан. Масалан, أكرم – *‘акрама*

2) ўрта ўзакни иккилантириш билан, масалан, كرم – *каррама*

3) предлог билан, масалан, ذهب به – *заҳаба биҳи*, قام به – *қа:ма биҳи.*

3-Фасл

Уч ўзакли феъллар туркумидаги иккиланган феъллар иккинчи ва учинчи ўзаклари бир хил ҳарфдан иборат бўлган феъллар саналади. Масалан, شد – *шадда,* مد – *мадда* буларнинг асли شدد – *шадада,* مدد – *мадада* бўлган. Бунда биринчи *да:л* сукунланиб иккинчи *да:л* нинг ичига киргизилган. Бундай феълларда ўрта ўзак доим *сукун*ли бўлади. Агар *сукун*ланмаса, у ҳолда икки ундош ўртаси ҳаракат ёки ҳарф билан очилади. Масалан, شديد – *шади:дун,* رديد – *ради:дун,* رددنا – *рададна:,* شددنا – *шададна:* сўзлари каби.

Тўрт ўзакли феъллардан иккиланганлари эса, биринчи ва учинчи, иккинчи ва тўртинчи ўзаклари бир хил ундошдан иборат бўлади. Масалан, صلصل – *салсала* бу فعلل – *фаълала* вазнига тўғри келади.

4-Фасл
Иллатли феъллар

Ўзак ҳарфлардан бирортаси *мад* (чўзиқ) ва *лин* (юмшоқ) ҳарфларидан иборат бўлса, бундай феълларга иллатли феъл дейилади. Мад ва лин ҳарфларига ا – *али:ф,* و ва:в ва ي – *йа:*лар киради. Масалан, رمى – *рама:,* قال – *қа:ла,* وعد – *ва‘ада.*

فعل – *фаъала* вазнининг ع – *айн* ва ل – *ла:м* ўзакларига тўғри келган ҳар қандай ا – *али:ф* ҳарфининг асли ى – *йа:* ёки و

– *ва:в* ҳарфларидан бўлади. Масалан, قال – *қа:ла* даги ا – *али:ф* инг асли و – *ва:в* ҳисобланади. Чунки, бунинг масдари قول – *қавлун* бўлиб, келаси замони يقول – *йақу:лу* шаклида бўлади. باع – *ба:ъа* даги ا – *али:ф* нинг асли ي – *йа:*, чунки унинг масдари بيع – *байъун* бўлиб, келаси замони يبيع – *йаби:ъу* шаклида келади. Шу сингари қуйидаги هيبة – *ҳайбатун* – هاب – *ҳа:ба,* رمى – *рамйун* – رمى – *рама:,* خوف – *хавфун* – خاف – *ха:фа,* دعوة – *даъватун* – دعا – *даъа:* феъллар ҳам юқоридаги қонуниятга бўйсунади.

5-Фасл
Ҳамза ва унинг сўздаги кўринишлари

Ҳамза соғлом ҳарф бўлиб, у *иллат* ли ҳисобланмайди. Бироқ унинг талаффузи қийинроқ бўлгани сабабли гоҳида бошқа ҳарфга ўзгартириш ёки тушириб қолдириш орқали талаффузга енгиллик яратилади. Ўзгаришига ذئب – *зи'бун* сўзини ذيب – *зи:бун* деб, لؤم – *лу'мун* сўзини لوم – *лувмун* деб, رأس – *ра'сун* сўзини راس – *ра:сун* деб, тушурилиб қолдирилишига يسأل – *йас'алу* ни يسل – *йасалу* деб, اسأل – *ас'алу* ни سل – *сал* деб талаффуз қилганларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Сўзда иккита *ҳамза* келиб, биринчиси *фатҳа* ли, иккинчиси *сукун* ли бўлганида иккинчиси ا – *али:ф* га ўзгаради. Масалан, آدم – *а:даму* – أأدم – *'а'адаму.*

Агар биринчиси *касра* лик бўлса, иккинчиси ي – *йа:* га ўзгаради. Масалан, إيسر – *ийсару* – إأسر – *и'асару.*

Агар биринчиси *дамма* лик бўлса, иккинчиси و – *ва:в* га ўзгаради.

Масалан, أوثر – *увсару* – أؤسر – у*'усару.*

مر – *мур,* خذ – *хуз,* كل – *кул* буйруқ майлидаги феълларнинг шаклига келсак, бундай ҳолат кам учрайди. Мазкур феъллардан

2-Фасл
Ўтимсиз феъл

Ўтимсиз феъл уч хил йўл билан ўтимлига айланади:

1) كرم – *карума* феъли олдига ҳамза орттириш билан. Масалан, أكرم – *‘акрама*

2) ўрта ўзакни иккилантириш билан, масалан, كرم – *каррама*

3) предлог билан, масалан, ذهب به – *заҳаба биҳи*, قام به – *қа:ма биҳи.*

3-Фасл

Уч ўзакли феъллар туркумидаги иккиланган феъллар иккинчи ва учинчи ўзаклари бир хил ҳарфдан иборат бўлган феъллар саналади. Масалан, شد – *шадда,* مد – *мадда* буларнинг асли شدد – *шадада,* مدد – *мадада* бўлган. Бунда биринчи *да:л* сукунланиб иккинчи *да:л* нинг ичига киргизилган. Бундай феълларда ўрта ўзак доим *сукун*ли бўлади. Агар *сукун*ланмаса, у ҳолда икки ундош ўртаси ҳаракат ёки ҳарф билан очилади. Масалан, شديد – *шади:дун,* رديد – *ради:дун,* رددنا – *рададна:,* شددنا – *шададна:* сўзлари каби.

Тўрт ўзакли феъллардан иккиланганлари эса, биринчи ва учинчи, иккинчи ва тўртинчи ўзаклари бир хил ундошдан иборат бўлади. Масалан, صلصل – *салсала* бу فعلل – *фаълала* вазнига тўғри келади.

4-Фасл
Иллатли феъллар

Ўзак ҳарфлардан бирортаси *мад* (чўзиқ) ва *лин* (юмшоқ) ҳарфларидан иборат бўлса, бундай феълларга иллатли феъл дейилади. Мад ва лин ҳарфларига ا – *али:ф,* و ва:в ва ي – *йа:*лар киради. Масалан, رمى – *рама:,* قال – *қа:ла,* وعد – *ва‘ада.*

فعل – *фаъала* вазнининг ع – *айн* ва ل – *ла:м* ўзакларига тўғри келган ҳар қандай ا – *али:ф* ҳарфининг асли ى – *йа:* ёки و

– *ва:в* ҳарфларидан бўлади. Масалан, قال – *қа:ла* даги ا – *али:ф* инг асли و – *ва:в* ҳисобланади. Чунки, бунинг масдари قول – *қавлун* бўлиб, келаси замони يقول – *йақу:лу* шаклида бўлади. باع – *ба:ъа* даги ا – *али:ф* нинг асли ي – *йа:*, чунки унинг масдари بيع – *байъун* бўлиб, келаси замони يبيع – *йаби:ъу* шаклида келади. Шу сингари қуйидаги هيبة – *ҳайбатун* – هاب – *ҳа:ба,* رمى – *рамйун* – رمى – *рама:,* خوف – *хавфун* – خاف – *ха:фа,* دعوة – *даъватун* – دعا – *даъа:* феъллар ҳам юқоридаги қонуниятга бўйсунади.

5-Фасл
Ҳамза ва унинг сўздаги кўринишлари

Ҳамза соғлом ҳарф бўлиб, у *иллат* ли ҳисобланмайди. Бироқ унинг талаффузи қийинроқ бўлгани сабабли гоҳида бошқа ҳарфга ўзгартириш ёки тушириб қолдириш орқали талаффузга енгиллик яратилади. Ўзгаришига ذئب – *зи'бун* сўзини ذيب – *зи:бун* деб, لؤم – *лу'мун* сўзини لوم – *лувмун* деб, رأس – *ра'сун* сўзини راس – *ра:сун* деб, тушурилиб қолдирилишига يسأل – *йас'алу* ни يسل – *йасалу* деб, اسأل – *ас'алу* ни سل – *сал* деб талаффуз қилганларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Сўзда иккита *ҳамза* келиб, биринчиси *фатҳа* ли, иккинчиси *сукун* ли бўлганида иккинчиси ا – *али:ф* га ўзгаради. Масалан, آدم – *а:даму* – أأدم – *'а'адаму.*

Агар биринчиси *касра* лик бўлса, иккинчиси ي – *йа:* га ўзгаради. Масалан, إيسر – *ийсару* – إئسر – *и'асару.*

Агар биринчиси *дамма* лик бўлса, иккинчиси و – *ва:в* га ўзгаради.

Масалан, أوثر – *увсару* – أؤسر – у'*усару.*

مر – *мур,* خذ – *хуз,* كل – *кул* буйруқ майлидаги феълларнинг шаклига келсак, бундай ҳолат кам учрайди. Мазкур феъллардан

қонун-қоидага мувофиқ буйруқ майли ясамоқчи бўлсак, аслида қуйидаги кўринишда буйруқ майли ясалиши керак бўларди:

أؤكل – *у'кул,*

أؤخذ – *у'хуз,*

أؤمر – *у'мур.*

Феълларнинг тақсимоти ва сифатдошлар

Феъллар беш хил бўлади: ўтган замон, ҳозирги-келаси замон, буйруқ майлидаги феъллар, икки таажжуб феъллари ҳамда мақтов ва таҳқирлаш феъллари.

Сифатдошлар ҳам бештадир. масдар, аниқ даража сифатдоши, мажҳул даража сифатдоши, қиёсий ва орттирма даража сифат, феъл маъносини англатувчи исм.

Ўтган замон феъли ва унинг тусланиши

Ўтган замон феъли иш ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганини билдиради. Масалан, ضرب – *дараба* – "урди", قتل – *қатала* – "ўлдирди".

Ўтган замон феъли икки хил нисбатда бўлади:

1. аниқ нисбат ;
2. мажҳул нисбат.

Аниқ нисбатдаги феълнинг биринчи ундоши *фатҳа* лик бўлади. Масалан,

تفعل – *тафъъала,* فاعل – *фа:ъала,* فعل – *фаъъала,* أفعل – *афъала,* فعل – *фаъала.*

Ёки аввалги ҳаракатли ҳарф *фатҳа* ли бўлади. Масалан, التمس – *илтамаса* феълида ت – *та:* ҳарфи, انفعل – *инфаъала* вазнида *фа:* ҳарфи.

افعوعل – *ифъав'ала,* افعلل – *ифъаллала,* افعل – *афъала,* استفعل – *истафъала* вазнлари бошида турган *али:ф* ларга эътибор берилмайди. Чунки улар асл ўзак ҳарфлари бўлмай, гап аввалида келса ўқилиб, гап ўртасида келса тушиб қолади.

Мажҳул нисбатнинг биринчи ўзаги *дамма* ли бўлади. Масалан, تفعلل – *туфуъълила,* فعلل – *фу'лила,* تفوعل – *туфувъила,* تفعل – *туфуъила,* فوعل – *фу:ъила,* فعل – *фуъила,* أفعل – *уфъила.*

Шунингдек, افعوعل – *уфъувъила,* استفعل – *устуфъила,* افعل – *уфъила,* افتعل – *уфтуъила* вазнидаги феъллар ҳам мажҳул нисбатда бўлади.

Аниқ нисбатдаги феълларга шахс сон қўшимчалари қуйидагича қўшилади:

ضربت – *дарабту,* ضربتم – *дарабтум,* ضربتما – *дарабтума:,* ضربت – *дарабта,* ضربن – *дарабна,* ضربتا – *дарабата:,* ضربت – *дарабти,* ضربوا – *дарабу:,* ضربا – *дараба:,* ضرب – *дараба,* ضربتن – *дарабтунна,* ضربنا – *дарабна:,* ضربت – *дарабат.*

Шу сингари, барча тўғри ва тўғрига ўхшаш феъллар юқоридаги тартибда тусланади.

Иккиланган феъллар

فررنا – *фарарна:,* فررت – *фарарту,* فررتن – *фарартунна,* فررتما – *фарартума:,* فررت – *фарарта,* فررتم – *фарартум,* فررتما – *фарартума:,* فررت – *фарарта,* فررن – *фарарна,* فرتا – *фаррата:,* فرت – *фаррат,* فروا – *фарру:,* فرا – *фарра:,* فر – *фарра.*

Ўрта ўзаги *фатҳа* бўлган барча иккиланган феъллар шу тарзда тусланади. Масалан, أحب – *аҳабба* феъли, унинг асли أحبب – *аҳбаб.* Шунингдек, احتج – *иҳтажжа,* حاج – *ҳа:жжа,* انقض – *инқадда,* تضام – *тада:мма,* استطب – *истатабба,* احمر – *иҳмарра,* احمار – *иҳма:рра,* اقشعر – *иқша‘арра* феъллари ҳам шундай тусланади. Ўрта ўзак ундоши *касра* бўлган феъллар эса, *касра* билан ўқилади. Масалан, ظل – *залла* феъли, унинг асли ظلل – *залала* бўлиб, у қуйидагича тусланади:

ظللن – *залална,* ظللت – *залалту,* ظللتن – *залалтунна,* ظللتما – *залалтума:,* ظللت – *залалта,* ظللتم – *залалтум,* ظللتما – *залалтума:,* ظللت – *залалат,* ظللن – *залална,* ظلتا – *заллата:,* ظلت – *заллат,* ظلوا – *заллу:,* ظلا – *залла:,* ظل – *залла.*

Бироқ бундай феъллар فعل – *фаъъала* ва تفعل – *тафаъъала* бобларида келганида тўғри феъллар каби тусланади.

Бўш феъллар (Касал феъллар)

بعنا – *биъна:*, بعت – *биъту,* بعتن – *биътунна,* بعتما – *биътума:*, بعت – *биъта,* بعتم – *биътум,* بعتما – *биътума:*, بعت – *биъти,* بعن – *биъна,* باعتا – *ба:ъата:*, باعت – *ба:ъат,* باعوا – *ба:ъу:*, باع – *ба:ъа.*

Ўрта ўзак ундоши *иллат* ли барча феъллар шу тарзда тусланади. Бироқ уч ўзакли феълларда ўрта ўзакка қаралади. Агар ўрта ўзак ي – *йа:* дан иборат бўлса, ي – *йа:* тушиб қолганида ундан олдинги ҳарфнинг ҳаракати *касра* бўлади. Масалан, بيع – *байъун* – يبيع – *йаби:ъу* – باع – *ба:ъа.*

Агар феъл يفعل – *йафъулу,* فعل – *фаъула* ёки فعل – *фаъула* вазнида келса, ўрта ўзаги و – *ва:в* дан олдинги ҳарфнинг ҳаракати *дамма* бўлади. Масалан, قلت – *қултту* – يقول – *йақу:лу* – قال – *қа:ла.*

Агар نام – *на:ма* – ينام – *йана:му* каби феъллар бўлса, *касра* қилинади. Масалан, نام – *на:ма* – ينام – *йана:му* – نمت – *нимту.*

Юқорида келган бўш феъллар يتفعل – *йатафъаъалу,* تفاعل – *тафа:ъала,* فاعل – *фа:ъала,* فعل – *фаъала* бобларида келганида ҳудди тўғри феъллар каби тусланади.

Ноқис феъллар رميتن – *рамайтунна,* رميتما – *рамайтума:*, رميت – *рамайту,* رميتم – *рамайтум,* رميتما – *рамайтума:*, رميت – *рамайти,* رمين – *рамайна,* رمتا – *рамата:*, رمت – *рамат,* رموا – *раму:*, رميا – *рамайа:*, رمى – *рама:.*

Учинчи ўзаги *йа:* ҳарфи билан ифодаланган барча *ноқис* феъллар юқоридагидек тусланади.

Шунингдек, تابى – *та:ба:*, استغنى – *истағна:*, جابى – *жа:ба:*, اجتبى – *ижтаба:*, انقضى – *инқада:*, ارعوى – *иръава:*, ربى – *рабба:*, ارضى – *арда:* каби феъллар ҳам шундай тусланади.

Учинчи ўзаги *ва:в* ҳарфи билан ифодаланган феъллар қуйидагича тусланади:

دعوت – *даъавти,* دعوتن – *даъавтунна,* دعوتما – *даъавтума:*, دعوت – *даъавта,* دعوتم – *даъавтум,* دعوتما – *даъавтума:*, دعوت

– *даъавту,* دعون – *даъавна,* دعتا – *даъата:,* دعت – *даъат,* دعوا – *даъав,* دعا – *даъа:,* دعون – *даъавна.*

Бундай *ноқис* феъллар فعل – *фаъала* вазнида бўлса қуйидагича бўлади:

سروتما – *сарувтума:,* سروت – *сарувта,* سروتم – *сарувтум,* سروتما – *сарувтума:,* سروت – *сарувти,* سرون – *сарувна,* سروت – *саруват,* سروت – *сарувту,* سروا – *сарув,* سرو – *сара,* سرونا – *сарувна:,* سروتن – *сарувтунна.*

Агар феъл فعل – *фаъила* вазнида бўлса қуйидагича тусланади:

رضيتما – *радийтума:,* رضيت – *радийта,* رضيتم – *радийтум,* رضيتما – *радийтума:,* رضيت – *радийту,* رضين – *радийна,* رضيتا – *радийата:,* رضيت – *радийат,* رضوا – *радув,* رضيا – *радайа:,* رضى – *радийа,* رضينا – *радийна:,* رضيت – *радийти,* رضيتن – *радийтунна.*

Шундай қилиб, رضي – *радийа* ва سرو – *сарува* қолипидагидаги феъллар 3 шахс кўпликда سروا – *сарув,* رضوا – *радув* шаклида, دعى – *даъа:,* رمى – *рама:* қолипидаги феъллар эса دعوا – *даъав,* رموا – *рамав* шаклида бўлади.

Феълнинг мажҳул нисбати ва уларга шахс сон қўшимчаларининг қўшилиши:

ضربتما – *дурибтума:,* ضربت – *дурибти,* ضربتن – *дурибтунна,* ضربت – *дурибту,* ضربنا – *дурибна:,* ضربتم – *дурибтум,* ضربتما – *дурибтума:,* ضربت – *дурибат,* ضربن – *дурибна,* ضربتا – *дурибата:,* ضربت – *дурибта,* ضربوا – *дурибу:,* ضربا – *дуриба:,* ضرب – *дуриба.*

Бошқа боблар мансуб أستكتب – *истактаба,* تذكر – *тазаккара,* تفقد – *тафаққада,* أنتخب – *интахаба,* حوسب – *хусиба,* أدب – *аддаба,* أكرم – *акрама* феъллари ҳам юқоридагидек тусланади.

Иккиланган феълларнинг мажҳул нисбати

شددنا – *шудидна:*, شددت – *шудидту,* شددتن – *шудидтунна,* شددتما – *шададтума:*, شددت – *шудидта,* شددتم – *шудидтум,* شددتما – *шудидтума:*, شددت – *шададти,* شددن – *шудидна,* شدتا – *шуддата:*, شدت – *шуддат,* شدوا – *шудду:*, شدا – *шудда:*, شد – *шудда.*

Қуйидаги استحب – *‘истаҳабба,* انصب – *‘инсабба,* اختص – *‘ихтасса,* أحب – *‘аҳабба* феъллар ҳам юқорида кўрсатилганидек тусланади.

Бироқ تهدد – *таҳаддада,* تربب – *тараббаба* шаклидаги феъллар тўғри феъллар сингари тусланади.

Тўғрига ўхшаш феълларнинг мажҳул нисбати қуйидагича:

وعدتن – *ваъадтунна,* وعدتما – *ваъадтума:*, وعدت – *ваъадту,* وعدنا – *ваъадна:*, وعدت – *ваъадта,* وعدتم – *ваъадтум,* وعدتما – *ваъадтума:* وعدت – *ваъадти,* وعدن – *ваъадна,* وعدتا – *ваъадата:*, وعدت – *ваъадат,* وعدوا – *ваъаду:*, وعدا – *ваъада:*, وعد – *ваъада.*

Бундай феъллар أفعل – *афъала* бобида келганида мажҳул нисбати أوقط – *у:қита,* أوعد – *у:ъида* тарзида бўлади. Булар аслида أيقظ – *уйқита* бўлган бўлиб, ي – *йа:* ҳарфи و – *ва:в* га ўзгарган. *Дамма* дан сўнг ي – *йа:* ҳарфи و – *ва:в* га ўзгаради. Қолган бобларда أستوهب – *‘устуҳиба,* أستوقن – *‘устуқина,* ووعد – *вуъида,* أيتم – *уйтима,* توزع – *тувуззиъа,* تيقن – *туйуққина,* تووصف – *тувуссифа,* وقر – *вуқира* тарзида тусланаверади.

Бўш феълларнинг мажҳул нисбати шаклига мисол:

غبنا – *губна:*, غبت – *губту,* غبتن – *губтунна,* غبتما – *губтума:*, غبت – *губта,* غبتم – *губтум,* غبتما – *губтума:*, غبت – *губти,* غبن – *губна,* غيبتا – *гуйибата:*, غيبت – *гуйибат,* غيبوا – *гуйибу:*, غيبا – *гуйиба:*, غيب – *гуйиба.*

Ноқис феълларнинг мажҳул нисбати:

رميت – *румийту,* رمينا – *румийна:*, رميتن – *румийтунна,* رميتما – *румийтума:*, رميت – *румийта,* رميتم – *румийтум,* رميتما

– *румийтума:*, رميت – *румийти*, رمين – *румийна*, رميتا – *румийата:*, رميت – *румийат*, رموا – *руму:*, رميا – *румийа:*, رمى – *румийа.*

Шундай қилиб, уч ўзакли *ноқис* феъллар ва уларга тегишли ҳосила бобларининг мажҳул нисбати юқоридаги сингари тусланади.

استهدي – *‘истаҳда:*, تقوضي – *тақаввада:*, تلقى – *талаққа:*, انثنى – *‘инсана:*, اجتبي – *‘ижтаба:*, جوفي – *жаваффа:*, ربي – *рабба:*, أرضي – *‘арда:* каби феъллар ҳам шу тарзда тусланади.

Феълларнинг ҳозирги - келаси замон шакли.

Ҳозирги - келаси замон феъли олдига ي – *йа:* ت – *та:* т , ء – *ҳамза*, ن – *ну:н* н ҳарфлари қўшилган ҳолда ясалади, масалан: نفعل – *нафъалу*, أفعل – *афъалу*, تفعل – *тафъалу*, يفعل – *йафъалу.*

Иккиланган феълларнинг шарт майли қуйидагича:

لم يعضض – *лам йаъдид*, لم يعض – *лам йаъидда*, لم يستحبب – *лам йастаҳбиб*, لم يستحب – *лам йастаҳибба.*

Ушбу шаклдаги феъллар юқоридагидек тусланиб, охирги иккита бир хил ундошнинг биринчиси иккинчисининг ичига киритилиб юборилаверади. Масалан,

يقشعرر – *лам йақшаъриру* – لم يقشعر – *лам йақшаъирра* – يقشعر – *йақшаъирру*,

يحمرر – *йаҳмариру* – لم يحمر – *лам йаҳмарра* – يحمر – *йаҳмарру.*

Агар иккиланган феълнинг ўрта ўзаги *дамма* лик бўлса, у ҳолда шарт майли барча ҳаракатларда келиши мумкин. Масалан,

لم يشدد – *лам йашдуд*, لم يشد – *лам йашудда*, يشد – *йашудду*, شد – *шадда.*

Бундай феъллар فعل – *фаъала* ва تفعل – *тафъаъалу* бобларида тўғри феъллардек тусланади.

Тўғрига ўхшаш феъллар. Касал феълку бу ҳам?

نثب – *насибу*, أثب – *‘асибу*, تثبن – *тасибна*, تثبان – *тасиба:ни*, تثبين – *тасиби:на*, تثبون – *тасибу:на*, تثبان – *тасиба:ни*, تثب –

тасибу, يثبن – *йасибна,* تثبان – *тасиба:ни,* تثب – *тасибу,* يثبون – *йасибу:на,* يثبان – *йасиба:ни,* يثب – *йасибу.*

يفعل – *йафъалу* – فعل – *фаъала,* يفعل – *йафъилу* – فعل – *фаъила* вазнидаги тўғрига ўхшаган барча феълларнинг و – *ва:в* ҳарфи тушиб қолади. Шунингдек, аслида يفعل – *йафъалу* – فعل – *фаъала* вазнида бўлган, лекин истеъмолда يفعل – *йафъулу,* فعل – *фаъула* вазнида ишлатиладиган феълларда ҳам و – *ва:в* ҳарфи туширилиб қолдирилади. Масалан, يقع – *йақаъу,* وقع – *вақаъа,* يدع – *йадаъу,* ودع – *вадаъа,* يضع – *йадаъу,* وضع – *вадаъа,* يهب – *йаҳабу,* وهب – *ваҳаба.*

Шу сингари аслида يفعل – فعل *фаъила* – *йафъилу* бўлган, лекин истеъмолда فعل – يفعل вазнида қўлланиладиган феълларда ҳам و – *ва:в* туширилиб қолдирилади. Масалан, يسع – *йасаъу* – وسع – *васиъа,* يطأ – *йата‘у* – وطئ – *вати‘а.*

Бундан бошқа ҳолларда يفعل – *йаф‘илу* вазнидаги феълларда و – *ва:в* туширилмайди. Масалан, يوجل – *йавжилу,* يوجع – *йавжиъу,* يوحل – *йавҳилу.*

Шунингдек، يوضؤ – *йавда‘у* يوقح – *йавқиҳу* феълларида ҳам *ва:в* туширилмайди. Демак, ўрта ўзаги *дамма* бўлган ёки асли *фатҳа* бўлган барча феълларда و – *ва:в* туширилмайди. Бироқ, وله – *валиҳа* феълини баъзилар توله المرأة – *тавлаҳу-л-мар‘ату* деб, баъзилар تله المرأة – *талаҳу-л-мар‘ату* деб айтишган. Булар икки хил тил бўлиб, توله المرأة – *тавлаҳу-л-мар‘ату* деб айтганлари бу феълни يفعل – *йафъилу* – فعل – *фаъила* вазнига солиб, تله المرأة – *талаҳу-л-мар‘ату* деб айтганлари аслида бу يفعل – *йафъилу* вазнида бўлган деб و – *ва:в* ҳарфини тушириб, сўнг يفعل – *йафъилу* вазнига солиб айтишган. يستوجب – *йаставжибу,* يتوكل – *йатаваккалу,* يتهب – *йаттаҳибу,* ييسر – *йуйассиру,* يوجه – *йуважжиҳу,* يوعد – *йувъиду* вазнларида тўғри феъллар сингари тусланаверади.

Бўш феълларда ҳозирги - келаси замон шаклининг ясалиши.

نبيع – *наби:ъу,* أبيع – *аби:ъу,* تبعن – *табиъна,* تبيعان – *таби:ъа:ни,* تبيعين – *таби:ъи:на,* تبيعون – *таби:ʻу:на,* تبيعان – *таби:ъа:ни,* تبيع – *таби:ъу,* يبعن – *йабиъна,* تبيعان – *таби:ъа:ни,* تبيع – *таби:ъу,* يبيعون – *йаби:ъу:на,* يبيعان – *йаби:ъа:ни,* يبيع – *йаби:ъу.*

Шунингдек, يستحيب – *йастажи:бу,* ينقاد – *йанқа:ду,* يختار – *йахта:ру,* يجيب – *йужи:бу,* يطول – *йату:лу,* ينام – *йана:му,* يقول – *йақу:лу* каби феъллар ҳам юқоридаги каби тусланади. Бундай феъллар муаннас кўпликда тусланганда ي – *йа:,* و – *ва:в,* ا – *али:ф* алифлар туширилиб қолдирилади ва يستجبن – *йастажибна,* ينقدن – *йанқадна,* يخترن – *йахтарна,* يجبن – *йажибна,* يطلن – *йатулна,* ينمن – *йанамна,* يقلن – *йақулна,* يبعن – *йабиъна* шаклида бўлади.

Шунингдек, бу қолипдаги феъллар шарт майлида келганида қуйидаги шахсларда иллатли ҳарфлари тушиб қолади:

لم تقل – *лам нақул,* لم أقل – *лам ақул,* لم يقل – *лам йақул.*

Юқоридаги يختار – *йахта:ру,* يجيب – *йужи:бу* феълларида ҳам шундай бўлади. Бошқа шахсларда иллатли ҳарф тушиб қолмайди. Масалан, لم تقولي – *лам тақу:ли:,* لم تقولوا – *лам тақу:лу:,* لم يقولوا – *лам йақу:лу:,* لم تقولا – *лам тақу:ла:,* لم يقولا – *лам йақу:ла:.*

Шу қолипдаги феъллар استفعل – *истафъала,* انفعل – *инфаъала,* افتعل – *ифтаъала,* أفعل – *афъала* бобларида келганида ҳам юқоридаги ҳолатлар рўй беради.

Ноқис феълларнинг ҳозирги - келаси замон шакли.

نرمي – *нарми:,* أرمي – *арми:,* ترمين – *тармина,* ترميان – *тармийа:ни,* ترمين – *тармина,* ترمون – *тармуна,* يرميان – *йармийа:ни,* ترميان – *тармийа:ни,* ترمي – *тарми:,* يرمون – *йармуна,* يرميان – *йармийа:ни,* يرمي – *йарми:.*

Бундай феълларда *муаннас* кўплик шакли иккинчи шахс *муаннас* шакли билан бир хилда тусланади. ي – *йа:* ҳарфидан

олдинги ҳарфнинг ҳаракати касра бўлган барча феълларда ушбу ҳолат юз беради.

Шунингдек يستعدي – *йастаъди:*, ينبري – *йанбари:*, يرتجي – *йартажи:*, يناجي – *йуна:жи:*, يربي – *йурабби:*, يهدي – *йаҳди:* феълларида ҳам шундай бўлади.

Юқоридаги феъллар يفعل – *йафъалу* ва يفعل – *йафъулу* вазнида келганида музаккар кўплик ва муаннас кўплик шакллари бир хилда бўлади. Масалан,

تدعون – *тадъу:на,* أدعوا – *адъу:,* ندعوا – *надъу:,* تدعوان – *тадъува:ни,* تدعين – *тадъи:на,* تدعون – *тадъу:на,* تدعوان – *тадъува:ни,* تدعو – *тадъу:,* يدعون – *йадъу:на,* تدعوان – *тадъува:ни,* تدعو – *тадъу:,* يدعون – *йадъу:на,* يدعوان – *йадъува:ни,* يدعو – *йадъу:.*

Ушбу феъллар истак майлида келганида يفعل – *йафъалу* ва يفعل – *йафъулу* вазнида бўлса, уларнинг охири *фатҳа* билан тугайди. Масалан, لن يرمي – *лан йарма:,* لن يدعو – *лан йадъува,* агар يفعل – *йафъилу* вазнида бўлса, у ҳолда ўз ҳолича қолаверади. Масалан, لن يرضي – *лан йарда:.*

Юқоридаги *ноқис* феъллар *шарт* майлида келганида улардаги *иллат* ли ҳарфлар тушиб қолади. Шунингдек, муаннас кўпликнинг ن – *ну:н* дан бошқа шахслардаги ن – *ну:н* лар ҳам шарт ва истак майлида тушиб қолади.

Ҳозирги келаси - замон феълининг мажҳул нисбати ва уларга шахс сон қўшимчаларининг қўшилиши.

تضربين – *тадриби:на,* تضربان – *тадриба:ни,* تضربن – *тадрибна,* تضربون – *тадрибу:на,* أضرب – *адрибу,* نضرب – *надрибу,* تضربان – *тадриба:ни,* تضرب – *тадрибу,* يضربن – *йадрибна,* تضربان – *тадриба:ни,* تضرب – *тадрибу,* يضربون – *йадрибу:на,* يضربان – *йадриба:ни,* يضرب – *йадрибу.*

Шунингдек, يتناهب – *йатана:ҳабу,* يتطلب – *йататаллабу,* يحارب – *йуҳа:рабу,* يجرب – *йужаррабу,* يكرم – *йукраму* феъллари ҳам юқоридаги сингари тусланади. تتطلب –

таталлабу ва تتناهب – *татана:ҳабу* шаклларида иккинчи ت – *та:* ни тушириб қолдириш мумкин эмас. Чунки, бу шаклдаги феъллар аниқ нисбатда келганида *та:* лардан бири тушиб қолиши мумкин. Лекин мажҳул нисбатда бу ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас.

Иккиланган شد – *шадда* феълининг тусланиши:

نشد – *нашудду,* أشد – *ашудду,* تشددن – *ташдудна,* تشدان – *ташудда:ни,* تشدين – *ташудди:на,* تشدون – *ташудду:на,* تشدان – *ташудда:ни,* تشد – *ташудду,* يشددن – *йашдудна,* تشدان – *ташудда:ни,* تشد – *ташудду,* يشدون – *йашудду:на,* يشدان – *йашудда:ни,* يشد – *йашудду.*

Шу қолипдаги يحب – *йуҳиббу* ва يحاب – *йуҳа:ббу* феъллари ҳам юқоридагидек тусланади. Бироқ يحاب – *йуҳа:ббу* феъли аниқ нисбат билан бир хил бўлади. Бунда иккиланган ب – *ба:* ҳарфларининг ораси очилганда мажҳул нисбат эканлиги билинади. يستحب – *йастаҳиббу,* يحاب – *йуҳа:ббу,* يحب – *йуҳиббу* феъллари шарт майлида келганида ҳар уч кўринишда ҳам тўғри бўлади, масалан: لم يستحبب – *лам йастаҳбиб,* لم يستحب – *лам йастаҳибба,* لم يستحب – *лам йастаҳиб,* لم يحبب – *лам йуҳбиб,* لم يحب – *лам йуҳибба,* لم يحب – *лам йуҳиб.*

Бироқ يرتب – *йураттибу* ва يتجسس – *йатажассасу* феъллари тўғри феъллар сингари тусланади.

Тўғрига ўхшаш феълларнинг ҳозирги – келаси замонининг мажҳул нисбати

نوعد – *ну:ъаду,* أوعد – *у:ъаду,* توعدن – *ту:ъадна,* توعدون – *ту:ъаду:на,* توعدان – *ту:ъада:ни,* توعد – *ту:ъаду,* يوعدان – *йу:ъада:ни,* توعدان – *ту:ъада:ни,* يوعد – *йу:ъаду,* يوعدون – *йу:ъаду:на,* يوعدان – *йу:ъада:ни,* يوعد – *йу:ъаду.*

أفعل – *афъалу* ва نفعل – *нафъалу* шаклидаги феъллар иш ҳаракатнинг ҳам ҳозирги замонда давом этаётганлигини ҳам келаси замонда рўй беришини билдиради. Масалан, الان يفعل – *ал-а:на йафъалу* – "у ҳозир қилаяпти".

Иш ҳаракатнинг ҳозирги - келаси замонда давом этаётганлигини билдирган феълга حال – *ҳа:лун* ва حاضر – *ҳа:дирун* дейилади.

Шунингдек, غدا يفعل – *йафъалу ғадан* – “эртага қилади”. Келаси замонни билдирган феълга مستقبل – *мустақбалун* дейилади.

Агар феъл олдидан سين – *си:н* ёки سوف – *савфа* лар келса, у ҳолда феъл фақатгина келаси замонни билдиради. бунда келаси замон уч хилда келиши мумкин.

1. Аниқлик майлида. Масалан, يضرب – *йадрибу* – “уряпти”.

2. Истак майлида. Масалан, لن يضرب – *лан йадриба* – “сира ҳам урмайди”.

3. Шарт майлида. Масалан, لم يضرب – *лам йадриб* – “урмади”.

Келаси замон феъли аниқ ва мажҳул нисбатга эга. Аниқ нисбатдаги феълнинг биринчи ҳарфи *фатҳа* лик бўлади. Фақат يفعل – *йуфъалу*, يفعلل – *йуфаълилу*, يفعل – *йуфъилу*, يفاعل – *йуфа:ъилу* бобларида биринчи ҳарфи *дамма* лик. Бу тўрт бобнинг аниқ нисбати тўртинчи ҳарфининг ҳаракати *касра* эканлигидан билинади. Булар يفاعل – *йуфа:ъилу*, يفعل – *йуфъилу*, يفعل – *йуфъалу* лардаги ع – *айн* ҳарфлари ва يفعلل – *йуфаълилу* даги биринчи ل – *ла:м* ҳарфларидир.

Мажҳул нисбатдаги феълнинг эса биринчи ҳарфи *дамма* лик бўлади. Юқоридаги тўрт боб феълларининг айтиб ўтилган тўртинчи ҳарфининг *касра* си *фатҳа* га айланади.

Феълнинг аниқ нисбатда ва аниқлик майлида тусланиши:

تضربين – *тадриби:на*, تضربان – *тадриба:ни*, تضربن – *тадрибна*, تضربون – *тадрибу:на*, أضرب – *адрибу*, نضرب – *надрибу*, تضربان – *тадриба:ни*, تضرب – *тадрибу*, يضربن – *йадрибна*, تضربان – *тадриба:ни*, تضرب – *тадрибу*, يضربون – *йадрибу:на*, يضربان – *йадриба:ни*, يضرب – *йадрибу*.

يتختر – *йатахаттару*, يدرج – *йададарражу*, يستفتح – *йастафтиҳу*, ينهزم – *йанҳазиму*, يلتمس – *йалтамису*, يحاسب –

йуҳа:сибу, يجرب – *йужаррибу,* يكرم – *йукриму* феъллари ҳам аниқ нисбат ва аниқлик майлида юқоридаги сингари тусланади.

تفعل – *тафъаъала* бобининг келаси замони:

يتقلدن – *йатақалладна,* يتقلدون – *йатақалладу:на,* تتقلدن – *татақалладна,* تتقلدون – *татақалладу:на,* نتقلد – *натақалладу,* يتقلدان – *йатақаллада:ни,* تتقلدان – *татақаллада:ни,* تْتقلد – *татақалладу,* يتقلد – *йатақалладу,* تتقلدين – *татақаллади:на,* تتقلد – *татақалладу,* أتقلد – *атақалладу.*

Агар исталса تفعّل тафаъъала бобининг ҳозирги келаси замонида иккита ت – *та:* дан битта ت – *та:* ни тушириб туслаш ҳам мумкин. Масалан, تقلدن – *тақалладна,* تقلدان – *тақаллада:ни,* تقلدين – *тақаллади:на,* تقلدون – *тақалладу:на,* تقلدان – *тақаллада:ни,* تقلد – *тақалладу.*

Бу ҳолат تفعلل – *тафаълала,* تفاعل – *тафа:ъала* бобларида ҳам мавжуд, жумладан, تتباعد – *татаба:ъаду* ҳам, تباعد – *таба:ъаду* ҳам дейиш мумкин.

Истак ва шарт майлларида феълларнинг иккилик ва кўпликни билдирувчи ن – *ну:н* лари тушиб қолади. Фақат муаннас кўпликдаги ن – *ну:н* лар ўз жойида қолади. Масалан, لن يضربن – *лан йадрибна,* لن يضربوا – *лан йадрибу:,* لن يضربا – *лан йадриба:,* لم يضربن – *лам йадрибна,* لم يضربوا – *лам йадрибу:,* لم يضربا – *лам йадриба:.*

Иккиланган феъллар

يدبن – *йадбубна,* يدبون – *йадуббу:на,* تدبن – *тадбубна,* تدبون – *тадуббу:на,* ندب – *надуббу,* تدبان – *тадубба:ни,* يدبان – *йадубба:ни,* تدبان – *тадубба:ни,* تدب – *тадуббу,* يدب – *йадуббу,* تدبين – *тадубби:на,* تدب – *тадуббу,* أدب – *адуббу.*

يستحب – *йастаҳиббу,* يتضام – *йатада:ммму,* ينفك – *йанфакку,* يحتاج – *йаҳта:жжу,* يحاد – *йуҳа:дду,* يحب – *йуҳиббу,* يعض – *йа'адду,* يشد – *йашудду* феъллари ҳам юқоридаги сингари

тусланади. Ўрта ўзак унлиси *фатҳа* ли ёки *касра* ли бўлган иккиланган феъллар шарт майлида уч кўринишда келиши мумкин.

1. لم يدب – *лам йадубба* – لم يحب – *лам йуҳибба;*
2. لم يدب – *лам йадуб* – لم يحب – *лам йуҳиб;*
3. لم يدبب – *лам йадбуб* – لم يحبب – *лам йуҳбиб.*

Шунингдек, يورث – *йу:рису,* يوجب – *йу:жибу* сингари тўғрига ўхшаган феъллар тўғри феъллар каби тусланади.

Бўш феълларнинг мажҳул нисбати

يعبن – *йуъабна,* يعابون – *йуъа:бу:на,* تعبن – *туъабна,* تعابون – *туъа:бу:на,* نعاب – *нуъа:бу,* تعابان – *туъа:ба:ни,* يعابان – *йуъа:ба:ни,* تعابان – *туъа:ба:ни,* تعاب – *туъа:бу,* يعاب – *йуъа:бу,* تعابين – *туъа:би:на,* تعاب – *туъа:бу,* أعاب – *уъа:бу.*

يستجاب – *йустажа:бу,* يختار – *йухта:ру,* يجاب – *йуҳа:ббу* феъллари ҳам юқоридагидек тусланади. Бу феъллар шарт майлида يختار – *йухта:ру,* ينام – *йана:му* феъллари каби бўлади.

يتداول – *йатада:валу,* يتعود – *йатаъаввaду,* يجاود – *йужа:виду,* يتوح – *йату:ҳу* шаклидаги феъллар тўғри феъллар каби бўлади.

Ноқис феълларнинг мажҳул нисбати

يرمين – *йурми:на,* يرمون – *йурму:на,* ترمون – *турму:на,* نرمى – *нурма:,* ترمان – *турма:ни,* يرمان – *йурма:ни,* ترمان – *турма:ни,* ترمى – *турма:,* يرمى – *йурма:,* ترمين – *турми:на,* ترمى – *турма:,* أرمى – *урма:.*

Иллат ли ҳарфи *ва:в* дан иборат барча уч ўзакли *ноқис* феъллар ҳамда يقلسى – *йуқаллиси:,* يتقلسى – *йатақалласа:,* يتعاطى – *йута'а:та:,* يتجرى – *йатажарра:,* يرتضى – *йартада:,* يجاهى – *йужа:ҳи:,* يحلى – *йуҳалли:,* يهدى – *йаҳди:* қолипидаги феъллар ҳам юқоридаги каби тусланади.

Ушбу феъллар истак майлининг бирликдаги барча шакллари ва биринчи шахс кўпликдаги кўриниши аниқлик майли сингари бўлади. Масалан, نرمى – *нарми:,* يرمى – *йарми:*

каби. Бу феълларнинг шарт майлида эса иллатли ҳарфлари тушиб қолади, масалан: لم يرم – *лам йарми,* لم نرم – *лам нарми.*

Буйруқ майли

Соф буйруқ майли ҳозирги келаси замон феълидан ясалади. Ясаш усули олд қўшимчани олиб ташлаш ва охирини сукун қилиш, қолганини ўзгартирмасликдан иборат. Масалан, ضع – *даъ* – تضع – *тадаъу,* دحرج – *даҳриж* – تدحرج – *тадаҳражу,* تطلب – *таталлиб* – تتطلب – *тататаллабу,* تقاعد – *тақа:ъид* – تتقاعد – *татақа:ъаду,* جارب – *жа:риб* – تجارب – *тужа:рибу,* جرب – *жарриб* – تجرب – *тужаррибу.*

أكرم – *‘акрама* феълига келсак, бунинг асли تؤكرم – *ту‘акриму* бўлиб, буйруғи أكرم – *‘акрим* ҳолатига келган. Феълдаги олд қўшимчадан кейинги ҳарф ҳаракатлик бўлганлиги сабабли ушбу ҳолат юзага келади. Агар келаси замон олд қўшимчасидан кейинги ҳарф *сукун* лик бўлса, буйруқ майли *касра* ли *ҳамза* дан бошланади. Масалан, اضرب – *‘идриб* – تضرب – *тадрибу,* استفعل – *истафъил* – تستفعل – *тастафъилу,* افتعل – *ифтаъил* – تفتعل – *тафтаъилу.*

Агар юқоридаги *сукун* ли ҳарфдан кейинги ҳарфнинг ҳаракати *дамма* бўлса, буйруқ майли *дамма* лик *ҳамза* дан бошланади. Масалан, أقتل – *‘уқтул* – تقتل – *тақтулу,* أقرب – *‘уқруб* – تقرب – *тақрубу.*

Билишинг лозимки, *ҳамза* фақатгина феълдан буйруқ майли ясалаётганда бошида қўйилади. Агар ундан олдин бирор сўз бўлса, албатта унга *васла* қилинади. Масалан, فاضرب – *фа’дриб* – اضرب – *‘идриб,* يا رجل اضرب – *йа ражулун ‘идриб.*

Учинчи шахс бериладиган буйруқлари шакллари ل – *ла:м* билан ясалади. Масалан, ليقتلوا – *лийақтулу:,* ليقتل – *лийақтул.*

Феъл шарт майлида келганида бу *ла:м* қўшилмайди. Масалан, لم يقتلوا – *лам йақтулу:,* لم يقتل – *лам йақтул.*

Иккинчи ва биринчи шахслар мажҳул нисбатларининг буйруқ майли ҳам ل – *ла:м* билан ясалади. Масалан, ليضرب يا زيد! يا زيد! – *лийадриб йа: Зайдун* – Урилгин эй Зайд! (Яъни сени уришсин маъносида) لتضرب – *литадриб,* لتضربا – *литадриба:,* لتضربوا – *литадрибу:,* لتضربي – *литадриби:,* لتضربا – *литадриба:,* لتضربن – *литадрибна,* لاضرب – *лиадриб,* لنضرب – *линадриб.*

Соф буйруқ майли қуйидагича тусланади: اضرب – *‘идриб,* اضربا – *‘идриба:,* اضربوا – *‘идрибу:,* اضربي – *‘идриби:,* اضربا – *‘идриба:,* اضربن – *‘идрибна.*

دحرج – *даҳража,* انصلب – *инсалаба,* تطلب – *таталлаба,* تباعد – *таба:ъада,* استجب – *‘истажаба,* أقتل – *‘ақтала,* البس – *‘албаса,* حاسب – *ҳа:саба,* اقترح – *‘иқтараҳа* феъллари ҳам шахс сонларда юқоридаги каби тусланади.

Иккиланган феъллардан буйруқ майлининг ясалиши

Агар феълнинг иккиланган ундошидан олдинги ҳарфнинг ҳаракати келаси замонда *касра*лик ёки *фатҳа*лик ва ёки *сукун*лик бўлса, у ҳолда буйруқ майли уч хил кўринишда ясалиши мумкин. Масалан,

اعضض – *‘иъдид* – عض – *ъидда* – عض – *ъадда* – يعض – *йаъадду,*

افرر – *‘ифрир* – فر – *фирра* – فر – *фарра* – يفر – *йафирру,*

تضامم – *тада:мим* – تضام – *тада:мми* – تضام – *тада:мма* – يتضام – *йатада:ммu.*

Агар иккиланган ундошдан олдинги ҳарфнинг ҳаракати *дамма* бўлса,у буйруқ майли тўрт кўринишда ясалади.

اشدد – *‘ушдуд* – شد – *шудда* – شد – *шудди* – شد – *шудду,*

أمدد – *‘умдуд* – مد – *мудда* – مد – *мудди* – مد – *мудду.*

Буйруқ майлидаги иккиланган феълларнинг шахс сонда тусланиши

فروا – *фирру:* – فرا – *фирра:* – فر – *фирра,*

افررن – *ифрирна* – فرا – *фирра:* – في – *фирри:.*

Иккиланган феълларнинг қолган барчаси ҳам шундай тусланади. мазкур феъллар فعل – *фаъала* ва تفعل – *тафъалу* бобларида тўғри феъллар билан бир хил бўлади.

Тўғрига ўхшаш феълларнинг буйруқ майли

عدوا – *ъадду:* – عدا – *ъадда:* – عد – *ъадда,*

عدن – *ъадна* – عدا – *ъадда:* – عدي – *ъадди:.*

Келаси замонда و – *ва:в* тушиб қоладиган барча феъллар буйруқ майлида шундай тусланади. Келаси замонда вов ҳарфи тушиб қолмайдиган феълларда эса *ва:в* ҳарфи *йа:* га ўзгаради. Бунинг сабаби ундан олдинги ҳаракат *касра* бўлганлигидадир.

ايجل – *ийжал* – اوجل – *ивжал* – يوجل – *йавжалу,*

ايجع – *ийжаъ* – اوجع – *ивжаъ* – يوجع – *йавжаъу.*

Агар ундан олдинги ҳаракат *фатҳа* ёки *дамма* бўлса, у ҳолда *ва:в* сақланади. Масалан, و أوجع – *ва авжиъ,* يا رجل اوجع – *йа ражулун авжиъ.*

Шунингдек, أوقح – *авақаҳа,* أوضؤ – *авада'а* феъллари буйруқ майлида أوقح – *'ивқаҳ,* أوضؤ – *'ивда]* тарзида бўлади. ولّه – *валаҳа* феълидан ايلح – *ийлаҳ* ва لّه – *лаҳ* шаклида буйруқ майлини ясаш мумкин. Чунки, юқорида айтганимиздек, бу феълнинг келаси замонини баъзилар تولّه – *тавлиҳу* деб, баъзилар تلّه – *талиҳу* деб қўллайдилар. Қолган тўғрига ўхшаш феъллардан тўғри феъллар каби буйруқ майли ясалади.

Бўш феълларнинг буйруқ майли

بعن – *биъна,* بيعا – *би:ъа:,* بيعي – *би:ъи:,* بيعوا – *би:ъу:,* بيعا – *би:ъа:,* بع – *биъ.*

Феълнинг *иллат* ли ҳарфидан олдинги ҳарф касралик бўлса, буйруқ майли юқоридаги тарзда ясалади. Иллатли ҳарфидан олдинги ҳарфи *фатҳа* лик бўлган барча феъллар қуйидагича тусланади. Масалан, خفن – *хафна,* خافا – *ха:фа:,* خافي – *ха:фи:,* خافوا – *ха:фу:,* خافا – *ха:фа:,* خف – *хаф.*

Иллатли ҳарфдан олдинги ҳарфнинг *дамма* лик бўлишига мисол:

قلن – *қулна,* قولا – *қу:ла:,* قولي – *қу:ли:,* قولوا – *қу:лу:,* قولا – *қу:ла:,* قل – *қул.*

Аммо تجاوز – *тажа:ваза,* تكيس – *такаййаса,* تخوف – *тахаввафа,* جارب – *жа:раба,* عوذ – *ъавваза* феълларини буйруқ майли тўғри феълларнинг буйруғи кабидир.

Ноқис феълларнинг буйруқ майли

ارموا – *ирму:,* ارميا – *ирмийа:,* ارم – *ирми*

ارمين – *ирми:на,* ارميا – *ирмийа:,* ارمي – *ирми:.*

Ноқис феълларнинг барчасида буйруқ майлида охиридаги *иллат* ли ҳарфлар шарт майлидаги сингари тушиб қолади.

Биринчи ва учинчи ўзаги *иллат* ли бўлган феъллардан буйруқ майлининг ясалиши.

ش الثوب-- - – *ши-с-савба* – "кийимни беза", ع العلم – *ъи-л-ъилма* – "илмни идрок эт", ف بالعهد – *фи би-л-ъаҳди* – "аҳдга вафо қил", ق أخاك – *қи аха:ка* – "биродарингни асра". Шу қолипдаги барча феъллар юқоридаги шаклга ўхшайди. Биринчи ва учинчи ўзаклари тушиб қолади ва иккинчи ўзакнинг ўзи қолади. Агарда буйруқ майлида битта ҳарфдан иборат бўлиб турган сўзга бошқа сўзни қўшмасангиз, у ҳолда унга *сукун* лик ه – *ҳа:* ни қўшгин. Бу ه – *ҳа:* هاء الوقف – *ҳа:у-л-вақфи* ва هاء السكت – *ҳа:у-с-сакти* "тўхташ ه – *ҳа:"*си дейилади.

Таажжуб феъллари

Таажжуб феъллари أفعل به – *'афъалуҳу биҳи,* ما أفعله – *ма: 'аф'алуҳу* шаклида ясалади, масалан: ما أضرب زيدا – *ма:'адрабу Зайдан* – "Зайд қандай ҳам яхши ургувчидир", أضرب بزيد – *'адрабу би Зайдин.*

Таажжуб феъли фақатгина уч ўзакли феълларнинг биринчи бобидан ясалади. Бироқ ранг ва жисмоний камчиликни билдирувчи феъллардан ясалмайди. Гарчи бу феъллар уч ўзакли бўлса ҳам бошқа боблардан ҳам ясалмайди.

Масалан, иккинчи боб جرب – *жарраба* феълидан ما أجربه – *ма: 'ажрабуҳу* деб бўлмайди. Ҳудди шундай, أعور – *'аъвара,*

اكرم – *‘акрама* феълларидан ҳам ҳосил қилинмайди. Балки булардан қуйидагича ясаш мумкин: ما أحسن، اكرام زيد – *ма: ‘аҳсана икра:ми Зайдин* – “Зайднинг ҳурмат қилиши қандай чиройли!”.

Иккиланган ва иллатли феъллардан тааҗҗубни ифодалаш.

أرم به – *‘арма биҳи,* أقول به – *‘ақвала биҳи,* ما أرماه – *ма: ‘арма:ҳу,* أشدد به – *‘ушдуд биҳи,* أوعد به – *‘авъид биҳи,* ما أقوله – *ма: ‘ақвалаҳу,* ما أعوده – *ма: ‘авъадаҳу,* ما أشده – *ма: ‘ашаддаҳу* тарзида юқоридаги қоидага кўра ифодаланади. Кўриниб турибдики, бўш феъллардан тааҗҗуб ҳосил қилинганда *иллат* ли ҳарф тикланади, яъни ما أقوله – *ма: ‘ақвалаҳу* тарзида. Бу ما أقاله – *ма: ‘ақа:лаҳу* шаклида ҳосил қилинмайди.

Масдар

Масдар бу феълнинг асли бўлиб, ўзбек тилидаги ҳаракат номига мос келади. Феъллар масдардан ҳосил қилинади. Масалан, ضرب – *дараба* – ضرب – *дарбун,* قتل – *қатала* – قتل – *қатлун.*

У ўзакли феъллардан бир марталик ҳаракат номи ясамоқчи бўлсанг, уларнинг охирига ة *та марбута* қўшилади. Масалан, فعلة – *фаълатун* – فعل – *фаъала,* ضرب ضربة – *дараба дарбатан* – “бир марта урди”, شرب-شربة – *шариба шарбатан* – “бир марта ичди”, سقاه سقية – *сақа:ҳу сақийятан* – “бир марта сув берди”.

Аллоҳ таоло Қуръонда فاذا نفخ في الصور نفخة واحدة – *фа ‘иза: нуфиха фи-с-су:ри нафхатан ва:ҳидатан* оятини келтиради.

Шунингдек, شربت شربتين – *шарибту шарбатайни* – “икки марта ичдим” ёки شربت ثلاث شربات – *шарибту сала:са шарба:тин* – “уч марта ичдим” дейиш ҳам мумкин.

Бошқа боблардан ابتسمت ابتسامة – *‘ибтасамту ‘ибтиса:матан,* عرش الراكب تعريشة – *ъараша-р-ра:кибу таъри:шатан,* أكرمته اكرامة – *‘акрамтуҳу ‘икра:матан* тарзида ҳосил қилинади.

Масдар гоҳида ҳосила бобларнинг мажҳул даража сифатдоши вазнида келади. Масалан, مدخل – *мудхалун* – "киритиш", المخرج – *'ал-мухражу,* المشرح – *'ал-мушираҳу,* تطلب – *таталлаба* – متطلب – *мутаталлабун,* اضترب – "*идтараба* – مضطرب – *мудтарабун,* تناول – *тана:вала* – متناول – *мутана:валун.*

Шунингдек, حسنة – *ҳасанатун,* جلسة – *жаласатун* ва قعدة – *қаъдатун,* ركبة – *ракбатун* шаклида ҳам келади. Булар ҳам قعود – *қуъу:дун,* ركوب – *руку:бун,* جلوس – *жулу:сун* маъносидаги ҳаракат номларининг кўринишидир. أفعل – *'афъала* бобининг масдари افعال – *'ифъа:лун* қолипида ясалади.

Бўш феълларнинг масдари

Ажваф феълларнинг масдари افعالة – *'ифъа:латун* вазнида ясалади. Масалан, اغاثة – *'иға:сатун,* اثابة – *'иса:батун.*

Агар فعل – *фаъала* бобида бўлса, *масдар* и تفعلة – *тафъилатун,* تفعيل – *тафъи:лун* вазнида ясалади. Агар феъл охири *ҳамза* ёки *иллат* ли ҳарф бўлса, кўпроқ تفعلة – *тафъилатун* вазнида келади. Масалан,

هنأه تهنئة – *ҳанна'аҳу таҳни'атан* – "уни яхши табриклади", رباه تربية – *рабба:ҳу тарбиятан* – "уни яхши тарбиялади".

تفعل – *тафъъала* ва تفاعل – *тафа:ъала* бобларининг *масдар* лари تفعل – *тафъъулун* ва تفاعل – *тафа:ъулун* қолипида ясалади. Агар бу боблардаги феъл ноқис феъл бўлса қуйидагича бўлади: تناجيا – *тана:жийан* – تناجي – *тана:жа:,* ترائيا – *тара'ийан* – تراءى – *тара'айа,* ترجيا – *тараажжуйан* – ترجى – *тараажжа:,* تأبيا – *та'аббуйан* – تأبى – *та'абба:.*

Аниқ даража сифатдоши

Уч ўзакли феъллар биринчи бобининг аниқ даража сифатдоши кўпроқ فاعل – *фа:ъилун* вазнида ясалади. Масалан, ضارب – *да:рибун* "ураётган" ёки شاد – *ша:ддун* бунинг асли شادد – *ша:дидун* бўлган. بائع – *ба:'иун,* قائل – *қа:'илун* уларнинг

асли بايع – *ба:йи‘ун,* قاول – *қа:вилун* бўлган, رام – *ра:мин,* غاز – *ға:зин* уларнинг асли غازى – *ға:зийун,* رامى – *ра:мийун.*

Сифатдошлар ноаниқ ҳолатда йа: сиз *танвин* билан келади. Бу ҳолат бош ва қаратқич келишикларда юз беради. Аммо тушум келишигида *йа:* ҳарфи тикланади. Масалан, رأيت راميا – *ра‘айту ра:’мийан* – “камончини кўрдим”.

Агар бу сифатдошлар *ал* аниқлик артикли билан келса ёки *изофа* нинг *музоф* қисми бўлса, бош ва қаратиш келишикларида сукунлик *йа:* билан тушум келишигида *фатҳа* ли *йа:* билан келади. Бу қоида охири *йа:*, ундан олдинги ҳарфи *касра* лик бўлган барча аниқ даражадаги сифатдошларга тегишлидир. Масалан,

معروف – *маъру:фун,* مقلس – *муқласун,* متقلس – *мутақалласун,* مجتب – *мужтаббун,* منقض – *мунқаддун,* مرعو – *маръуввун,* متوار – *мутава:рин,* مستفت – *мустафатун,* مجاز – *мужа:зун,* مرب – *мураббин,* مرض – *мурдин.*

Аниқ даража сифатдоши فعلة – *фаъалатун,* فعل – *фаъалун,* فعال – *фаъа:лун* вазнларида ҳам келиши мумкин. Масалан, منعة – *манаъатун,* منع – *манаъун,* مناع – *манн:аъун* – “ман этувчи”.

Сифатдош *ноқис* феъллардан فعلة – *фуълатун* вазнида ясалиши мумкин. Масалан, رماة – *рума:тун* – “камончилар”, غزاة – *ғуза:тун* – “жанг қилувчилар”. Буларнинг асли غزوة – *ғузватун,* رمية – *румйатун* шаклидадир.

У فعل – *фаъилун* вазнида ҳам ясалади. Масалан, طب – *таббун,* كث – *кассун,* فرق – *фариқун* буларнинг асли طبب – *табибун,* كثث – *касисун* шаклида бўлган. Шунингдек ند – *надин,* جر – *жарин* бўлиб келиши мумкин, чунки уларнинг ҳам асли ندى – *надийун,* جري – *жарийун* дир. Сифатдошлар فعلاء – *фаъла:‘у,* أفعل – *‘афъалу* вазнида ҳам келиб, буларнинг кўплиги فعل – *фуълун* вазнида ясалади. Масалан, عوجاء – *ъавжа:‘у* – أعوج – *‘а‘важу* – عوج – *ъу:жун,* عمياء – *ъамйа:‘у* – أعمى – *‘ъама:* – عمي – *ъумйун.*

Қуйидаги жумла унга мисол бўлади: رجال عمي – *рижа:лун ъумюн* – “кўрмайдиган кишилар”.

Бундай сифатдошларнинг ўрта ўзаги *йа:* дан иборат бўлса, кўплигининг шаклидаги *дамма* ўрнига *касра* келади. Масалан, بيضاء – *байда:ʻу* – أبيض – *ʻабйаду* – بيض – *би:дун.*

Шунингдек, бундай сифатдошлар فعلان – *фаъла:ну* вазнида ҳам келади. Масалан, كسالى – *куса:ла:* – كسلى – *касла:* – كسلان – *касла:ну,* سكارى – *ука:ра:* – سكرى – *сакра:* – سكران – *сакра:ну.*

Бешта исмда кўпликда биринчи ундош ҳаракати *дамма* бўлади. Булар, أسارى – *уса:ра:,* عجالى – *ужа:ла:,* غيارى – *ғуйа:ра:,* كسالى – *куса:ла:,* سكارى – *ука:ра:.*

Шунингдек, сифатдошлар فعيل – *фаъи:лун* вазнида ҳам келади. Масалан, كريم – *кари:мун,* لبيب – *лаби:бун.*

Буларнинг кўплиги فعال – *фиъа:лун,* فعلاء – *фуъала:ʻу* вазнида бўлади. Масалан, كرام – *кира:мун,* كرماء – *курама:ʻу.*

Иккиланган ва *ноқис* феъллардан ҳосил бўлган сифатдошларнинг кўплиги افعلاء – *ʻафъила:ʻу* вазнида бўлади. Масалан, لبيب – *лаби:бун* – ألباء – *ʻалибба:ʻу,* طبيب – *таби:бун* – أطباء – *ʻатибба:ʻу.*

Сифатдош англатаётган иш ҳаракатни муболаға билан ифодалаш ёки уни кўп бажаришини ифодалаш مفعال – *мифъа:лун,* فعول – *фуъу:лун,* فعال – *фаъа:лун вазн* лари билан амалга оширилади. Масалан,

جسو – *жусуввун,* بغي – *бағийун,* قرور – *қуру:рун,* كتوب – *куту:бун,* منوع – *муну:ʻун,* قوال – *қавва:лун,* كرار – *карра:рун,* مناع – *манна:ъун,* قتال – *қатта:лун,* ضراب – *дарра:бун.*

Бу сифатдошлардан عصي – *асийун* нинг асли عصوي – *асвийун,* بغي – *бағийун* нинг асли بغوي – *бағвийун,* جسو – *жусуввун* нинг асли جسوو – *жусу:вун* дир. Шунингдек, ميناث – *минйа:сун,* مذكار – *мизка:рун,* مدرار – *мидра:рун,* مطعام – *мит‘а:мун,* مردي – *мардийун,* محرب – *маҳрибун* шакллари ҳам сифатдошларга киради.

مفعال – *мифъа:лун,* فعول – *фуъу:лун* қолипларидаги сифатдошлар ҳар иккала *жинс* учун бир хил саналади. Масалан, رجل ضروب – *ражулун дуру:бун,* إمرأة ضروب – *‘имра‘атун дурубун.*

Ҳосила боблардан ва тўрт ўзакли феъллардан аниқ даража сифатдоши келаси замон қўшимчаси ўрнига *ми:м* ҳарфини қўйиш билан ясалади. Фақат تفعلل – *тафъалала,* تفاعل – *тафа:ъала,* تفعل – *тафъаъала* бобларида ҳозирги келаси замон ўрнига *дамма* лик *ми:м* қўйилиб, тўртинчи ҳарфи *касра* қилинади. Масалан, متناهب – *мутана:ҳибун,* متجنب – *мутажаннибун.*

Мажҳул даража сифатдош

Уч ўзакли феълларнинг биринчи бобидан мажҳул даража сифатдоши مفعول – *мафъу:лун* вазнида ҳосил қилинади. Масалан, مضروب – *мадру:бун,* مشدود – *машду:дун,* موعود – *мавъу:дун,* مبيع – *маби:ъун.*

Юқоридагилардан مبيع – *маби:ъун* нинг асли مبيوع – *мабйу:ъун,* مقول – *мақу:лун* нинг асли مقوول – *мақву:лун,* مرمي – *марман* нинг асли مرموي – *мармуйун,* مدعو – *мадъуввун* нинг асли مدعوو – *мадъу:вун,* مرضي – *мардан* нинг асли مرضوي – *мардуйун* дир.

Мажҳул даража сифатдош гоҳида فعيل – *фаъи:лун* вазнида ҳам келади. Масалан, جريح – *жари:ҳун,* قتيل – *қати:лун.*

Ҳосила боблар ва тўрт ўзакли феъллардан мажҳул даража сифатдоши ҳозирги келаси замонининг мажҳул даражасидан олд қўшимча ўрнига *ми:м* ҳарфини қўйиш билан ясалади.

Бироқ қуйидаги шаклларда аниқ ва мажҳул даража сифатдошлар шаклида бир хил бўлиб қолади. Масалан, مختار – *мухта:рун* – اختار – *‘ихта:ра* (аниқ даража), مختار – *мухта:рун* – أختير – *‘ухти:ра* (мажҳул даража). Юқоридагилардан биринчисининг асли مختير – *мухтайирун*, иккинчисининг асли مختير – *мухтайарун* дир.

محاب – *муҳа:ббун* сифатдошининг асли аниқ даражада محابب – *муҳа:бибун,* мажҳул даражада محابب – *муҳа:бабун.* Шунингдек, مضطر – *мудтаррун* сифатдошининг аниқ даражадаги асли مضطرر – *мудтарирун* мажҳул даражадаги асли مضطرر – *мудтарарун.*

Орттирма ва қиёсий даража сифатлар.

Қуйидаги бирикмалар орттирма ва қиёсий даража сифатларига мисол бўла олади:

زيد ضارب و عمرو أضرب منه – *Зайдун да:рибун ва Амрун ‘адрабу минҳу* – “Зайд урувчи, Амр урувчироқдир”.

زيد كريم و عمرو أكرم منه – *Зайдун кари:мун ва Амрун ‘акраму минҳу* – “Зайд сахийдир, Амр сахийроқдир”.

Бундай сифатлар таажжубни ифодалашда қўлланилган вазнлар орқали ҳосил қилинади ва бу вазн *музаккар, муаннас,* иккилик ва кўплик учун бир хил, ноаниқ ҳолатда бўлиб, من – *мин* предлоги билан келади. Масалан,

هم أكبر منه – *ҳум акбару минҳу* – “улар ундан катта”, هي أكبر منه – *ҳия акбару минҳу* – “у ундан катта”, هما أكبر منه – *ҳума: акбару минҳу* – “у иккиси ундан каттадир”.

Агар *ал* аниқлик артикли билан келса ёки *изофа* нинг *музофи* бўлса, у ҳолда *музаккар, муаннас,* иккилик ва кўпликда келади. Масалан,

أفضلهم – *‘афдала:ҳум* – الأفضلان – *‘ал-‘афдала:ни* – أفضلهم – *‘афдалуҳум* – الأفضل – *‘ал-‘афдалу.*

أفاضلهم – *‘афа:дилуҳум* – أفضلوهم – *‘афдалу:ҳум* – الأفاضل – *‘ал-‘афа:дилу* – الأفضلون – *‘ал-‘афдалу:на.*

فضلياهن – *фудлайа:ҳунна* – ألفضليان – *‘ал-фудлайа:ни* – فضلاهن – *фудла:ҳунна* – ألفضلى – *‘ал-фудла:.*

فضلهن – *фудалуҳунна* – فضلياتهن – *фудлайа:туҳунна* – ألفضليات – *‘ал-фудлайа:ту.*

المفعل – *‘ал-мафъалу* вазни.

Бу вазн ҳаракат номи ҳамда бажарилган иш ҳаракатнинг вақти ва ўрнини билдириш учун ишлатилади. Масалан, مقتل الحسين – *мақталу-л-Ҳусайни.*

Ушбу жумла қуйидаги учта маънони англатади: "Ҳусайннинг ўлдирилиши", "Ҳусайннинг ўлдирилиш вақти", "Ҳусайннинг ўлдирилиш жойи".

يفعل – *йафъалу,* يفعل – *йафъулу* вазнидаги феъллардан масдар مفعل – *маф'алун* шаклида, يفعل – *йафъилу* вазнидаги феъллардан مفعل – *мафъилун* шаклида ясалади. Бироқ يفعل – *йафъилу* вазнидаги феъллардан مفعل – *мафъалун* вазнида ясалса, у ҳолда бу вазн ҳаракат номини ифодалайди. Масалан, ضربه ضربا – ضربه مضربا – *дарабаҳу дарбан* – "уни қаттиқ урди".

Агар مفعل – *мафъалун* вазнида ясалса, у ҳолда иш ҳаракатнинг бажарилган ўрни ёки вақтини билдиради. Масалан, مضرب فلان – *мадрабу фалянин* – "фалончининг урган вақти" ёки "фалончининг урган жойи".

